

431

Үттіз еттінчи йил чиқиши
Зулхижжа 1443ж
Июл 2022м

Ал-Ваъй

Беларус



Көңгүламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваъй сўзи

Украина
Украина уруши ҳамда
инфляция хатари

Қрим

16.4

BUSINESS

100.0

100.0

100.0

100.0

100.0





431

Ўттиз еттинчى
ййл чиқиши
Зулхижака 1443х
Июл 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Үшбү сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Украина уруши ҳамда инфляция хатари 3
- Намунавий иқтисод низоми (1) 9
- Хитой ва Америка ўртасидаги қутурган рақобат 18
- Динни янгилаш 23
- Давр талабини билиш ва унга амал қилиш борасида кечаги ва бугунги уламолар ўртасидаги фарқ 40
- Араб тили Исломсиз йўқ бўлиб кетиш хавфи остида, уни ким сақлаб қолади? 50
- Мағлублик сақофати ва чалғитувчи фикрлар савдоси 54
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** 59
- **Қуръони Карим сұхбатида** 64
- **Жаннат боғлари:** Зулхижжанинг ўн куни...
Бу кунларда қилинган солиҳ амал Аллоҳга бошқа кунлардагидан кўра суюклироқдир..... 70
- Сумома ибн Осол 75
- **Сўнғги сўз:** Мадавий Рошид: (Истроил)
билин муносабатларнинг нормалашуви
Байденнинг ибн Салмон билан учрашуви
баҳосидир 79
- Ўз динларини хўжайинларининг дунёси
эвазига сотган юзлаб уламолар иштирокида
Қатарда ўтган «Динлар мuloқоти»
конференцияси 80

УКРАИНА УРУШИ ҲАМДА ИНФЛЯЦИЯ ХАТАРИ

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Капиталистик молия тизимининг иқтисодий ҳаётнинг барча жиҳатларига салбий ва сезиларли таъсир кўрсатадиган жиддий хавфларга дучор бўлиши биринчиси эмас ва бу охиргиси ҳам бўлмайди. Пул ва валюта тизими... банк ва фонд биржалари каби молиявий муассасалар... Ҳалқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки каби кредит ташкилотлари... Swift, Bitkoin ва булардан бошқа келишилган капиталистик тизимлар орқали савдо айирбошлиш тизими... товар ва хизматларнинг қиймати... ходимларнинг иш ҳақи ва булардан бошқа кўплаб кўп қиррали масалалар ушбу молиявий тизимга тез ва фаол тарзда таъсир кўрсатади.

Милодий 1929 йилда, яъни биринчи Жаҳон урушидан кейин Жаҳон иқтисодиётида, хусусан, Америкада содир бўлган тартибсизлик натижасида Буюк Депрессия деб аталган ҳолат юзага келди. Бу ҳолат молиявий тизимда, шу жумладан, ушбу тизимнинг барча тармоқларида юз берган жиддий ўзгаришларга олиб келди. Биржалар бир кун ичида силкиниб, миллиардлаб зарар кўрди. Молиявий бозорда Dow Jones индекси бир кунда ўз қийматининг тахминан 22 фоизини йўқотди. Бир неча кун ичида Америка йўқотишлари – кризис бошлангандан бери – тахминан 30 миллиард долларни ташкил этди; Бу АҚШ федерал бюджетидан ўн баробар кўп эди. Бу ҳолат Америкагагина чекланиб қолмади, балки Франция, Германия ва бошқа Европа давлатларига ҳам кўчди. Кризис ўнлаб йиллар давом этиб, кейин секин-аста тиклана бошлади. Америка иттиifoқчи давлатлар билан бирга иккинчи Жаҳон урушига кирганидан кейингина ушбу ҳалокатли кризисдан чиқа олди. Кўпчилик иқтисодчиларга кўра, ушбу кризис урушнинг тўхташи, бинобарин, Америка саноат машинасининг ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиши ва ишсизлар армиясининг пайдо бўлиши натижасида бозорларда юз берган турғунликдан келиб чиқкан. Бу таклифнинг кўплиги ва талабнинг озлиги сабабли

тўғридан-тўғри молиявий бозорларга ва кескин тушиб кетган акциялар нархига таъсир кўрсатган!! Айни шу фожиа иккинчи Жаҳон урушидан кейин Европада ҳам такрорланди. Чунки Европа иккинчи Жаҳон урушидан иқтисодий жиҳатдан қаноти синган ҳолда чиқди. Агар Американинг «Маршал режаси», яъни кетма-кет ўн йил давомида Европани қутқариш лойиҳаси орқали аралашуви бўлмаганида Европа деярли қулаган бўлар эди. Милодий 1990 йилда Афғонистондаги ҳаддан ташқари кўп уруш харажатлари, социалистик иқтисодий тузумнинг нуқсонлари, шунингдек, юлдузлар уруши лойиҳасида Америка билан Совет Иттифоқи йұртасидаги катта харажатларни талаб қилган қуролланиш пойгаси ва бошқа ҳарбий лойиҳалар натижасида Шарқий лагерда фалокат юз берди. Бу молиявий таназзул бошқа омиллар қатори бутун социалистик тузумнинг парчаланишига, молиявий тизимнинг емирилишига, социализмнинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар ва инсон ишларини тартибга солувчи тузум сифатида емирилишига олиб келди. 1997 йилда молиявий бозорларда сунъий фожиа юз берди. Унда Осиё йўлбарсларининг қулаши глобал молиявий бозорларга таъсир кўрсатди ва бутун бир мамлакатларни деярли йўқ қилиш даражасига етган катта йўқотишларга олиб келди.

Сўнг 2008 йилда ипотека кризиси деб аталмиш молиявий кризис юз берди. Зеро, унда молиявий бозорлар ўз қийматининг катта қисмини йўқотди. Бу эса, молиявий муассасалар ва банкларнинг қулашига олиб келди ва Америкадаги бутун молия тизимини деярли йўқ қилди. Ўшанда глобал миқёсда, хусусан, Америкада Ғарб иқтисодий тузумининг энг мұхим қоидаси бўлган бозор эркинлигини бузиш орқали давлат аралашиб, баъзи мұхим муассасаларни қутқармаганида эди молиявий тизим бутунлай йўқ бўлган бўларди.

Бу дунёда вақти-вақти билан содир бўлаётган ва ҳали ҳам такрорланаётган баъзи намуналардир. Бугун дунё ўзини кўрсата бошлаган янги фожиага дуч келмоқда. Бу Украина уруши ва Россияга қарши иқтисодий санкцияларнинг натижаси бўлиб, тез орада Хитойга ўтиши ҳам мумкин. Шундай экан, ушбу ҳарбий кризис бевосита таъсир қиласидиган нарсалар нималардан иборат ва инсониятни унинг буюк фожиаларидан қутқаришнинг йўли қандай?

Украинадаги уруш кўплаб иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Уларнинг энг муҳимлари: Инфляция ва нархларнинг ошиши, бозорларда товарларнинг кўпайиши ҳисобига пул қийматининг пасайиши, ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг камайиши.

Инфляция масаласи капиталистик тузумдан ажралмайди ва у барча давлатларда турли даражада мавжуд. Унинг сабаби бир нечта бўлиб, улардан энг эътиборлиси ўз қийматида ўзига таянмаган самарасиз пул тизимиdir. Улардан бозорда мавжуд бўлгани ҳам ҳақиқий қийматини гавдалантиrmайди. Бу эса инфляцияга олиб боради. Бу ерда бошқа сабаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар тўғрисида молия тизимидағи камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапирганда умумий тарзда айтиб ўтамиз. Бозордаги пул миқдори мавжуд иқтисодиёт ҳажмига нисбатан ошганда, яъни талаб қилинган даражадан юқори бўлса, бу инфляцияни келтириб чиқаради. Натижада одамлар қўлидаги пулнинг қиймати пасаяди, нархлар кўтарилади, шунинг учун иш ҳақининг қиймати бошқа товар ва хизматларга нисбатан автоматик тарзда пасаяди. Мамлакатлар одатда татбиқ бўлиб турган тузумда мавжуд эгри йўллар билан инфляцияни муолажа қилишга ҳаракат қиласилар ва ставкалар кўтарилади. Шунинг учун пул миқдори бозордан банкларга олиб қўйилади шу билан пул қиймати товар ва хизматлар олдида кўтарилади ҳамда иш ҳақининг қиймати яхшиланади. Гарчи бу муолажа инфляция муаммосига таъсир қилса-да, иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларига фожиали таъсир кўрсатади. Кредит беришда банк фоизларининг юқорилиги сабабли лойиҳалар етишмайди. Бу эса бошқа товарнинг қийматини кўтаришда худди шу фожиани такрорлайди. Шунингдек, бу ишсизликка таъсир қиласи, зеро жамиятда иқтисодий лойиҳаларнинг йўқлиги ишсизликни кучайтиради.

Кўпгина Farb давлатлари, айниқса Америкада инфляция содир бўлди. Ҳатто Америкадаги иқтисодчилар тушкунлик, юқори товар нархлари, ишлаб чиқариш етишмаслиги, иш ҳақининг пасайиши, бунинг натижасида штатларда ижтимоий тартибсизликлар юзага келиши ҳақида огоҳлантиришмоқда.

Инфляция 1981 йилдан бери энг юқори даражага кўтарилиб, 8,5 фоизни ташкил этди. Би-Би-Си сайтининг 2022 йил 13 апрел куни хабар беришича, АҚШдаги инфляция Украина урушининг биринчи

ойида ёқилғи товарларининг нархи ошиши оқибатида сўнгги 40 йил ичидаги энг юқори даражага кўтарилиган. Товар нархлари 8,5 фоизга кўтарилиган ва бу 1981 йилдан бери энг юқори даражадир. Америка меҳнат вазирлиги 2022 йил 12 январда бундай деб огоҳлантирган: «Инфляция даражасининг ошиши АҚШ Федерал захира тизимини ўзи эга бўлган облигациялар ва қимматли қофозларни қисқартириш ва фоиз ставкаларини эса ошириш орқали пул-кредит сиёсатини кучайтиришга мажбур қиласди. Ҳозирда инфляция даражаси АҚШ марказий банки томонидан ўрта муддатли истиқболда 2 фоизга мўлжалланган кўрсатгичдан анча юқоридир». Германия вице канцлери ва иқтисодиёт вазири Роберт Хабек 2022 йил Давос иқтисодий конференциясида бундай деди: «Қаршимизда тўртта кризис, юқори инфляция, энергия кризиси, озиқ-овқат етишмовчилиги ва иқлим кризиси бор... Агар биз фақат битта кризисга эътибор қаратсан, муаммоларни ҳал қила олмаймиз...». У яна бундай деб қўшимча қилди: «Агар муаммоларнинг ҳеч бири ҳал этилмаса, мен глобал барқарорликка катта таъсир кўрсатадиган глобал рецессияга дуч келишимиздан қўрқаман!».

Бу инфляция тўхтамайди, аксинча, уруш давом этиши билан ортиб боради. Бу уруш ва Россия қамали Жаҳон иқтисодиётининг кўплаб масалаларига таъсир қиласди. Ёқилғи нархининг ошиши, сайджлар сонининг камайиши, товар ва хизматлар нархининг ошиши, экспортнинг камайиши, молиявий бозорлардаги тебранишлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир... Жаҳон миқёсида инфляция даражасининг юқори бўлишининг сабаби шундаки, иқтисодиёт масалалари бир-бири билан боғлиқ. Улар бир-бирига таъсир қиласди ва бир-биридан ажralмайди. Бу нарса Америка каби битта мамлакатда рўй берадими ёки бошқаларда ҳам бўладими фарқи йўқ. Дарҳақиқат, уруш кўп нарсаларда салбий таъсир кўрсатди ва шу билан бутун Жаҳон иқтисодиёти учун хавфли бўлган ушбу масалаларга олиб келди. Масалан Россияга қўйилган эмбарго кўплаб ҳаётий товарлар нархининг ошишига олиб келди; Айниқса, энергия ва ғаллага ҳамда саноат ва экспорт ҳажмига таъсир қиласди. Шунингдек, у бошқа мухим товарлар нархига, туризм ҳажмига, импорт ва экспортга, Жаҳон молия бозорига таъсир кўрсатди. Қамал мазкур ишларнинг бирига таъсир қиласига экан, олам бўйлаб иқтисоднинг бошқа соҳаларига

ҳам таъсир қилди. Кўриниб турибдики, масалалар чигаллашиб бормоқда ва тўхтамаяпти. Юқорида айтиб ўтганимиздек бу ишлар Хитой ва унинг иттифоқчилари гача етиб бориши ва воқеалар фожия устига фожиага айланиши мумкин.

Агар низом тўғри бўлса ва пуллар ўзининг қийматига таянса, инфляциянинг асосий сабаби биз айтиб ўтган ишларда яширинмайди. Балки бу нарса нотўғри ва муваффақиятсиз пул тизими туфайли содир бўлди. Чунки бу пул тизими ўзининг ички қийматига ҳамда мустаҳкам товар ва хизматларга таянмайди. Асосий сабаб – глобал тарзда сузид юрган ва ҳақиқий қийматга асосланмаган пул системасидир. Шунинг учун инфляция масаласи сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий силкенишлар билан таъсирланганидан ташқари капиталистик пул тизимига хос бўлган муаммо бўлиб қолмоқда. Агар иш тўғри бўлганида, яъни пулнинг қиймати тилла ва кумушга таянганида на инфляция ва на молиявий тизимга боғлиқ иқтисодий муаммолар содир бўлар эди.

Инфляция муаммоси – дунёга ҳукмронлик қилиб келаётган носоғлом капиталистик низомнинг камчиликларидан биридир. Капиталистик низом халқлар қонини сўришга ва ўзининг пул тизими орқали бойликларни талон-торож қилишга таянади. Бундан ташқари, у дунёга ҳар доим янгиланиб турадиган турли кризисларни олиб келади. Ўша кризислардан бири инфляция муаммоси бўлиб, у одамларнинг жамғармалари ва маошларини тортиб олади. Шунингдек, товар нархларини оширади ҳамда иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида хавф-хатарни ёяди.

Молиявий инфляция ва унинг иқтисодиёт бўғинларига келтираётган кўплаб фожиалардан халос бўлиш фақат пул ва инсон ҳаёти билан боғлиқ барча ҳаётий масалаларда тўғри тизимни жорий қилиш билан амалга ошади. Бундай тузум биринчи Жаҳон урушигача маълум даражада татбиқ қилингани учун ўша пайтдаги хатар бугунги кундагичалик бўлмаган. Бошқача айтганда, у пайтда нақд пул олтин балансига кўра белгиланган. Шунинг учун ҳам ўша даврда Жаҳон иқтисодиётига хавф солувчи муаммолар, айниқса, инфляция муаммоси камроқ бўлган.

Бу тўғри тузум тўлиқ ва яхлит тарзда татбиқ қилиниши лозим. Унинг фақат пулга тегишли жиҳатининг ёлғиз ўзи татбиқ этилиши мумкин эмас. Чунки бойликларни талон-торож қилишга кўнигиб қолган, оғизларидаги ошни олдириб қўйишни истамайдиган дунё

етакчилари бу тизимни дарҳол йўқ қилишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун пул тизими ўша пул тизимини ўз ичига олган Исломдаги иқтисод тузуми билан биргаликда татбиқ қилиниши керак. Бу эса ушбу тузумни кафолатлайдиган давлат соясидагина бўлади. Бу давлат ўша тузумни аввало юртларимизда татбиқ қиласди ва шундан сўнг уни бутун инсониятга яхшилик ва ҳидоят рисолати сифатида олиб чиқади. Ана ўшанда бу касал тузумлар қулайди ва ишлари фош бўлади. Аллоҳ Таоло бу ҳақида бундай дейди:

﴿أَفَمَنْ أَسَّنْ بُنْيَنَهُ وَعَلَىٰ تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضَوَنِ خَيْرٌ أَمْ مَنْ بُنْيَنَهُ وَعَلَىٰ شَفَاعَ جُنُفٍ
هَارِ فَانْهَارَ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّلِيلِينَ﴾

«Бас, бу биноларини Аллоҳдан қўрқиш ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимсами?! Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас» [Тавба 109]

Биз Аллоҳ Таолодан ушбу ҳодисаларни Ислом яна ҳаётга қайтиши ҳамда аввалда Рум ва Форс давлатлари Ислом нури олдида фош бўлганидек фош бўлиши учун муқаддима бўлишини сўраймиз. Шунингдек, Ислом давлати тикланиши учун мухит бўлишини сўраймиз. Эй Аллоҳим, дуоларимизни қабул эт, охирги дуюйимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқлиkdir. □

НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (1)
ИСЛОМ ИҚТИСОД НИЗОМИНИ БИЛИШ ЗАРУРАТИ

Маҳмуд Абдулҳодий

Ақида ва иқтисодий фикрларнинг ўйғонишдаги аҳамияти

Иқтисод давлат құдратининг эң мұхим элементларидан биридір. Күчли иқтисодиёт жамият фаровонлигига, шунингдек, жамият аязоларининг яшаш воситаларига етарли даражада эга бўлиб, қониқарли яшашига катта таъсир кўрсатади. Давлат ўз чегараларини, тартиб интизомини, ички ва ташқи хавфсизлигини ҳимоя қилиш имконини берадиган күчли воситаларга эга бўлиши ҳамда куч ва тараққиёт воситаларини ривожлантириши учун унинг иқтисоди күчли бўлиши зарур. Шунингдек, ҳалқаро сиёсий вазиятга таъсир кўрсатиш ва давлат асосланадиган фикрларни тарқатиша иқтисоднинг күчли бўлиши янада зарурроқдир.

Лекин иқтисод қувват омиллари ичида эңг аҳамиятлиси эмас. Чунки давлат асосланадиган ва Уммат оламга ёядиган дунё ҳаёти ҳақидаги, яъни яшаш тарзи ҳақидаги фикрлар аҳамият жиҳатидан иқтисоддан олдин туради. Ушбу фикрларнинг асосини ва фикрий қоидани ташкил этувчи ақида ҳам аҳамият жиҳатидан эңг олдинда туради. Чунки ақидасиз ўша ақидадан келиб чиқсан фикрлар ўзгаради ва тубанлашади. Натижада давлат заифлашиб, парчаланиш йўлига киради. Жамият бирлашув омиллари ва яхлитлик сабабларини йўқотади. Уммат эса ўзини бошқалардан ажратиб турувчи фикр ва хусусиятларини йўқотиб, муайян турмуш тарзидан маҳрум бўлиб қолади. Натижада у яхлитлигини ва қувват элементини йўқотади. Кейин заифлашади ва иқтисодий бойликларини йўқотиб, улар Уммат учун неъмат бўлиш ўрнига азобга айланади. Давлатнинг ўзи асосланадиган фикрларини йўқотиши – гарчи унинг тузилиши сақланиб қолса ҳам – бу унинг йўқ бўлиб кетишини англатади. Жамият ёки Умматнинг ўзи қабул қилган фикрларни ҳамда унинг яшаш тарзини тасвиirlаб берадиган фикр ва тушунчаларини йўқотиши уни бошқалардан ажратиб турувчи билим ва сақофатларни йўқотишига, шунингдек, тарихини унутиши ва уни инкор этишига кифоядир.

Тасдиқланган ҳақиқатлар ва гувоҳлик берувчи фактлар буни шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада тасдиқлади. Ислом фикрларини тушунишга заифлик етганидан кейин мусулмонлар вужуди ва бирлигининг рамзи, дини ва хавфсизлигининг сақловчиси, шон-шуҳрат ва куч-құдратининг манбаи бўлган

Халифалик қулади. Халифалик фикрларнинг асоси бўлган ақидасини йўқотгани учун қуламади, балки Ислом фикрларини тушунишда қаттиқ заифлик етгани учун қулади. Ислом Уммати сиёсий яхлитлигини йўқотди, турли бўлакларга бўлинди ва Исломдан бошқасига садоқат кўрсатди. Жамият ўз фикрлари ва яшаш тарзида Исломдан кўра куфр ва кофирларга яқин бўлиб қолди. Уммат орасида шундай кишилар етишиб чиқдики, улар ўзларини муфаккир, етакчи ва уламо деб даъво қилар, лекин бошқарув, иқтисод ва қонун чиқариш борасида Исломдан бошқа асосга кўра фикрлар эдилар. Шунингдек, улар жамият ишлари ва алоқалар ҳақида фатво берар эканлар, Исломни инкор қилар, унинг фикрлари ва тарихига ҳужум қилар, уни қолоқ деб таърифлар эдилар. Бундан ташқари, исломий даъватчиларни хурофотчи ва террорчи деб сифатлаб, Ислом ва Умматга қарши душман билан тил бириктираси эдилар.

Шунинг учун мусулмонлар Ислом фикрларини тушунмагунича... уни тушунча ва яшаш тарзи сифати ушламагунича... уни татбиқ қилиш вожиб, деган тушунча умумий онгга асосланган жамоатчилик фикрига айланмагунича... бу фикрлар Аллоҳ Таоло томонидан ваҳий қилинган шариат фикрлариdir деган тушунча пайдо бўлмагунича... манфаат, ваъда, хатар ёки таҳдид сабабли бу фикрлар борасида савдолашмайдиган ёки уларнинг айримларидан воз кечмайдиган бўлмагунича... зарурат, эҳтиёткорлик, тараққиёт ёки замонавийлик баҳонасида уларни ўзгартирмайдиган ёки бузмайдиган бўлмагунича мусулмонларнинг ўйғонишига йўл йўқ. Шунингдек, давлат барпо этишларига, яшаш тарзини янгидан бошлашга, Ислом даъватини одамларга етказишга, бошқа мусулмонларни ўз сафига қўшишга ҳамда ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Росулуллоҳ байроғи остида Уммат яхлитлигини қайта тиклашга йўл йўқ.

Умматнинг Исломга яхлит ҳаёт низоми сифатида қайтиши

Мусулмонларнинг бошига тушган ва тушаётган мусибат, офат, фалокат ва қирғинларга, Ислом Умматини йўқ қилишга қаратилган ҳар қанча саъй-ҳаракат ва фитналарга қарамай воқелик шуни тасдиқламоқдаки, мусулмонлар дунёning қайси жойи ва бурчакларида бўлмасин, ўз динларини тушуниш ва уни маҳкам ушлашга қайтмоқдалар. Ислом бошқа динлар каби фақат ақида ва ибодатлардан иборат коҳинлик дини эмас, аксинча, у ақлни қаноатлантирадиган ақида экани ҳамда ундан инсон, ҳаёт, шахс,

жамият ва давлатнинг барча ишлари, мусулмон ва мусулмон бўлмаганларнинг барча алоқалари учун тузум келиб чиқиши ҳақида тушунча пайдо бўлди. Бу фикр мусулмонлар ичida жамоатчилик фикрига айланди. Бу эса куфр раҳнамоси бўлган йирик давлатлар ҳукмдорларини ва уларнинг малайларини даҳшатга солди. Шунинг учун улар Умматнинг бу хайрли қайтиши ва муборак йўналишини йўқ қилиш ҳақида фикрлаб, тил бириктира бошладилар.

Мен бу ишларга далил келтирмоқчи эмасман, чунки бу менинг мавзуйим эмас. Лекин мен мусулмонларнинг Исломни тўғри тушунишларига қарши йирик давлатлар томонидан «терроризм» шиори остида олиб борилаётган глобал кампанияни исботловчи мисолларни келтириб ўтаман. Албатта, йирик давлатлар Исломга қарши курашиб учун қонунларни ҳамда глобаллашув сиёсатини ишлаб чиқиб, Ислом давлатини барпо қилишга ҳаракат қилаётганларни «терроризм» ва «экстремизм»да айблашди. Шу мақсадда турли қонунларни ишлаб чиқиб, уларни халқаро миқёсда татбиқ эта бошлашди. Россия ташқи ишлар вазири ўзларининг ҳамда бутун дунё давлатларининг жиноятларини оқлаш учун БМТда сўзлаган нутқида Сурия халқининг қассоб Башар Асад ва унинг золим режимига қарши амалга оширган қўзғолони ҳақида бундай деди: «Суриядаги бўлаётган ишлар диктаторликка қарши ва демократия учун эмас, аксинча, улар Ислом давлатини барпо қилиш ва халқаро ҳамжамиятга қарши бўлмоқда». Ҳа, улар энг юқори трибуналдан туриб, нимадан кўрқаётганларини ошкор этмоқда, ўз қирғинлари ва ваҳшийликларини оқлашга уринишмоқда». Аллоҳ Таоло бу ҳақда қўйидаги оятда қандай ҳам тўғри сўзлаган:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيُصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُعْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى جَهَنَّمَ يُحَشَّرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг ўйлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар»

[Анфол 36]

Дарҳақиқат, Ислом, унинг давлати ва бошқаруви ҳақида, шунингдек, мавжуд режимларни қулатиш лозимлиги ҳақида

жамоатчилик фикри пайдо бўлди. Лекин Исломнинг турли низомлари, қоидалари ва уларнинг тафсилоти борасида мусулмонларда тушунмовчилик мавжуд. Бунинг сабаби, мусулмон юртларда Ислом аҳкомларининг татбиқ этилмаётганидадир. Мавжуд режимларнинг Ислом, унинг давлати ва низомларига қарши қураши ҳамда сарой уламоларининг мусулмонларни ва бўзук воқеликка алданган ғайридинларни Ислом дини ҳақиқатидан бураётганлари сабабли улар Исломни воқелик асосида ва улар устидан ҳукмрон Ғарб фикрлари асосида тушунадиган бўлиб қолиши. Улар бехабар қолаётган энг муҳим нарса, бу Исломдаги бошқарув ва иқтисод низомларига алоқадор аҳкомлардир.

Исломдаги иқтисод низомини билмаслик

Гарчи Исломдаги бошқарув низоми, унинг кўплаб қоида ва аҳкомлари ҳақида маълум даражада тушунча пайдо бўлган ҳамда даъватчилар мана шу муҳим жиҳатга эътибор қаратган бўлсаларда, лекин иқтисод низомини билиш ҳали ҳам паст даражада. Бу нарса нафақат мусулмонлар оммаси, балки уламолар, сара кишилар ва шу борадаги мутахассислар ҳамда қўплаб исломий ҳаракатлардаги даъватчиларда мавжуд. Бу фикрий қурашдаги камчилик ва заифлик омили бўлиб, уни муолажа қилиш ва эътибордан қолдирмаслик керак. Бу борадаги билимни фаоллар ва мутахассисларга сингдириш орқали жамоатчиликка сингдириш лозим. Бу иш Исломдаги иқтисод низоми фикрларини далилга эга бўлган шаръий ҳукм ва ҳақиқат сифатида тақдим этиш ҳамда уларни инсонлар, жамиятлар ва олам муаммолари учун муолажа сифатида таклиф этиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу фикрларни исломий фаолият етакчилари ва мутахассислари олдида тушунчага айлантириш орқали амалга оширилади.

Бугун бутун дунё динни ҳаётдан ажратишига, ҳуқуқ ва бурчларда умумий эркинликларга, бошқарувда демократияга, иқтисодда капиталистик низомга асосланган капитализмнинг зулми остида азоб чекиб, инграмоқда. Гарчи Ғарбнинг мусулмон юртларга қилган фикрий ҳужуми узоқ вақт давомида мұваффақият қозониб, Ғарбу Шарқдаги күфр раҳнамолари мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилган бўлса-да, мусулмонларнинг уйқуси узоқча чўзилмади. Улар ғафлатдан уйғониб, нафсларини Ғарб ва Шарқнинг материализмидан поклаб, хорлик юкини елкаларидан ташладилар ҳамда бўйинларидағи хорлик ва қарамлик

занжирларини ечдилар. Улар яна мустамлакачи жаллодлар юзига «На шарқийлик ва на Ғарбийлик, балки исломийлик» дея, ҳамда «На демократия ва на капитализм, балки Исломий Халифалик» дея ҳайқирдилар. Эй Роббимиз, шунча алдов ва ёлғонлар, нола ва қурбонликлар ҳамда Аллоҳга қайтишдан кейин биз учун сендан ўзга ким бор?! Ғарб ва унинг раҳнамолари, Шарқ ва унинг устунлари фош бўлди, уларнинг Ислом ва мусулмонларга қарши нафрати ҳамда Ислом ва Халифалик ҳақиқатидан қўрқишлари очилиб бўлди. Уларнинг инсонлардан бўлган шайтонлар экани ва ваҳший инсонлиги намоён бўлди. Уларнинг эркинлик, инсонийлик, ҳуқуқ ва қонунлар қадриятлари ҳақидаги барча даъволари барбод бўлди. Шунда уларнинг хиёнат, очкўзлик ва ваҳшийликка ботиб қолишгани, ўз бузуқликларида инсоний фитрат чегарасидан ошиб кетишгани, шаҳватлари уларни енггани, уларнинг устидан материализм ҳукмрон бўлиб олгани, уларнинг олдида руҳий, инсоний ва ахлоқий қадриятлар учун ҳеч қандай эътибор қолмагани кўриниб қолди. Улар нафсларига берилиб кетишди ва моддий қийматдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Ҳатто улар ташвиш ва қўрқув ичида яшайдиган бўлиб қолишди. Улар сабабли дунё тиконли мashaққатга ва ёндирувчи дўзахга айланди.

Ҳа, юксалиб бораётган Ислом билан кризисга юз туваётган Ғарб ўртасидаги бу курашда фақат мана шу жиҳат, яъни капиталистик иқтисод низоми сақланиб қолмоқда. Бошқача айтганда, капиталистик иқтисод низомининг дунёга зўрлик ва ёлғон билан ҳукмронлик қилиши кўзга ташланмоқда. Ғарб агар ушбу ҳукмронлигини йўқотса, ўзи ва мабдасининг қулашини ҳамда яшаш тарзи барбод бўлишини билади. Ҳа, мустамлакачилик нафақат иқтисодий ҳукмронлик, балки у фикрий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлик ҳамdir. Лекин Ғарб фикрий жиҳатдан қулади, унинг айрим етакчилари мусулмонлар билан бўлган фикрий курашда муваффақиятсизликка учрашгани, сиёсий жиҳатдан ютуққа эриша олмагани ва ёлғончилиги фош бўлиб қолгани ҳақида очиқ айтишди. Ғарб ўз режа ва сиёсатларини амалга ошириши учун фақат ҳарбий кучга эга. Шунинг учун у Ислом Умматига қарши ҳарбий урушлар олиб бормоқда. Ғарб унда мусулмонларни ўлдириб, юртларини вайрон қилаётган бўлса-да, на урушни тугата оляпти ва на ғалабага эришапти. Аксинча, у сиёсий жиҳатдан муваффақиятсизликка юз тутиб, ахлоқий жиҳатдан тубанлашмоқда. Уммат эса, Ғарбнинг ҳаддидан

ошганини идрок этиб, дини ва ўзлигини англамоқда. Аллоҳнинг нусратига ва Халифаликнинг қайта барпо бўлишига Умматнинг ишончи ортмоқда. Исломий Уммат мустамлакачи чизган чегараларни тан олмай ўзининг бирлиги сари ошиқмоқда.

Исломдаги иқтисод низомининг инсон муаммоларини ҳал этишдаги ўзига хос хусусиятлари... ишлаб чиқаришда улкан энергияларни сарфлашга қодирлиги... барча бойлик манбаларидан намунавий ҳатто мўъжизавий тарзда фойдаланиши... ер ости бойликларини ҳар бир фуқарога тақсимлаши ва булардан бошқа аҳкомлари Ислом низомининг ажралмас бир қисмидир. Ислом низоми одамларнинг турмуши ва иқтисодини тартибга солиш билангина чекланиб қолмайди, балки, уларнинг дини, ор-номуси, қадр-қиммати ва одоб-ахлоқини ҳимоя қилиб, хотиржамлигини таъминлайди. Мана шу низомни билмаслик даъватчининг ушбу курашда энг муҳим куч ва қатъийлик манбаларидан бирини йўқотиб қўйишига сабаб бўлади. Шунингдек, Умматнинг уйғонишига тўсқинлик қилишни, кишанлардан озод бўлишини кечиктиришни мақсад қилган мустамлакачи душманга ўз мақсадларини амалга ошириш имкониятини беради.

Исломдаги иқтисод аҳкомларини билмасликнинг айрим белгилари

Айни жаҳолатнинг белгиларидан, Умматни қийнаган таназзул қолдиқларидан ва капиталистик ғарбнинг мусулмонлар устидан ҳукмронлигининг чўзилиб кетиши сабабларидан бири шуки, машҳур олимлардан бири 2008 йилдаги жаҳон молиявий кризисидан кўп ўтмай: «Америка кризисдан чиқади, чунки капитализм – унинг даъвосича – ўзини янгилайди» деб баёнот берди. Шу тарзда ғарблеклар алдаган ва ўзларини ҳам алдашган иddaоларни олимлар тинмай такрорлаб келишди. Бунинг ўрнига, оламдаги зулм ва бадбахтлик сабабчиси мана шу капитализмдир, деган ҳақиқатни очиқ гапириб, капитализм фикрларининг жирканчлиги, манҷажининг жиноятлари ва ундан пайдо бўлган вайронагарчиликлар мана шу кризис сабабли фош бўлди, деб айтишлари керак эди. Шунингдек, улар капитализм бойликларни талон-торож қиласи, бойларни қашшоқлаштиради, камбағалларни ҳалок қиласи, халқларни овлаб, гўштини тилка-пора қиласи, у яқинда ўзини ўзи ейди ва худди олов ўтинни еб ўзи ўчганидек у ҳам ўчади, бўронли кечада кулдек ҳавога учиб кетади, дейишлари

керак эди. Бунинг ўрнига улар капитализм ўзини янгилайди, у одамлар ўртасидаги адолат ва иқтисоддаги бүнёдкорлик чўққиси, деб тарғиб қилиб ётишибди.

Ушбу жаҳолатнинг бир мисоли ҳамда Исломдаги иқтисод низоми, унинг қоидалари ва аҳкомларини баён қилишга эътибор қаратиш лозимлигининг сабаби сифатида «Араб баҳори» қўзғолонларини келтириш мумкин. Қўзғолон юз берган айrim араб юртларида одамлар Исломни татбиқ қилишга ҳаракат қилувчи етакчиларни сайлашни талаб қилишган эди. Бу қўйидаги икки ишни баён қилади:

Биринчи: Умуман одамлар Исломни хоҳламоқда. Лекин бошқарув, иқтисод ва халқаро алоқаларга оид айrim аҳкомлар Исломданми ёки бошқасиданми ажратиш йўқ. Бу нарса нафақат мусулмонлар оммаси, балки шайхлар, уламолар ва исломий ҳаракат етакчиларида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу 2012 йил тасдиқланган Миср конституциясида яққол кўзга ташланди. Зоро, кўпчилик илм ва исломий ҳаракат тимсоллари уни исломий конституция деб ҳисоблашди, ҳолбуки у куфрга тўла эди.

Иккинчи: Ушбу халқларда Исломдаги иқтисод низомини тузум сифатида татбиқ этилишига бўлган истак намоён бўлгач, илмоний арбоблар, оммавий ахборот воситалари ва турли таниқли шахслар халқларнинг айни истагини goҳ қоралаб, goҳ масхара қилиб, ўртага саволлар ташлашди: Исломдаги иқтисод низоми нима, асли Исломда иқтисод низоми борми, ахир дунё танийдиган ва инсоният ақлининг энг ривожланган чўққиси бўлган капиталистик низомдан бошқа иқтисод низоми борми?

Бу икки масала эътибор қаратиш лозим бўлган заиф нуқталарни, шунингдек, мусулмонлар, уламолар, иқтисодчилар ва даъватчиларга Исломдаги иқтисодий низом ҳақида тушунча бериш лозимлигини кўрсатди. Чунки тўғри исломий жамоатчилик фикрини пайдо қилиш, бошқа барча фикрларни улоқтириш ҳамда унинг ҳийла ва тузоқларига тушмаслик лозим. Айниқса, исломий дея даъво қилинаётган, аслида ноисломий бўлган конституциялар, режимлар, бошқарувлар ва иқтисодларга алоқадор нарсаларда шундай бўлиши керак. Ҳолат воқелиги айнан мана шу заиф ўринларга эътибор беришни, айниқса, Ислом иқтисодий тузуми ҳақидаги иккинчи масалада тилга олингандарга кўпроқ эътибор бериш ва ҳаракат қилишни талаб қилади.

Капиталистик мабда парчаланиб бормоқда. Уни тарқатиш ҳамда Исломга муқобил тарзда уни мусулмонларга зўрлаб тикиширишдаги ғарбнинг интилишлари эса барча чегарадан ошиб кетган такаббурликдан бошқа нарса эмас. Бу унинг Ислом Умматининг воқелиги, ҳаракати ва йўналишидан бехабар эканига далолат қиласди. Яна шунга далолат қиласдики, мусулмонларда Исломнинг фикр ва аҳкомлари тушунчага айланган пайтда, бунинг таъсири қанчалик даражада бўлишини ғарб тушуниб етмаяпти. Бугун ғарб фикрий ҳужумининг мусулмонларга бўлган таъсири қолмади, қолган бўлса ҳам, иқтисод фикрлари ва иқтисодий сиёсатда қолди. Шундай экан, Исломдаги иқтисод низоми аҳкомлари ва фикрларига эътибор бериш жуда муҳимдир. Одамлар турмушида, давлатнинг кучли бўлишида, улкан лойиҳаларни амалга ошириш ва мақсадларга эришишда иқтисоднинг тутган ўрни ва таъсири кучли бўлгани учун ҳам унга эътибор бериш муҳимдир.

Ушбу мақола ва тадқиқот якунида Исломдаги гуллаб яшнаган серяпроқ иқтисод низомини очиқ баён этмоқ лозим. Бунинг муқобили ўлароқ, ғарбнинг капиталистик тузумнинг аслида баҳтсизлик, зулм, алдов ва қутуришдан иборатлигини очиб ташламоқ зарур. Бундан ташқари, Исломдаги иқтисод низомининг кенг йўллари ва умумий қоидаларини (Бир-бирига зид бўлган икки нарсанинг бири қаршисидаги нарсанинг яхши жиҳатларини намоён қиласди) деганларидек ёритилиш лозим. Бу ўринда фазилатли шайх ва мужаддид аллома Тақийюддин Набаҳонийнинг «Исломдаги иқтисод низоми» китобидан кўра афзалроқ китобни топа олмаймиз. Чунки бу бобда чуқурлиги, қамрови, объективлиги ва даҳоси бўйича шунга ўхшаш нарсани топа олмадим. Аллома шайх бу соҳада дастур моддаларнинг барчасини тайёрлади. Бу Ҳизб ут-Таҳrir томонидан Аллоҳнинг изни билан яқинда дунёга келадиган Ислом давлати учун тайёрланаётган дастур лойиҳасининг бир қисмидир. Бу Ҳизб ут-Таҳrir нашрларидан бўлган «Дастур муқаддимаси ёки уни вожиб қилувчи сабаблар» номли китобида тўлиқ баён қилинган. Мақсад Ислом конституциясини кўрсатиш ҳамда унинг моддаларини биринчи навбатда конституция сифатида, иккинчидан Ислом давлатининг конституцияси сифатида шакллантиришдир. Шунингдек, Аллоҳ Таоло ўз Росули ﷺ ваҳий қилган аҳкомларга таянадиган ноёб ва ўзига хос Исломда иқтисод тузуми мавжудлигини инкор

этувчиларга раддия беришдир. Исломдаги иқтисод низоми, унинг аҳком ва қоидалари Аллоҳ Таолонинг Китоби, Росулининг суннати, шаръий қиёс ва саҳобалар ижмоидан бўлган фиқҳий асос ва шаръий манбалар билан мустаҳкамланган ва тартиблаштирилган шаръий ижтиҳод билан олинган. Бизнинг қўлимизда (энг юксак иқтисодий низом) деб аташга лойиқ ва аҳкомлари аввалгиларнинг истинбот йўлига кўра чиқарилган замонавий Исломдаги иқтисод низоми бор. Токи, тадқиқотимиз тўла бўлиши учун бу ҳақда кейинги сонларда гаплашамиз. Тўғри йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. □

ХИТОЙ ВА АМЕРИКА ЎРТАСИДАГИ ҚҰТУРГАН РАҚОБАТ

Мұхандис Холид Сарорий – Яман

Бир томонда Хитой, иккинчи томонда Америка ўртасидаги зиддият бугунги кунда дүнёға яққол күриниб турибди. Икки томон ўртасида кундан кунга кенгайиб ва үсіб бораётган бу зиддиятда Америка ҳужумкор позицияда бўлиб, Хитойнинг кўплаб сиёсий ишларига аралашмоқда. Хитой эса мудофаа позициясини эгаллар экан, АҚШдан тинчликни ва ўт билан ўйнашмасликни талаб қилмоқда. Биз ҳозир икки давлат ўртасидаги зиддият моҳияти, унинг сабаблари ва мотивларини батафсил муҳокама қиласиз. Лекин бундан олдин Америка-Хитой зиддиятининг бир неча жиҳатларини айтиб ўтамиз.

Иқтисодий соҳа: АҚШ президенти Доналд Трамп 2018 йил 22 марта Хитой товарларига 50 миллиард АҚШ доллари миқдорида бож жорий этиш ниятини эълон қилиб, Хитойга қарши савдо урушини бошлади ва бу олтинчи июлдан кучга кирди. Бунга жавобан Хитой ҳукумати АҚШнинг 128 дан ортиқ маҳсулотларига бож жорий қилди, улардан энг машҳури ловия эди. Хитой давлати 2001 йили Жаҳон савдо ташкилотига қўшилар экан, Қўшма Штатлар билан Хитой муҳим тижорат ҳамкорларига айланган эдилар. Шундан бошлаб Қўшма Штатлар Хитойдан унга экспорт қилганидан кўра кўпроқ товар сотиб ола бошлади. Қўшма Штатлар ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдодаги фарқ кенгайиб, ўтган йили сентябр ойи охирида 2,7 триллионга етди. АҚШнинг кетма-кет келаётган ҳукуматлари икки давлат ўртасидаги савдода катта тақчиллик бўлаётганидан шикоят қилишган. Шунингдек, Хитойни мослашувчан бўлмаган валюта курси ва савдо-демпинг (атайлаб паст нархда сотиш) сиёсатида айблашган. Зоро, Хитой АҚШ облигациялари ва векселларини сотиб олиш орқали уни қарздор қилиб келяпти. Бу эса, дунё бўйлаб, долларга бўлган талабни оширади. Шу тариқа, долларнинг Хитой юанига нисбатан қиймати ортиб, бу билан АҚШ бозорида Хитой импоргининг улуси Хитой бозоридаги АҚШ импортига нисбатан ортиб боряпти. Бошқа томондан, Хитой Америкадан қарзларини ундира олмайди. Чунки бу билан доллар қадрсизланиб, Хитой жамғармаларининг қиймати пасаяди. Шунга қарамай, икки мамлакат ўртасидаги савдо үсиши давом этиб, Хитой АҚШдан кейин дунёдаги иккинчи иқтисодиётга айланди. Америка буни ўзининг иқтисодий ва геосиёсий ҳуқмронлигига қарши кураш деб билади. Хитой эса ўз

махсулотларини Жаҳон бозорига етказишни осонлаштириш учун энг мүхим стратегик портларни назорат қилиш орқали денгиз савдосида ҳукмронлик қилишга интилади. Хитой дунёning 34 мамлакатидаги 42га яқин портларни қарз тузоғига илинтириш ёки порт операторларидан улушларини сотиб олиш орқали назорат қилади. Зоро, Америка Хитойни дунё портларига мұстамлакачилик сиёсатини жорий этишда айбласа, Хитой буни инкор қилади.

Сиёсий ва ҳарбий соңа: Америка ўтган асрнинг 40-50 йилларида Совет Иттифоқи билан «Совуқ уруш» деб номланған даврда қылғанидек, Хитой иқтисодиётини синдириш учун уни қуролланиш пойгасига тортишга бир неча бор уринди. Хитой Американинг бу тузоғини билади ва АҚШ қадам босиши мүмкін бўлган қизил чизиқларни ҳимоя қилиш билан биргаликда ҳеч бир давлат билан қуролланиш пойгасига тушмасликка ҳаракат қилмоқда. Америка Хитойни ҳалигача Жанубий Хитой денгизи ва унинг минтақаси устидан (гарчи ҳаракат қилса-да) ўз назоратини ўрната олмаганига ишонади. Америка Хитойни бу назоратидан тўсмоқчи бўлиб, минтақадаги бошқа давлатлар орқали уни машғул қилиб қўймоқчи. Шунингдек, уни ҳар томондан қамалда бўлган йирик минтақавий давлат сифатида сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Жанубий Хитой денгизида Индонезия, Малайзия, Филиппин Вьетнам давлатлари бўлиб, Америка уларни Хитойга қарши ҳаракатлантиришга уринади. Мана шу денгизга яқин жойда Тинч океанида Австралия жойлашган бўлиб, Америка Хитойга қарши ишлашда у билан ҳамкор. Шарқий Хитой денгизида эса Япония, Тайвань, Жанубий Корея давлатлари жойлашган бўлиб, улар Америка билан иттифоқчидир. Америка Хитойни Тайвань билан ихтиёрий равища бирлашишини тан олган. Лекин у Трамп даврида ушбу эътирофдан воз кечди. Хитой эса, Тайваньга уруш қилиш билан таҳдид қилди. Шунда Трамп Хитой билан Тайваннинг яхлитлигини тан олиб, ўз фикридан қайтди. Бу 1979 йилда яхлитлик ўзаро бирдамлик, босқичма-босқичлик ҳамда сиёсий ва иқтисодий яқынлашиш асосида бўлиши тўғрисида Америка ва Хитой ўртасида имзоланған келишувдир. Лекин Америка бу борада турли тўсиқларни қўйиб, Тайванни қуроллантиришга ҳаракат қилиб келмоқда ҳамда уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. АҚШнинг Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги (Индопам) кучлари қўмондони американлик адмирал Филипп Дэвидсон 2021 йил 10 март куни Хитой Тайванга 6 йил ичида, яъни

2027 йилгача бостириб кириши мүмкінлиги ҳақида огохлантирган. У Конгрессда нұтқ сўзлар экан, бундай деган әди: «Мен хитойликлар 2050 йилга бориб минтақадаги энг йирик күч сифатида Қўшма Штатларнинг ўрнини эгаллашга қаратилган лойиҳаларини тезлаштиришидан қўрқаман»... (Ал-Жазира, 2021 йил 11 март). Америка Тайванни Хитойнинг бир қисми деб тан олса-да, Хитойнинг уни қўшиб олишидан қўрқади. Шу боис, буни олдини олиш учун турли тўсиқларни яратади. Кўриниб турибдики, Хитой Американинг бу яхлитликни рўёбга чиқармаслик учун ўйнаётган ўйини ва кечикишлардан чарчаган ҳамда Америка буни хоҳламаётганини билади. Афтидан, Хитойдан Тайванга жиддий таҳдид бор ва у Тайванни күч билан қўшиб олишга қодир. Лекин Хитой Америка билан савдо алоқаларини йўқотмоқчи эмас. Агар Хитой шундай қадам ташлайдиган бўлса, Америка дунё давлатларини гижгижлаган пайтда кўплаб давлатлар билан бўлаётган савдо алоқаларини йўқотишни хоҳламайди.

Технология соҳаси: Биз биламизки, АҚШ Хитойнинг Huawei компаниясига ҳужум қилиб, уни қонунбузарлиқда айблади. Канада расмийлари 2018 йилнинг декабр ойида Хитойнинг телекоммуникация соҳаси гиганти Heaweи компаниясининг молиявий директори Мэн Ванъчжоуни АҚШ расмийларининг талабига биноан ҳибсга олди. Бу нарса технология соҳасини назорат қилишга интилаётган Хитой билан ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган АҚШ ўртасида илғор технологиялар устидан ҳукмронлик қилиш учун бўлмоқда. Huawei компанияси дунёдаги энг йирик алоқа ускуналари ишлаб чиқарувчиси бўлиб, смартфонлар етказиб бериш бўйича учинчи ўринда туради. Шунингдек, кўплаб илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик идоралари ҳамда ўн минглаб патентлар эгасидир. У Хитойнинг дунёдаги энг йирик алоқа ускуналари ишлаб чиқарувчиси бўлиб, унинг маҳсулотлари дунёнинг 170дан ортиқ мамлакатларида тарқатилади. Хитойнинг илғор технологиялар соҳасида устунликка интилиши иқтисодий ва ҳарбий соҳада Америкага таҳдид сола бошлади. АҚШ Хитойни экспорт қоидаларини бузганлиқда ва Эронга маҳсулот сотишда айблар экан, АҚШ савдо вазирлиги Хитойнинг Huawei ва ZTE компанияларига АҚШнинг алоқа технологиялари тизимларига ихтисослашган ва чип ишлаб чиқарувчи Qualcomm компаниясидан смартфон ва мобил процессорларини сотиб олишни тақиқлади. Трамп маъмурити эса

25 %дан ортиқ үлүши Хитойга тұғри келадиган, асосий қисми миллий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган илғор Америка технологияларига сармоя ётқизиш ва ҳатто уларни сотиб олишга интилаётган компанияларга чекловлар қўйишга ҳаракат қилди. Бу соҳага микрочиплар ишлаб чиқариш, криптография, сунъий интеллект ва робот савдоси киради. Иш фақат шунга чекланиб қолмади. Балки Трамп маъмурияти технология билан боғлиқ соҳаларда ўқиётган хитойлик талабаларга бир йилдан ортиқ вақт давомида виза олишга тўсқинлик қилди. Шундан келиб чиқиб, АҚШ мудофаа вазирлиги Америка билан солиштирганда Хитой ишлаб чиқариш секторида катта тафовут бўлишига қарамасдан Хитойнинг интилишларидан қўрқиб, сунъий интеллект соҳасига кўпроқ сармоя сарфлашга чақириди.

Америка шунингдек, Хитойнинг Шарқий Туркистанда уйғур мусулмонларига қарши содир этган даҳшатли жиноятлари ва геноцидини фош қилиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида сиёсий ўйинларни уюштира бошлади. Америка 2022 йилда Хитойда ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига бойкот эълон қилди. Ҳолбуки, Американинг ўзи ҳам Сурия, Ироқ, Сомали ва Афғонистондаги мусулмонларга қарши даҳшатли жиноятларни содир этган. Рўйхат шунчалик узунки, бу ер уни эслатиш ўрни эмас, лекин уни бутун дунё кўриб турибди. Аммо Америка Хитой содир этган жиноятларни дунё ҳукмронлиги учун бўлаётган ушбу рақобатда унга қарши фойдаланадиган босим карталарига қўшмоқда.

АҚШ-Хитой можароси дунё халқлари бойлиги ва тақдири устидан ҳукмронлик қилиш учун олиб борилаётгани бутун дунёга маълум бўлиб қолди. Икки давлат ҳозирда Америка эгаллаб турган дунёдаги биринчи давлат мақоми учун курашмоқда ва Хитой уни Америкадан тортиб олмоқчи. Бу мабдаий кураш эмас, бошқача айтганда қандайдир мабдани зўрлаб ўрнатиш учун эмас. Чунки Хитой зоҳирда социалистик мабдани қўлласа-да, лекин ҳар икки давлат ҳам капиталистик мабдага амал қиласди. Биз кўриб турибмизки, Хитой ўзининг ички ва ташқи алоқаларида капиталистик мабдага амал қиласди.

Икки давлат ўртасида даҳшатли рақобат кетаётган бўлса-да, Америка қўрқаётган ҳақиқий кураш Ислом билан бўладиган курашдир. Америка Ислом тўла ва кенг қамровли дин экани ва у фақат ибодатга чекланмаганлигини билади. Америка Исломнинг

фақат ибодатларга чекланган дин эмас, балки түлиқ мабда эканлигини, шунингдек, Ислом мабдасини күтариб чиқувчи Халифалик давлати бўзғунчилиги очиқ кўриниб қолган капиталистик мабдага барҳам беришини яхши билади. Шунинг учун Америка Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини тиклаш учун ҳаракат қилаётган ҳаракат ва тушунчани йўқ қилишга ҳаракат қиласди. Чунки Халифалик давлатининг тикланиши Америка учун катта таҳдиддир. Исломий мабда эса борлиқни яратган Аллоҳ Азза ва Жалла томонидан нозил қилинган бўлиб, унинг олдида капиталистик мабданинг қулашдан бошқа чораси йўқ. Бу ҳақиқий кураш! Мусулмонлар бу курашга ҳамда рошид Халифалик давлатини барпо этишга эътибор қаратишлари керак. Зоро, Халифалик уларни Америка етакчилигидаги ғарб қуллигидан озод қилиб, барча мусулмонларга ўз соясида ҳурмат ва азизлик билан яшашларини таъминлади.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ إِمَانُوا أَسْتَعْجِلُوْا لِلَّهِ وَلِرَسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحِبِّيْكُمْ وَأَعْلَمُوْا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ هُوَ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қиласар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар» [Анфол 24]

Хулоса: Аллоҳ Таолодан Халифаликни уни тиклаш учун ҳаракат қилаётган мусулмонлар қўлида тезлаштиришини сўрайман. Шунингдек, Росууллоҳ ﷺ башорат қилган барча ишлар уларнинг қўлида рўёбга чиқишини сўрайман. Ана ўшандада ер юзи Ислом кучи билан қайта чарақлайди ҳамда Ислом байроғи бошқа байроқлар устида ҳилпираиди.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибdir. Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Юсуф 21] □

ДИННИ ЯНГИЛАШ

Юсуф Сорисий – Байтул Мақдис

Аллоҳ Таоло инсон жамоалари ҳаётида уларни фасодга дучор бўлишдан сақлайдиган қонунларни белгилади. Одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиш, кунларни алмаштириш, золим ва боғийни эрта ҳалок қилиш ва уйғонишнинг фикр ёрдамида амалга ошиши ва булардан бошқа қонунларни бўнга мисол қилиш мумкин. Аллоҳ Таоло Ислом Умматига Ислом динини сақлайдиган хос қонунларни ҳам белгилади. Масалан, Ислом барча замон ва маконларга яроқли, тўғри ва охирги дин бўлди. Шунингдек, у барча динлар устидан ғолиб бўлиши хушхабари берилди. Аллоҳ Таолонинг Ислом Умматига берган неъматларидан яна бири бу динни бузилишдан сақлашга ваъда беришидир. Бундан ташқари бу Умматда ҳар бир асрда ҳақ устида собит гурӯҳни чиқарадиган бўлди. Шунингдек, ҳар бир аср одамларга қарши гувоҳ бўлувчи даъватчилардан холи қолмайдиган бўлди. Аллоҳ Таолонинг мусулмонларга инъом этган неъматларидан яна бири ҳар юз йил бошида бу Умматга ўз динини янгилайдиган кишиларни чиқаришидир. Росууллоҳ ﷺ Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда бу ҳақида бундай дейдилар:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهِدِّ الْأُمَّةِ عَلَىٰ رَأْسٍ كُلِّ مِائَةٍ سَنَةٍ مَنْ يُجَدِّدُ لَهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ Таоло бу Уммат учун ҳар юз йил бошида динини янгилайдиган кишини чиқариб беради». Ушбу янгиловчи динни янгилайди, Исломни соғлом тарзда тушунтиради, унга четдан қўшилиб қолган нарсалардан уни тозалайди ва мусулмонлар йўлиқаётган катта муаммоларни тузатиш учун ижтиҳод қиласи. Бу неъмат Аллоҳ Таоло Ўз фазли билан мусулмонларга берган энг катта неъматdir. Токи, ушбу дин қиёматгача энг охирги дин сифатида қолсин ва Ислом Уммати бошқа халқларга қарши гувоҳ бўлсин.

Шу ерда ўринли бир савол туғилади. Нима учун дин янгилашга муҳтоҷ? Бунинг жавоби шуки, Исломни одамлар ўз ҳаётларида татбиқ этишади. Бу жараёнда исломий фикрлар билан бошқа фикрлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб, татбиқ борасида сусткашлик ва ҳаддидан ошишлар содир бўлади. Шунингдек, турли ҳодисалар рўй бериб, уларнинг шаръий ҳукми сўралади. Шунда фикрлар тўқнашуви туфайли Исломга ёт бўлган фикрлар кириб келиши мумкин ёки сусткашлик ва ҳаддидан ошиш

оқибатида түшүнчалар заифлашиши мүмкін. Агар ижтиход қилинмаса, ҳодисалар шаръий ақкомларга боғланмай қолиши өхтимоли бор... Шу каби омиллар түрғунликни ва Ислом билан ҳодисалар ўртасидаги ажралишни пайдо қиласы. Шунинг учун янгилаш доим давом этиб туриши лозим.

Янгилашнинг маъноси ва воқелиги ҳақида баҳс қилишдан олдин, биз баъзи мусулмон муфаккирлар диний янгиланиш лойиҳасига нега ташаббус кўрсатаётганлиги сабабларига тўхталиб ўтамиз. Кўриниб түрибдик, уларнинг наздида динни янгилаш турткиси исломий туртки эмас, балки Фарбга тақлиддир. Зоро, мусулмонлар ўн тўққизинчи асрдан бошлаб, капиталистик Европа халқларига мафтун бўлиб, барча нарсада уларга тақлид қилишди. Шу жумладан динни янгилаш ва ислоҳ қилишда ҳам тақлид қилишди. Шунинг учун насронийликка эргашган Европа халқларида уйғониш асридан олдин динни янгилаш ва ислоҳ қилиш ғоясининг пайдо бўлиш тарихини бир оз кўриб чиқиш лозим. Шунда биз уларга ва динларига нима бўлганини кўрамиз ва унда биз учун ибрат бор.

Ислоҳ ва янгиланиш ғоясининг Европада пайдо бўлиши:

Европа ўн олтинчи асрдан олдин католик черков зулми остида эзилар эди. Бу эса уни қўзғолонга ва ислоҳ ҳаракатларига ундади. Шундай қилиб, бу ҳаракатлар Европанинг протестантликдан илмонийликка ўтишига ҳамда Францияда бўлгани каби қиролликка қарши қўзғолонларга олиб келди. Натижада, бу жараён Европада фикр ва бошқарув низоми ўзгариши билан якунига етди.

Немис руҳонийиси Мартин Лютер ўн олтинчи аср бошларида диний ислоҳот ғоясини кўтариб чиқиб, католик черковни динни талқин қилиш хуқуқидан маҳрум қилишга, шунингдек, Рим папасига чекланган айбисизлик ва афвнома (индульгенция)ни ўзгартиришга чақирди. Лютер янги аҳд, яъни Инжилни ва эски аҳд, яъни Тавротни янги тасаввурга кўра қайта тушуниш зарурлигига чақирди. Бу Европада насронийликнинг диний янгиланиш ғоясининг бошланиши эди. Кейин Лютернинг даъватидан протестант таълимоти пайдо бўлди. Шундай қилиб, насронийлик уч фирмә; Шарқдаги православ черкови, Фарbdаги католик черкови ва протестант черковига бўлинди. Ушбу протестант оқимидан сонсаноқсиз черковлар келиб чиқди. Уларнинг ҳар бирининг ўз ақидаси, шариати ва мустақил диний программаси мавжуд эди.

Шундай қилиб, ғарб насроний черкови ўзаро уришадиган турли тоифаларга бўлиниб кетди. Буларнинг барчасининг келиб чиқиш жойи Лютеранство номли диний ислоҳотга бориб тақалади.

Протестант черкови кейинроқ бир томондан дин арбоблари билан қирол ва императорлар ўртасидаги, иккинчи томондан муфаккир билан файласуфлар ўртасидаги курашдан пайдо бўлган янги илмоний тушунчани қабул қилди. Улар илоҳий ҳуқуқ тушунчасига қарши қўзғолон қилиб, унинг ўрнига табиий ҳуқуқ тушунчасига ва динни ҳаётдан ажратиш зарурлиги, яъни илмонийликка алмаштиришган эди. Динни давлатдан ажратиш фикрини биринчилардан бўлиб, Британиядаги протестант черкови 1680 йили Кромвель қўзғолонидан кейин қабул қилди. Шундай қилиб, янги илмоний капитализм илдизлари Британияда пайдо бўлди.

Европада эволюция тушунчасининг ижод қилиниши

Европа диндан узилиб, уни ҳаётдан ажратганидан кейин, диндан узоқ ҳолда қонунлар ишлаб чиқиш керак бўлиб қолди. Шундай қилиб, европаликлар черков қонунлари ўрнига Греция ва Руминиядан табиат қонуни деб номланган қонунни олиши. Табиат қонунларининг воқелиги турғун ва ўзгармас эди. Айни пайтда улар ўзлари қабул қилган қонунларни доим ўзгартиришга ва ислоҳ қилиб воқеликка мослаштиришга мажбур бўлишар эди.

Бу эса, уларда муаммони пайдо қилди. Чунки одамлар томонидан чиқарилган (демократик) қонунлар одамларнинг хоҳиши ва манфаатига қараб ўзгарар ва бу табиатнинг турғун қонунларига зид эди. Буни табиатнинг ўзида эволюция қонуни борлигини даъво қилиш билан оқлаш керак бўлди. Шунинг учун улар хаёлий тушунчани ихтиро қилиб, уни табиат қонуни деб аташди. Зоро, эволюция назариётчилари инсон қонуни ва низоми тараққий этиши керак, деб даъво қилишди. Чунки мана шунинг ўзи аслида табиат қонунидир ва у доим тараққий этиб туради. Шунинг учун одамлар чиқарган қонунлар янгиланаётган шароит ва ҳодисалар билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Вақт ўтиши билан тараққий этмайдиган низомлар муаммолар йиғилиб қолишига олиб келади ва улар турғун муваффақиятсиз бўлиб қолади. Шунинг учун уларни замонавий, ривожланган ва маданийлашган қонунларга алмаштиришга доимий эҳтиёж бор дейишиди.

Ғарбликлар наздида тажриба илмлари тўғрилик ва ҳаққонийлик асосидир. Дарҳақиқат, европаликлар эволюция иддаосини ҳамда

уни тирик организмлар ҳәтидаги табиий қонун эканлигини исботлаш учун биологиядан фойдаланишди. Францияда табиий эволюция мактабига Жорж Де Буффон томонидан асос солинди. Кейин Дарвин ўз назариясида табиий вазият мактаби ғоялари ва табиий эволюция мактаби ғояларини бирлаштиргандан сүнг, Англияда эволюция назарияси пайдо бўлди.

Шу сабабли капиталистик ва социалистик тузум муваллифлари эволюция, тараққиёт ва янгиланиш табиат қонунлари қаторига киради ва бу муқаррардир ҳамда қонун ва фикрларни ривожланувчи ва тараққий этувчи қилиб турадиган ҳам ўшалар деб даъво қилишди. Дарвин назариясига кўра, ким ривожланмаса йўқ бўлиб кетади... Бу даъво муваффақиятсизлик ифодасидир, лекин унда турли сўзлардан фойдаланилган. Чунки қонун ва низом ўзи уларни ҳал қилиш учун пайдо бўлган муаммо ва ҳодисаларни муолажа қилишга ярамаса, у бузуқ ва муваффақиятсиз қонун ва низом бўлади. Унинг муваллифлари томонидан тараққиёт ва замонавийлик ҳамда эволюция ва модернизация шиори остида унинг асослари ва тафсилотларини ўзгартириш жараёни ушбу бузуқлик ва муваффақиятсизликни яширишга уринишdir.

Агар улар чуқур фикрлаганларида, ҳар қандай қонун ва низомнинг муваффақият мезони ўзи асосланган қоидалар воситасида муаммоларни ечишга қодирлигига эканини билишар эди. Вақт ўтиши ва вазият ўзгариши билан муаммолар янгиланиб, янги ҳодисалар пайдо бўлса ҳамда ушбу қонун ва низом асос ва қоидалардан ташқарига чиқмаган ҳолда уларни муолажа қила олса, у муваффақиятли ҳисобланади. Аммо унинг муваллифлари уларни янги шароитга мослаш ва унга қараб ўзгартириш учун ҳаракат қилсалар, масалан қонунга бузуқ таъвилларни киритиб, ўз асоси ва қоидаларидан чиқиб кетсалар ҳамда мақсад ва меъёрларни бузиб юборсалар, бу қонуннинг янги муаммоларни ҳал этишда муваффақиятсиз эканига далилдир.

Шунга кўра, эволюция ва янгиланиш даъвоси низом ва қонунлардаги бузуқлик ва муваффақиятсизлик оқибатидан қочишга уринишdir. Чунки меъёр бўйича, низом ва қонунлар муаммоларнинг муваффақиятли ечимларини пайдо қилишга яроқли бўлиши лозим. Сохта эволюция номи остида ранг бериш, чўзиш ва ямоқ солиш алдовдан бошқа нарса эмас.

Мусулмонлар орасида ислоҳот ва «янгиланиш» оқимининг пайдо бўлиши

Наполеон етакчилигидаги Франция 1798 йили Мисрга, сүнгра Фаластинга уруш қилди ва 1801 йили у ердан чиқиб кетди. Шундан кейин Мұхаммад Али пошо Мисрга ҳоким бўлди. Мұхаммад Али мисрлик сара йигитларни Европа илмларини ўрганиш учун юборди. Уларнинг айримлари Европадаги саноат ва ҳазорат тараққиётидан ҳайратга тушганидан сўнг, демократия, эркинлик ва капиталистик қонунлар ҳақидаги янги Европа фикрларидан таъсирланиб қайтдилар. Рафоа Таҳтовий, Абдурраҳмон Кавокибий, Ҳайридин Тунисий ва бошқалар шу оқим вакилларидан эди.

Ҳазорат ва қонунлар борасида Европага тақлид қилишга чақирадиган оқим пайдо бўлиши ортидан Ислом ва Ғарб ҳазорати ўртасини мувофиқлаштиришга чақирадиган оқим пайдо бўлди. Бу ислоҳ мактаби оқими бўлиб, унинг етакчиси Жамолиддин Афғоний эди. Зеро, у мусулмонлар орасида ислоҳ ва янгиланиш фикрини тарқата бошлади. Сўнг Азҳар уламоларидан бир гуруҳи Афғонийдан таъсирланди. Улардан энг кўзга кўрингани Азҳар шайхи Мұхаммад Абдуҳ бўлиб, Манор мажалласи эгаси Мұхаммад Рошид унинг шогирди эди. Сўнг ушбу – капиталистик мабда ва ҳазорат билан исломий мабда ва ҳазорат ўртасини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилаётган – ислоҳотчи оқим турли мусулмон юртларда ҳаракат, жамоат ва шахс шаклида ёйла бошлади.

Ислоҳот мактаби мусулмонлар орасида тарғиб қилаётган фикрларнинг энг кўзга кўрингани бу диний ислоҳот ва янгиланиш фикри эди. Агар мана шу тушунча ҳақида чуқур фикрласак, у Европа насронийлари чақирган ва унинг ортидан илмонийлик ва динни ҳаётдан ажратиш ақидаси пайдо бўлган диний ислоҳот тушунчасига ўхшашини кўрамиз. Дарҳақиқат, ислоҳот мактаби Ғарбликларнинг демократия ва капиталистик иқтисод низомини олишга уринди ҳамда бу ишларни янгиланиш ва мувофиқлаштириш тушунчasi ниқоби остида шаръий пардага ўрашга ҳаракат қилди. Лекин бу ислоҳотчи оқим Европадаги протестантларда бўлгани каби илмонийлик фикрига очиқчасига кўшилмади. Балки Ислом ақидалари, ибодатлари ва ахлоқини сақлаган ҳолда Ғарбнинг иқтисод ва бошқарув низомидан фойдаланишни хоҳлади.

Дарҳақиқат, ислоҳотчилар Ғарб тузумлари ва фикрларини қабул қилишга рухсат берадиган масалаларни Ислом шариатидан излаб, динни янгилашга уриндилар. Сўнг Росулуллоҳ нинг янгиланиш

ҳақидаги ҳадисларини топишди. Бу ва үнга ўхшаганлар ислохот ва янгиланиш ниқоби остида диндаги масалаларни ғарбдаги нарсага мос келдиган қилиб ўзgartириш учун кириш нұқтаси эди. Сүңг улар усули фиқхға мурожаат қилиб, үнда ғарб низомларини қабул қилишга қарши түсиқларни топишди. Лекин улар қаттиқ изланиб, қидирдилар ва ўтиш мүмкін бўлган тешикни топишди. У ҳам бўлса, шариат мақсадлари ва масолихи мурсалани шу тарзда талқин қилишдики, бу билан ғарбда мавжуд бўлган иқтисод ва бошқарувга оид масалалардан «фойдаланиш» қабул қилинди. Улар бу ишни ғарб ҳазорати ҳазорат, тараққиёт ва ҳикмат миқёсиdir, шунинг учун Ислом аҳкомлари үнга мос келиши керак, деган эътиборда амалга оширишди.

Бу – диннинг янгиланиши ғоясининг пайдо бўлиши ҳақидаги қисқача тарихий маълумотдир. Бу шундай ҳаракатки, үнда ғарб тажрибасидан фойдаланиш учун у ерда содир бўлган воқеаларга маълум даражада ўхшашга уриниш бор. Аммо бу масала Европа насронийлари кирган калтакесак тешигидир. Европада бунинг натижасида илмонийлик, атеизм, бузук ақидалар ва ҳеч қандай умумийлиги бўлмаган янги диний секталар пайдо бўлди. Шундай экан, наҳотки, биз мусулмонлар насроний динни вайрон қилган ушбу тажрибадан нусха олиб, уларни Ислом динига татбиқ этсан ҳамда уни динни янгилаш деб даъво қилсак?!

Ғоялар уруши ўртасида янгиланиш

Жорий асрнинг бошида Америка капиталистик ғарб ҳазоратининг раҳбари сифатида террорга қарши кураш баҳонаси остида Исломга қарши курашни бошлади. Зоро, Американинг ўша пайтдаги мудофаа вазири Рамсфелд 2003 йилда ғоялар урушига ихтинослашган янги агентлик тузишга чақирган эди. Бу эски, янгиланган уруш бўлиб, йигирма биринчи аср таҳдидларига қарши самарали курашиш учун амалга оширилди. Америкалик ёзувчи Томас Фридман ғоялар уруши ҳақида бир неча мақолалар ёзиб, уларда уруш исломий жамиятлар ичida бўлиши лозимлиги ҳақида айтди. Бу экстремизм, зўравонлик ва терроризм ғояларидан халос бўлишда ғарб номидан ушбу вазифаларни бажаришлари учун мўътадилларни кучайтириш орқали амалга ошириладиган бўлди.

Лекин Умматда исломий оқим кучайиб, уни йўқ қилиш жараёни имконсиз бўлиб кўринмоқда. Капиталистик ғарб эса онгли ва самимий мусулмонлар бугун Халфаликни қайта тиклашга даъват қилиш орқали динни янгилашга ҳаракат қилишаётганини ҳис

қилди. Шунингдек, ҳазоратлар курашида ғарб тубанлашиб, Ислом тараққий этганидан кейин Умматда бундай оқим пайдо бўлиши хатарли эканини билди. Ғарб юртларимиздаги мавжуд режимларнинг толиққанини ва улар билан халқлари ўртасида ишонч йўқлигини ҳам билди. Шунинг учун у Ислом ҳокимиятга келмасидан олдин, ишни тузатиш керак деб ҳисоблади ва атайлаб Ислом билан муомалага киришди. Ғарб янгиланиш динни суюлтиришдаги ва ривожлантиришдаги унинг йўлига кўра бўлишини ҳамда диннинг нусуслари билан ўйнашишни хоҳлади. Бундан ташқари у Исломни ўз мазмунидан, яъни ғарб ҳазорати, айниқса, унинг сиёсати, иқтисоди ва бошқарувига қарши курашадиган мазмунидан айришга ҳаракат қилди.

Ғарб сўнгги пайтларда сиёсий Исломга қарши кураша бошлади ҳамда Ислом фақат ахлоқ ва ибодатдан иборат, унда давлат, қонун, сиёсат ва жиҳод йўқ, деб даъват қилмоқда. Бу даъват динни шаръий тушунчага кўра янгилаш даъватига зиддир. Кофир ғарб мусулмонларни Халифаликни тиклашдан ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишдан узоқлаштириш учун қабул қилган модел (Исломофобия) моделидир. Зоро, ғарб исломий ҳаракатларни сиёсий исломий ҳаракатлардан воз кечишга мажбурлаш, шунингдек, Исломда сиёсат йўқ деган баҳона остида уларни фақат хайрия ишларига, одоб-ахлоқ ва ибодатларга чегаралаб қўйиш учун катта босим ўтказди.

Мустамлакачи кофирнинг Исломга қарши сиёсати – унинг ўз сиёсатини амалга ошириш механизмларини яратишидир. Шунинг учун динни янгилаш баҳонасида Исломга янги қоида ва асосларни киритишга ҳаракат қилмоқда. У даъво қилаётган янгилашда дин асосларини янгилаш ва янги фиқҳнинг зарурлиги каби таклифлар бор. Реализм ёки воқеийлик фиқҳи, зарурат фиқҳи, қиёслаш фиқҳи, икки заарарнинг енгилроғи, Исломнинг мослашувчанлиги, шунингдек, «шариат мақсадлари» тушунчасидан усули фиқҳга мувофиқ келмаган нотўғри йўлда фойдаланиш орқали динни янгилаш ҳамда диний нусусларни замонавий кўз-қарашга мувофиқ ўрганиш кабилар шулар жумласидандир.

Бидъат ва янгилаш

Бугун мусулмонлар орасида ғарб тушунчаларининг ҳукмрон бўлиши натижасида икки шаръий тушунча ўртасида чалкашлик юзага келди. Улар бидъат ва янгилаш тушунчалари бўлиб, Ислом тадқиқотида кўриб чиқилган иккита тушунчалардир. Шунинг учун

уларни чалкаштириб юбориш жоиз эмас. Чунки янгилаш Ислом қабул қилган ва унга чақирадиган тушунча бўлса, бидъат Ислом қайтарадиган ва уни залолат деб ҳисобладиган тушунчадир. Ушбу икки тушунча ўртасидаги фарқ далилларга мурожаат қилиш орқали ёрқинлашади. Ҳадисда айтилади:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَىٰ رَأْسِ كُلِّ مِائَةٍ سَنَةٍ مَنْ يُجَدِّدُ لَهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ Таоло бу Уммат учун ҳар юз йил бошида динини янгилайдиган кишини чиқариб беради». Лекин бу ҳадисни мана шу бобга алоқадор бошқа нусуслардан узоқ ҳолда ҳужжат қилиб бўлмайди. Масалан,

«وَإِنَّ كُلَّ مُحْدَثَةٍ بِدُعَةٍ، وَكُلَّ بِدْعَةٍ ضَلَالٌ، وَكُلَّ ضَلَالٍ فِي النَّارِ»

«Ҳар бир янги қўшилган нарса бидъат, ҳар бир бидъат залолат ва ҳар бир залолат дўзахдадир» ёки

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ، فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ушбу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қиласа, у қабул қилинмайди», ҳадислари каби.

Аммо бидъат икки шаклга эга: Кимки шариат исботламаган ишни исботласа ва пайдо қиласа, бидъат қилган бўлади. Буни Ресулуллоҳ Ҷонинг:

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ، فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ушбу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қиласа, у қабул қилинмайди» деган ҳадиси тасдиқлайди. Иккинчиси эса ким шариат исботлаганни инкор қиласа бидъат қилган бўлади, буни Аллоҳ Таолонинг қўйидаги ояти тасдиқлайди.

﴿أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَضِ الْكِتَابِ وَتَكْفِرُونَ بِبَعْضٍ﴾

«Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми?» [Бақара 85]

Демак янгилик киритиш динни унда бўлмаган нарсани унга қўшиш орқали ўзгартиришдир. Чунки бидъат тушунчаси чекланган шаръий кайфият билан ворид бўлган ишларга қўшиш ёки камайтириш – лекин одатда кўпроқ қўшиш билан бўлади – орқали ўзгартиришдир. Бу жараён намоз ва ҳаж каби ибодатларда хос шаклда рўй беради. Масалан, шом намозининг фарзи уч ракат, ким уни тўрт ёки беш ракат қиласа, бидъатчи бўлиб, унинг бу қилган иши ҳаромдир. Коронавирус касалини баҳона қилиб орани очиб намоз ўқиш ҳам бидъат ҳисобланади. Чунки бу саф

тортишнинг шаръий кайфиятини ўзgartиришдир. Рухни юксалтириш мақсадида жасадни қийнаш ва ҳалол нарсаларни тановул қилишдан тўхтатиш Ҳинд фалсафасидан олинган бидъат фикрdir.

Ёмонликларни даф қилиш ва фойда келтириш ниқоби остида усули фиқҳда янги ўйлаб топилган капиталистик фойда келтириш ва зарарни кетказиш каби далилларни келтиришга уриниш ҳам бидъатdir. Кимки шариат мақсадлари ниқоби остида ўз дини аҳлини чалғитиш учун Ғарбнинг замонавий куфр низомларини Исломга киритмоқчи бўлса, у бидъат қилган бўлади. Қадимда янгилик киритиш динда бўлмаган нарсани унга киритиш орқали бўлган. Аммо замонавий янгилик киритиш динни қисқартириш, хусусан унинг сиёсий ва иқтисодий низомини қисқартириш орқали рўй бермоқда.

Лекин динни янгилаш шаръян талаб қилинган ва воқеий ишdir. Бу иш барча даврларда рўй беради. Бунда динга ёпишиб олган ифлосликлар тозаланади ва диндан бўлмаган ва унга кириб қолган нарсалар кетказилади. Бир янгиловчи чиқиб, уни Росууллоҳ ﷺ давридагидек ҳолатга қайтаради. Лекин бу янгиловчи динни Исломда бўлмаган нарсалар билан янгиламайди. Чунки Исломда бўлмаган нарса билан янгилаш динга янгилик киритиш бўлиб, у ҳаромдир. Бу эса янгилашдан мақсад ўлган нарсани тирилтириш, қулаган нарсани тиклаш ва қўшилиб қолган нарсани тозалаш эканига далил бўлади. Бошқача айтганда, янгилаш – исломий фикратни тўғри ўйғонишига олиб борувчи фикрат сифатида сақлаб қолиш учун уни тозалаш, билурлаш ва тиниқлаштиришдир.

Динни янгилаш ўз ичига оладиган энг муҳим ишлардан бири турли исломий асрларда пайдо бўлган ҳаром бидъатларга барҳам бериш ва йўқотишидир. Чунки улар аслида диндан бўлмаса-да, унга кириб қолган. Аммо янги пайдо бўлган нарса Росууллоҳ ﷺнинг:

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ، فَهُوَ رَدٌّ»

«Ким бизнинг ушбу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у қабул қилинмайди», деган ҳадисига мос келмаса, яъни у Исломга зид келмаса ва унинг асоси бўлса, мағҳумул мухолафа қоидасига биноан рад қилинмайди. Балки қабул қилинади, чунки у Исломдандир. Бундай ишлар ҳаром қилинган бидъат эмас, балки бидъати ҳасанадир. Улар Ислом иши жинсидан бўлиб, янгилаш

бобига киради. Бу яхши саналган янгилаш бўлиб, чиройли урф одатлар ҳам унинг остига киради.

Исломда яхши суннатлар тушунчаси ҳам динни янгилашга киради. Бу ҳақида Росулуллоҳ ﷻ бундай деганлар:

«مَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً حَسَنَةً كَانَ لَهُ أَجْرُهَا وَأَجْرُ مَنْ عَمِلَ بِكَا مِنْ بَعْدِهِ لَا يَنْفَصُلُ مِنْ أَجْرِهِمْ»

«Кимки Исломда яхши суннатни пайдо қилса, у учун ажр бор ва ундан кейин ўша суннатга амал қилганларнинг ажри ҳам ёзилади. Лекин уларнинг ажрлари камайтирилмайди...». Муслим ривояти. Суннат деганда Аллоҳ буюрган мақтовга сазовор амаллардир, ҳатто Пайғамбаримиз ﷻ замонларида намуна бўлмаса ҳам. Умар ﷻнинг тарових намозини жамоат бўлиб ўқиш ҳақида «Бу қандай ҳам чиройли бидъат» деган сўзлари шу бобдандир. Амалнинг чиройли ёки хунук бўлиши шариат орқали ўлчанади, шариатда унга далил бўлиши керак, йўқса, қайтарилган бидъат бўлади.

Исломдаги яхши суннат билан янгилаш ўртасидаги фарқ шундан иборатки, чиройли суннатни пайдо қилган шахс шаръян талаб қилинган амални қилган бўлади. Шариат у учун хос кайфият ва сурат белгилаган эмас. Лекин у ўша суннатни муайян тариқат орқали қилади, шунда одамлар яхшилик ишларида унга эргашибади. Айни пайтда динни янгилаш чиройли суннатни ҳам ўз ичига олади ҳамда ўлган суннатларни тирилтиради ва қўшилган бидъатларни йўқ қилади. Бундан ташқари, мусулмонларга дуч келаётган янги муаммолар ва масалаларни ҳал қилади.

Мусулмонларга доимий тарзда лозим бўладиган янгилаш, бу бугун мусулмонларни қийнаётган ва чиройли ечимларга муҳтоҷ бўлаётган муаммоларни муолажа қилишdir. Бунга саййидимиз Умар Форуқ амал қилган Хирож тушунчасини мисол қилиш мумкин. У давлат ва армия манфаати ҳамда совғалар учун ва камбағалларни тўйдириш йўлида сарфланадиган байтулмолнинг қўшимча кирим манбаи бўлиши лозим деб тушунган эди. Бунга яна бир мисол Ином Шофеийнинг қилган иши бўлиб, у киши имом Абу Ҳанифа фиқҳи ва имом Молик фиқҳи ўртасидаги ихтилоф кучайгани ҳамда исломий усули фиқҳ ва унинг қоидалари орқали ечилиши лозим бўлган муаммолар пайдо бўлганидан кейин мусулмонлар муҳтоҷ бўлган Усули фиқҳ илмига асос соглан эди.

Янгилаш масаласига яна бир мисол «вақф» түшүнчеси бўлиб, мусулмонлар эҳтиёжи ва фарзи кифояларни қоплаш учун уни мусулмонлар ўзлари пайдо қилишган эди. Унда бойлар омма мусулмонлар манфаати учун садақа жория сифатида айрим кўчмас мулклари, ерлари ва мол мулкларини вақф қилишар эди. (Ал-Ваъй журнали, 2020 йил 407-сон, «Янгилаш фиқҳи» мавзуси).

Янгилик киритиш ва янгилаш ўртасидаги фарқни ажратиб олиш учун шунга эътибор бериш лозимки, ҳар бир янгилаш түшүнчеси учун шариатда асос бўлади. Масалан саййидимиз Умар хирож борасида

﴿وَالَّذِينَ جَاءُوكُمْ مِنْ بَعْدِهِمْ﴾

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар»

[Ҳашр 10]

оятига, яъни фотиҳлардан кейин келган мусулмонлар учун ўлжа, бошқача айтганда хирожий ерларда улуш бор деган маънога суюнган эди. Саҳобалар у кишидан мана шуни қабул қилишди. Хайрия вақфлари Росууллоҳ ﷺнинг:

«إِذَا مَاتَ ابْنُ آدَمَ انْقَطَعَ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثٍ: صَدَقَةٌ جَارِيَّةٌ...»

«Агар одам боласи ўлса, унинг амали узилади, лекин учта нарса: садақаи жория...» ҳадисига асосланган. Шунинг учун вақфлар садақаи жорияяга киради. Усули фиқҳга келсак, у ҳақида Қуръонда, Суннатда, саҳобалар асарларида асос бор. Имом Шофеий келиб, ушбу қоида ва усулларни жамлаб, тартиблаштириб, кенгайтирди ва янги илмни пайдо қилди. Шундай экан, шариатда асоси бўлган, Росууллоҳ ﷺнинг: «Ундан бўлмаган» сўзидаги мағҳумул мухолафа түшүнчесига мос келадиган барча янгиликлар, бошқача айтганда асоси бор янгиликларнинг барчаси мақбул янгилик бўлиб, чиройли янгилаш масаласидир. Унинг янгилиги шундаки, у мусибатлар ҳамда мусулмонларнинг эҳтиёж ва муаммолари билан ҳамнафас бўлади. Шунингдек, у ваҳийга боғланган ва шариатда асоси бўлган янги ечимни беради. Шариатда асоси бўлмаган ёки маслаҳатлар ва шариат мақсадлари каби гумонли қоидаларга асосланган ишни диндаги янгиланиш деб бўлмайди. Демак, бундай иш бидъат ҳисобланади.

Бугун мусулмонларга лозим бўладиган чиройли янгилаш ишларидан яна бири шуки, Ғарб ҳазорати мусулмонларга қарши фикрий кураш олиб борганидан кейин пайдо қилган Ислом фикрлари ва аҳкомлари, айниқса, сиёsat, иқтисод ва бошқарувга

нисбатан ишончсизлик масаласини ечишга ҳаракат қилишдир. Демак, ушбу асрда мана шу улкан вазифаларни бажарадиган янгиловчи мужтахид зарур.

Янгилашнинг эволюция назариясига муносабати

Бутун дунё, жумладан мусулмонлар орасида «Эволюция» атамасига нисбатан ижобий тушунча тарқалиши ҳаддан ташқари хавфли бўлгани учун, ушбу атамадаги чалкашлик ва сохталикларга аниқлик киритишимиз керак. Шунингдек, унинг ўрнига ҳақиқий ва муносиб атамани алмаштиришимиз ҳамда ушбу шубҳали атамани ишлатишга чек қўйишимиз лозим.

Эволюция – бу бирор нарсанинг бир босқичдан иккинчисига ўтишидир. Яъни нарса босқичма босқичлик билан афзал ва яхшиликка ўзгаришидир. Фарбликлар наздида эволюция янгиланиш, тарақкий этиш ва ривожланишдир. Чунки янгиланиш ва ривожланиш – гарчи айнан шу маънони бермасада – эволюция маъносига яқин лафзлардир. Бошқача айтганда, уларнинг наздида эволюция сўзининг синонимларидир. Динни тарақкий эттириш – уларнинг наздида – ривожланиш ва янгиланиш билан ҳамнафас шаклда динни ўзgartiriш ҳамда уни афзал томонга кўтарилишига тўсқинлик қилаётган нарсаларни йўқ қилишдир.

Аммо янгилаш бу нарсани янгилаш, яъни аввал қандай бўлса, шу ҳолатга қайтаришдир. Масалан, кийимни янгилаш бу уни тузатиш ва унга ёпишган нарсалардан тозалаб янги шаклга келтиришдир. Асбобни янгилаш эса нима учун яратилган бўлса ўша вазифасини бажариши учун тузатиш ҳамда гўё янги асбобга айлантириш деганидир. Демак янгилаш нарсани нима учун яратилган бўлса, ўша вазифасини бажариши учун ўз асли ва аввалги ҳолатига қайтаришдир.

Энди эволюция ва янгиланишнинг фикрий томондан фарқи шундаки, эволюциядан мақсад нарсанинг моҳиятини сақлаш ва ўзининг асосига қайтариш эмас. Аксинча, нарсани замонавий тараққиётга мос келадиган тарзда ўзgartiriш ҳамда ушбу ўзgartiriшга ва тарақкий этган замонавийликка кўчишига тўсиқ бўладиган фикрларни йўқотиш деганидир. Бунда ушбу нарсани асли ўзгариб кетса ҳам фарқи йўқ. Аммо янгилаш нарсани аслини сақлаган ҳолда ислоҳ қилиш ва аслида ундан бўлмаган, лекин унга ёпишиб олган нарсаларни йўқотиш билан бўлади.

Демак динни ривожлантиришнинг маъноси унинг асосий фикрларини ривожланиш ва замонавийликка мос тарзда

ўзгартериш ҳамда уни афзал томонга күчиши олдини тўсаётган нарсаларга барҳам бериш деганидир. Чунки уларнинг наздида булар ривожланган ва замонавий бўлгани учун дин ўша фикрлар билан тараққий этади. Аммо динни янгилаш бу шаръий нусуслар воқелигини соғлом тушуниш орқали дин тушунчасини яхшилаш ва ваҳий қандай олиб келган бўлса, ўша ҳолатга қайтариш ҳамда ундан бўлмаган ва уни тушунишни заифлаштирадиган ишлардан тозалашдир. Демак, у тушунчани тозалаш ҳамда динни бузиш, бузиб кўрсатиш ва чалкаштириш омилларидан бартараф этишдир.

Эволюция атамаси баъзи одамлар томонидан модернизация ва такомиллаштириш маъносида тушунилади. Бошқача айтганда, нарсалар ва ҳодисаларни тушунишдаги ҳамда саноатларни пухта қилишдаги маҳорат маъносида тушунилади. Лекин бу эволюция тушунчасини модернизация тушунчасига аралаштиришдир. Чунки модернизация эски нарсада ҳам, янги нарсада ҳам бўлади. Лекин эволюцияда янги нарса эскисидан афзал ва яхшироқ бўлиши лозим. Чунки эволюция бир ҳолатдан бошқа афзал ҳолатга кўчишдир.

Ғарбдаги эволюция назариясига кўра, ҳар бир янги нарса ривожланган бўлиб, у эскисидан афзалдир. У яна тарихда ҳеч нарса асл ҳолига қайтган эмас деб ҳисоблайди. Лекин воқелик ва тарих ҳақиқатлари бизга аъло даражада бажариш эски нарсада ҳам янги нарсада ҳам бўлиши ҳамда унинг эски ва янги замонга алоқаси йўқлигини хабарини берган. Демак аъло даражада бажариш нарсаларни тушуниш ва бажариш билан боғлиқ. Масалан луғат фани, усулууддин ва фиқҳ қадимги илмлардандир. Бугун мана шу илмларда моҳир, уларни аъло даражада тушунган ва ўша соҳада китоблар ёзган уламолар топилмайди.

Аммо эволюция масаласини замонавий саноатларга аралаштиришга келсак, ундаги ривожланиш Европада барча соҳаларда, жумладан, фан ва саноатда ҳам қайта тикланишга олиб келган янги мабданинг пайдо бўлиши натижасидир. Бу на замон ва на давр тараққиётига алоқаси бор. Бир далил биланки, мусулмонларда илмлар тараққий этди ва ривожланди, мусулмонларнинг фикрий тубанлиги оқибатида орқага кетди ва ва тўхтади.

Шунинг учун биз «эволюция» атамасидан фойдаланиш ўрнига, ундан афзалроқ ва тўғрироқ «яхшилаш» (такомиллаштириш) атамасидан фойдаланишимиз лозим.

Янгилаш ёки ривожлантириш қачон талаб қилинади?

Жамиятда муаммолар тўпланиб, низом ва қонунлар уларни ҳал эта олмай қолса ҳамда муаммолар бир-бирининг устига тўпланиб, ҳеч қандай ечим топилмаса, одамлар бу муаммоларнинг мураккаблиги сабабларини излашади. Натижада, ушбу низом ва қонунларни янгилаш ва ривожлантириш лозим деган холосага келишади. Ижтимоий фикр ва тушунчаларга нисбатан ҳам шундай йўл тутишади.

Бу агар ўша низомлар, қонунлар ва тушунчалар тўғри ва қатъий фикрий қоидадан келиб чиқмаса, яъни одамлар қўллаётган шариат, низом ва тушунчаларни ўзлари ўйлаб топган бўлса, тўғри бўлади. Чунки бундай ҳолатда инсоният муаммоларини ҳал этишнинг янада яхши ечимларини ҳамда ривожланиш, замонавийлик ва тараққиёт билан ҳамнафас бўладиган юксак тушунчаларни излаш мақсадида ушбу фикр ва шариатларни ривожлантириш ва замонга мослашни оқладиган нарса бўлади. Аммо бу фикр ва шариатлар тўғри ва қатъий фикрий қоидадан, яъни инсонларни яратувчиси томонидан бўлган раббоний диндан келиб чиқсан бўлса, уни на ўзgartириб бўлади ва на ривожлантириб бўлади. Аксинча уни фақат янгилаш лозимдир.

Ислом Аллоҳнинг дини бўлиб, унга олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил ноҳақлик келмас. У инсоннинг яратувчиси ҳузуридан бўлгани учун, уни ислоҳ қиласидиган фикрлар, низомлар ва шариатларни Аллоҳнинг ўзи билувчироқдир. Шунинг учун инсоният бу диннинг асосига ва у олиб келган шаръий аҳкомларга тегажоғлик қилиши мумкин эмас. Чунки уларнинг барчаси раббоний ваҳийнинг бир қисмидир. Шунинг учун Ислом динида ривожлантириш ва замонавийлаштиришга йўл йўқ. Чунки у барча нарсаларни билгувчи ва хабардор зот томонидан бўлган Раббоний диндир.

Ислом дини ривожлантиришга муҳтоҷ эмас деган таъкидимизни кучайтирадиган нарса шуки, ривожланишни тарғиб қилаётганлар Farbnинг капиталистик ҳазоратидан бўлган фикрларни тараққиёт, замонавийлик ва ривожланиш шиори остида Исломга киритишни мақсад қилганлар. Бу эса аслида ғолиб ҳазоратга кўр-кўрона тақлид қилишдир. Ҳолбуки, бу капиталистик ҳазорат ва унинг мабдаси одамлар томонидан ўйлаб топилган бўлиб, турли тойилиш, бузилиш, нуқсон ва камчиликларга гирифтор бўлиши аниқ. Бундан ташқари, бу ҳазорат ўз асоси ва

фикрий қоидасида бузук бўлиб, амалда татбиқ қилинар экан, муваффақиятсизликка учради. Натижада эса бутун дунёга фалокатлар олиб келди ва халқ ва миллатларга қарши турли жиноятларни амалга оширди.

Аммо Ислом дини ўзгармайдиган ва ривожланмайдиган дин бўлишига қарамай, нима учун уни янгилаш зарур деган саволга келсак, унинг жавоби шуки, янгилашнинг Қуръон ва Суннат нусусларини ўзgartиришга алоқаси йўқ. Шунингдек, араб тилини ўзgartириш ва ривожлантиришга ҳам алоқаси йўқ. Аксинча, бунинг сабаби – муқаддимада айтиб ўтганимиздек – Ислом одамлар ўз ҳаётига татбиқ қиласидиган диндир. Бу дин татбиқ қилинар экан, исломий фикрлар билан бошқалари ўртасида зиддият пайдо бўлади. Шунингдек, татбиқда сусткашлик ва чегарадан чиқиш вужудга келади. Бундан ташқари, шаръий ҳукмга тушириш керак бўлган ҳодисалар рўй беради. Бу эса Исломга ёт фикрлар кириб келиши эҳтимолини пайдо қиласи ёки сусткашлик ва чегарадан чиқиш натижасида тушунчалар заифлашади ва воқеаларни шаръий аҳкомларга боғлаш бузилади. Агар мана шундай омиллар узоқ давом этса, Ислом билан воқе ўртасида ажралиш юз беради. Мана шу нарса янгилаш доим давом этишини талаб қиласиди.

Аммо араб тилининг ўзгаришига келсак, вақт ўтиши билан тиллар ўзгаради, ранг баранг бўлади ва фарқланади. Бу Аллоҳ Таолонинг тиллар борасидаги қонунидир.

﴿وَأَخْتَلَفُ الْسِنَّتُكُمْ وَالْوَنْدُكُمْ﴾

«Сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйгандир» [Рум 22]

Шунинг учун бугунги араб тили ваҳий нозил бўлган араб тили эмас. Вақт ўтиши билан ўзгарди ва фарқланди ҳамда сўзлашув шевалари гуруҳига айланди. Лекин тил соҳасида янгилаш арабларни ваҳий нозил бўлган Қурайш тилида фасоҳат билан сўзлашга қайтариш эмас. Бу шариат талаб қилмаганидан ташқари, жуда оғир меҳнатдир. Аксинча талаб шуки, ваҳий нусусларини қандай нозил бўлган бўлса, шундай тушунайлик. Бу эса ўша пайтдаги араб тилидир. Ваҳий тўхтаганидан кейинги ҳар қандай ўзгаришга эътибор берилмайди.

Демак, янгилаш шаръий нусусларнинг тўғри луғавий тушунчасини қайта тиклаш билан бўлади. Чунки араб тили ваҳий тўхтаганидан бошлаб то шу кунгача араблар ўртасида ўзгариш ва

ихтилофларга дучор бўлган. Чунки эътиборга лойиқ шаръий хитоб ваҳий олиб келган хитобдир. Шунингдек, араблар ушбу матнларни араб сифатида тушунишларига кўра уларга қаратилган хитобдир. Бу тушунча вақт ўтиши билан ривожланмайди ва ўзгармайди. Балки уни ваҳий узилишидан олдин қандай бўлган бўлса, шундай сақлаш лозим. Шунинг учун мужтаҳид, мужаддид, муфассир, фақиҳ ва барча шариат уламолари ваҳий нозил бўлаётган пайтда Қурайш ва араблар сўзлашган тилни пухта ўрганишлари керак. Токи, уларнинг ҳар бири шариат ўша калимадан нимани кўзлаганини тўғри тушунишга қодир бўлсинлар.

Дарҳақиқат тилшунос уламолар – тил бузилиши деб номланган даврдан бошлаб – фасоҳатли араб қабилаларини кузатиб, араб тили ва уларнинг девони бўлган араб шеъриятини девон қилиб, ёза бошлашди. Улар балоғат, нахв, сарф, тил фиқҳи, чизмачилик, имло, луғат ва бошқалар каби тушуниш учун зарур бўлган тилга оид билимларни яратдилар. Шунинг учун тилшунослар ва Ислом уламолари бизни бу ишнинг балосидан халос қилдилар. Биздан талаб қилинган нарса эса ўша илмларни ўрганиш ва шаръий нусусларни тушунишда уларга суюнишдан иборат. Токи, нусусларни Ресулуллоҳ ﷺнинг саҳобаларидек тушунайлик. Талабни аъло даражада бажариш мана шундай бўлади.

Янгилаш шунингдек, ваҳий узилишидан олдин шаръий аҳкомлар нозил бўлган воқеаларни тушуниш, яъни манот (ҳукм боғланадиган жой)ни тушуниш орқали ҳам амалга ошади. Фақиҳ ёки мужтаҳиднинг шаръий нусусни тушуниши баъзида шу нусусларни шаръий ва луғавий тушуниш қоидаларига кўра тўғри ва шубҳасиз бўлади. Лекин баъзида унинг муаммоси нусусга алоқадор бўлган воқеликни тушуниш ва ажратишда бўлиши мумкин. Ушбу нусуслар ўз воқелиги ва шаръий манотига тушмаганда нуқсон юзага келади. Шунинг учун ҳам уламолар Қуръони Каримнинг нозил бўлиш сабаблари, ҳадисларнинг ворид бўлиш сабаблари ҳақида ҳамда ғазотлар ва сийрат ҳақида ёзганлар. Чунки бу нусусларнинг воқелигини тушунишга ёрдам беради.

Бу масалада янгиланиш жойлар ва осори атиқаларни ўрганиш ҳамда ваҳий нозил бўлаётган пайтда ҳукмрон табиий ва иқлим шароитни кузатиш билан бўлади. Бундай ҳаракат орқали жуда катта янгилаш жорий бўлади. Унинг афзалликлари орасида, масалан соъ, шаръий динор, зироъ, қулла ва бошқалар каби

шаръий вазн ва ўлчовларни билиш бор. Шунингдек, ўша пайтда ишлатилган жанг ва уруш қуроллари, кийим-кечаклар, ва овқатланиш қуролларини билиш бор. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқларда уй қуриш, ариқ қазиш ҳамда зироат ва саноат услубларини билиш бор. Бу кўп масалаларни тушунишда фойдалидир, масалан, сув, бино ва йўлларга оид аҳкомлар, имтиёз ҳуқуки ва бошқалар. Буларнинг барчаси мўжтаҳидга манотни топиш ва шаръий нусуслар нозил бўлган воқеаларни тушунишда ёрдам беради.

Бугун икки ҳарам замонида исломий ёдгорликларни бемаъни баҳоналар билан вайрон қилиш каби жиноятлар содир бўлмоқда. Улар Пайғамбаримиз ва саҳобаларнинг уйлари, қадимий масжидлар ва бошқа муҳим обидаларни бузиб ташламоқдалар. Бу мусулмонларга ва уларнинг тарихига қарши жиноятдир. Талаб қилинган нарса барча исломий осори атиқаларни, айниқса, ваҳий замонида мавжуд бўлганларини сақлашдир. Чунки улар шаръий нусуслар улар ҳақида тушган воқеаларга алоқадордир. Бу бизга шаръий аҳкомларнинг маноти жиҳатларини тушунишга, Пайғамбаримиз ﷺ сийратини ва мусулмонлар тарихини тушунишга ёрдам беради.

Бугун мусулмонлардан талаб қилинган янгилаш Исломни Росулуллоҳ ﷺга ваҳий нозил бўлган кундагидек тушунишдир. Динни янгилаш шаръий нусусларни аъло даражада тушуниш, ушбу нусуслар алоқадор бўлган аҳкомлар манотини тушунишда муайян шаръий ва ақлий қоидаларни маҳкам тутиш ва ўша қоидаларни янги воқеаларга қўллаш билан бўлади. Токи, бу нусуслар нозил бўлган воқеаларга мос келсин. Агар шариатда ҳукми бўлмаган бирор янги ҳодиса рўй берса, аввалги фуқаҳо ва мўжтаҳидлар усули фиқҳ илми қоидаларига кўра шаръий ҳукм чиқаришган. □

**ДАВР ТАЛАБИНИ БИЛИШ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИШ БОРАСИДА КЕЧАГИ ВА
БУГУНГИ УЛАМОЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ**

Шафиқ Хамис – Яман

Илм жаҳолатнинг зидди ва тескарисидир. Аллоҳ Таоло илм фазилатини юксак кўтарган.

﴿أَمَنْ هُوَ قَنِيتْ إِنَّا إِلَيْهِ سَاجِدًا وَقَائِمَا يَخْدُرُ الْآخِرَةَ وَيَرْجُوا رَحْمَةَ رَبِّهِ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي
الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

«Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмат-тиқ турган холда тоат-ибодат қилгувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиласидиган киши (билан куфру исёнга фарқ бўлган кимса баробар бўлурми) ?! »
Айтинг: «Биласидиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми ?! » Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар»

[Зумар 9]

﴿وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ نَصْرٌ بُهَا لِلنَّاسِ وَمَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ушбу масалларни Биз одамлар (ибрат олсинлар) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар»

[Анкабут 43]

Жаҳолатни эса қоралаган.

Илм умумий ва маърифат хосдир. Сиз фалончини танийман дер экансиз, унинг исми, яшайдиган ва ишлайдиган жойини билишингизни айтган бўласиз. Фалончини биламан дейиш билан юқоридагиларга қўшимча ҳаётдаги аҳволини ҳам билишингизни айтган бўласиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло илмни жаҳолатдан ўстун қилди ва одамларни илм ўрганишга қизиқтириди. Росууллоҳ айтадилар:

«إِذَا اسْتَرْدَلَ اللَّهُ عَبْدًا حَظَرَ عَلَيْهِ الْعِلْمَ»

«Агар Аллоҳ бир банданинг разил (пасткаш)лигини билса, уни илмдан маҳрум қилиб қўйди». (Имом Мовардий, Дунё ва дин одоблари китоби, 51-саҳифа). Аллоҳ шаръий илмларни афзал қилиб қўйди. Чунки одамлар шаръий илмларни билиш орқали тўғри йўл топадилар, уларни билмаслик оқибатида адашадилар.

Шаръий илмлар одамларни тажрибавий илмларга етаклайди. Усома ибн Шарик айтади: Бадавийлар: Эй Аллоҳнинг Росули даволанайликми деб сўрашган эди, Росууллоҳ :

«نَعَمْ، يَا عِبَادَ اللَّهِ تَدَأْوُوا، فَإِنَّ اللَّهَ لَمْ يَضْعِ دَاءً إِلَّا وَسَعَ لَهُ شِفَاءٌ، إِلَّا دَاءً وَاحِدًا، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا هُوَ؟ قَالَ: الْهَرْمُ»

«Албатта, эй Аллоҳнинг бандалари, Аллоҳ касаллик берар экан, унинг давосини ҳам берган. Лекин бир касалликнинг давоси йўқ, деди. Шунда бадавийлар: У нима деб сўрашган эди, Росууллоҳ: Қарилик касали – дедилар». Термизий ривояти. Лекин тажриба илмлари шаръий илмга етакламайди. Бир илм ўрганувчи олимнинг эшиги олдида туриб: Бизга тишни толиктирмайдиган ва қалбни хаста қилмайдиган нарсани садақа қилинг деган эди, унга таом ва нафақа чиқарилди. Шунда у зот деди: Менга сизнинг таомингиздан кўра сўзингиз керак. Мен саховат эмас, балки ҳидоят изляяпман. Олим унинг киришига рухсат бериб, сўраган нарсаларига жавоб берди. Толиби илм эса хурсанд бўлиб чиқар экан, ноаниқликни аниқлаштирган илм қоринни тўйдирган бойликтан яхшидир, деди.

Лекин илм амал билан бирга бўлиши лозим. Фойдасиз илмдан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Чунки илмига амал қилмайдиган олимнинг ҳеч қандай қадри бўлмайди.

﴿أَتَأَمْرُونَ النَّاسَ بِاللَّيْلِ وَتَنْسُونَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَتَلَوَّنَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?» [Бақара 44]

Дарҳақиқат, илм амалга бириктирилди, амалга етакламайдиган илмнинг қадри йўқ. Бу аниқ зиёндир.

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْثُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَى مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَبُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَبُهُمُ الْلَّعْنُونَ﴾

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар» [Бақара 159]

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيشَقَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنَهُ وَلِلنَّاسِ وَلَا تَكْثُمُوهُ وَفَبَدُوهُ وَرَأَءَهُمْ وَأَشْتَرُوا بِهِ كُمَّا قَلِيلًا فَيُنَسَّ مَا يَشْتَرُونَ﴾

«Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилған кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» — деб аҳд-паймон олган эди. Сүнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қыйматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!»

[Оли Имрон 187]

Аммо олимларнинг илм олишига келсак, улар аниқ бир мақсадни кўзлаб илм оладилар. Бу мақсад эса Аллоҳнинг розилигига етишdir. Аллоҳ Таоло уларга илм йўлини енгил қилиб қўйганидан кейин, улар бундан У зотнинг розилигини исташадими ёки йўқми, буни билиш учун узоқдан уларнинг амалларини кузатиб туради. Чунки ким Аллоҳнинг буйруқларини билса, уларга биринчи бўлиб амал қиласди. Кейин одамлар ҳам шундай бўлишлари учун уларга ўша буйруқларни ўргатади. Шунингдек, қайтариқлардан тийилиш ҳам биринчи ўринда олимлардан талаб қилинади, ундан кейин бошқаларга ўтади. Олимларнинг эгаллаган билимларини амалда кўрсатишлари уларнинг таъсири кенгайишини осонлаштиради ва тезлаштиради. Ривоят қилинишича, мамлуклар Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳнинг ҳузурига келиб, одамларни мамлукларни озод қилишга ундашини сўрашди. Лекин Ҳасан Басрий бу ишни бироз орқага сурди. Бунинг сабаби унинг маблағи йўқ эди. Қачон маблағ топгач, мамлукни сотиб олиб озод қилди ва одамларни мамлукларни озод қилишга чақирди. Имом Мовардий ўзининг Дунё ва дин одоблари китоби (Олимнинг хислати билганига амал қилишdir) номли мавзусида шундай дейди: «Унинг хислати билганига амал қилиш ва қалбни ўзи буюрилган нарсалар билан обод қилишга ундаш бўлсин. Аллоҳ Таоло:

﴿مَثُلُ الَّذِينَ حُجِّنُوا إِلَيْنَا لَئِنْ كُنُتُمْ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثُلِ الْحَمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا﴾

«Таврот юкланган-берилған, сўнгра уни кўтара олмаган (яъни унинг кўрсатмаларига амал қилмаган) кимсалар (яҳудийлар)нинг мисоли худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди»

[Жумъа 5]

деб сифатлаган кимсалардан бўлиб қолмасин. Қатода Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِنَّهُ وَلَدُ عِلْمٍ لِمَا عَلَّمَنَاهُ﴾

«У Биз (вахий орқали) берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир» [Юсуф 68]

деган қавли ҳақида «у илмига амал қилган олимдир», дейди. (Дунё ва дин одоблари китоби, Мовардий, 82-саҳифа).

Одамлар пайғамбарларга мұхтож, чунки пайғамбарлар уларга Аллоҳ ирова қилган нарсаны етказишади. Пайғамбарлар Аллоҳ Таоло томонидан юборилған рисолатни одамларга мұваффақиятли етказдилар. Шундай қилиб, одамларға қарши ҳужжат қоим бўлди, энди улар бизга огоҳлантирувчи келмаган деб айта олмайдилар. Одамлар ўз ҳаётларини тартибга келтиришда ҳам Пайғамбарларга ва уларга юкланған рисолатга мұхтож бўлишди. Аллоҳ Таоло рисолатларни Ислом рисолати билан, Пайғамбарларни Мұхаммад ﷺнинг пайғамбарлиги билан тамомлагач, ўз илмига амал қиладиган уламоларгина қолди. Энди Аллоҳнинг динини ер юзида тиклаш вазифаси уларнинг гарданига тушади. Аллоҳ берган илм билан ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатиб, одамларни үнга амал қилишга чақириш ҳам энг аввало олимлар зиммасидадир.

Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَبَّةُ الْأَنْبِيَاءَ، إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُوَرِّثُوا دِينًا رَّدِيدًا وَلَا دِينًا مَّا؛ إِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَخْدَهُ أَخْدَهٌ
بِحَظٍْ وَافِرٍ»

«Албатта уламолар Пайғамбарларнинг меросхўрлари дидир. Пайғамбарлар динор ва дирҳамни мерос қолдирмаган, балки илмни мерос қолдирган. Ким уни олса, битмас туганмас насибага эга бўлибди». Термизий ривояти. Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ رَأَى سُلْطَانًا جَائِزًا مُسْتَحْلِلًا لِحُرُمِ اللَّهِ، نَاكِثًا لِعَهْدِ اللَّهِ، مُخَالِفًا لِسُنْنَةِ رَسُولِ اللَّهِ، يَعْمَلُ فِي عِبَادِ اللَّهِ بِالْأَثْمِ وَالْعَدْوَانِ؛ فَلَمْ يُغَيِّرْ بِقَوْلٍ وَلَا فِعْلٍ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُدْخِلَهُ مُدْخَلَهُ»

«Ким Аллоҳ қайтарған нарсаларни ҳалол санайдиган, Аллоҳга берган аҳдини бузадиган, Росууллоҳнинг суннатига зид иш қиладиган, Аллоҳнинг бандалари устида гуноҳ ва душманчилик билан амал қиладиган золим сultonни кўрса-ю, уни тили ва феъли билан ўзгартирмаса, Аллоҳ уни кирадиган жойига (дўзахга) киргизади». (Ушбу ҳадисни Табарий тарих китобида, Ибн Касир комил китобида ривоят қилган. Росууллоҳ ﷺ яна айтадилар:

«لَتَأْمُرُنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَا تَهْوَى عَنِ الْمُنْكَرِ، وَلَا تَأْخُذُنَّ عَلَى يَدِ الظَّالِمِ، وَلَا تَأْطِرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا، وَلَا تَقْصُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ قَصْرًا، أَوْ لَيَضْرِبَنَّ اللَّهَ بِقُلُوبِ بَعْضِكُمْ عَلَى بَعْضٍ، ثُمَّ لَيَلْعَنَنَّكُمْ كَمَا لَعَنَهُمْ»
«Сизлар албатта маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар, золимнинг қўлидан ушлаб, уни мажбуран ҳаққа бўйсундириб, ҳаққа чеклаб қўясизлар ёки Аллоҳ айримларингиз билан айримларингизнинг дилларига зарба беради кейин сизларни ҳам Бану Исройлни лаънатлаганидек лаънатлади». (Абу Довуд ва Термизий ривояти). Ҳадислар Мұхаммад ﷺ нинг барча Уммати учундир. Уламолар эса бу борада биринчи ўринда турадилар. Шундай экан, уларнинг вазифаси нимадан иборат? Агар уламолар бу вазифаларни бажармасалар ким бажаради?!

Уламолар Ислом давлатининг бошидаёқ, Росулуллоҳ ﷺ вафот этганларидан кейин пайғамбарларнинг қолдирган меросини қабул қилиб олишди. Уларнинг вазифаси халифалар рози бўладими ёки йўқми фарқсиз, ушбу вазифанинг юкини гарданларига олган ҳолда ҳақни ошкора айтиш бўлди. Умар Форуқ одамларга қарата «Агар менда эгриликни кўрсангиз нима қиласизлар», деб сўраганида, улар «Агар сенда эгриликни кўрсак, уни қилич билан тўғрилаймиз» дейишган эди. Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб одамларнинг ишларини чиройли назорат қилди ва одамлар ўз қизларини маҳрини озайтиришларини хоҳлади. Шунинг учун бир куни Пайғамбар ﷺ минбарига чиқиб, мақсади ҳақида айтди. Шунда бир аёл Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмай: Эй Умар ахир Аллоҳ Таоло:

﴿وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَسْتَبْدَالَ رَوْجَ مَكَانٍ رَوْجٌ وَعَاتِيَّثُمْ إِحْدَاهُنَّ قِنْطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْءًا أَكَأْخُذُونَهُ وَبُهْتَنَّا وَإِثْمًا مُّبِينًا﴾

«Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноқсиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар! Уни бўхтон ва очиқ гуноҳ билан оласизми?»

[Нисо 20]

деганку - деди. Шунда Умар ўзининг: «Аёл тўғри гапирди, Умар эса хато қилди» деган машҳур гапини айтган эди. Билол Музаний етакчилигига Ироқнинг Савод ерларини фатҳ қилган кишилар Умар ибн Хаттоб олдига ўша Савод ерларини уларга ўлжа сифатида тақсимлаб беришини талаб қилиб келишди. Улар бу

Давр талабини билиш ва ўнга амал қилиш борасида кечаги ва бугунги уламолар ўртасидаги фарқ ишини қайта-қайта такрорлайверганларидан, Умар: «Эй Аллоҳим Билол ва унинг дўстларига ўзинг кифоя қил», деган эди.

Кечагина мусулмонларнинг давлати ва Ислом билан бошқариш борасида байъат қилган халифаси мавжуд бўлиб, улар ўз Халифаларини байъат берган нарсага мувофиқ муҳосаба қилар эдилар. Агар у ваъдасига вафо қилса, уни қўллаб-қувватлашар эди. Лекин у бош тортса, эгри йўлга юрса ва мусулмонлар ундан байъатга хилоф иш қилганини кўрсалар, уни тўғри йўлга солиб қўяр эдилар. Улар ҳидоятни баён қилган, ҳақни намоён этган ва уни яширмаган ҳолда ўзларининг устидаги Аллоҳнинг мисоқига амал қилар ва Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмас эдилар. Тарих саҳифалари улар борасидаги воқеа ва ҳодисаларга тўлди. Машҳур мазҳаб соҳиби бўлмиш Молик ибн Анас Абу Жаъфар Мансур даврида Росулуллоҳ  нинг:

«لَيْسَ عَلَىٰ مُسْتَكْرِه طَلاقٌ»

«Мажбурланган кишининг талоғи талоқ эмас» деган ҳадисини айтмасликка қўйилган талаб туфайли азоб чекди. Чунки ўша пайтда Халифа Мансурга қарши чиққанлар имом Молик ривоят қилган ҳадисга қиёс қилиб, «мажбурланган кишининг байъати байъат эмас», дейишган эди. Молик ибн Анаснинг ҳасадгўйлари Мансурдан фойдаланиб, Молик бу ҳадисни айтмаслигини талаб қилишди. Лекин Молик бу ҳадисни гувоҳлар олдида айтишдан тўхтамади. Аҳвол унинг ҳасадгўйлари уни етмиш дарра уришгача етиб борди.

Абу Ҳанифа Нўймон Бағдодда алавийларга қаттиқлик қилиш борасида Абу Жаъфар Мансурга қарши чиққанда бошига синов тушди. Абу Ҳанифа халифанинг қозилари чиқарган ҳукмга қарши чиққанига яна бир мисол шуки, Қози Абу Лайло бир мажнун аёл масжида туриб, бир кишига эй зинокорнинг боласи дегани учун иккита ҳад белгилади. Шунда Абу Ҳанифа, қози олтита нарсада хато қилди; биринчиси масжида ҳад қўлланмайди, иккинчиси турган ҳолатда ҳад қўллаш, аёл кишига ўтирган ҳолида ҳад қўлланади, учинчи битта ҳад кифоя қилар эди, тўртинчи агар иккита қўлланса иккиси жамланмайди, биринчиси енгиллаганидан кейин иккинчиси қўлланади, бешинчи мажнунага ҳад қўлланмайди, олтинчиси ҳад унинг ота-онасига қўлланishi керак эди, қози уларни чақирирган эмас, деди. Абу Ҳанифа бундан ташқари Жаъфар Мансур томонидан юборилган ўн минг дирҳам ва

бир жорияни қабул қилмади ва қози бўлишдан бош тортди. Натижада у 110 дарра саваланди ва уйидан чиқмасликка мажбурланди. Шунингдек, фатво бериш ва дарс ўқитишдан маҳрум қилинди, шундан ҳеч қанча вақт ўтмай вафот этди.

Суфён Саврий Халифа Маҳдийни ҳаж зиёрати учун муҳосаба қилишдан қўрқмади. Уни олиб келишларига буюрди ва халифадан ушбу сафарингга қанча сарфладинг деганида халифа билмайман, менинг вакил ва омонатгўйларим бор деди. Шунда Суфён Саврий: Эртага Аллоҳнинг ҳузурида турганингда узр топа оласанми? Умар ибн Хаттоб ﷺ ҳаж зиёратини амалга оширгач, ғуломига: Ушбу сафаримизга қанча сарфладинг деб сўраганда, у эй мўминлар амири ўн саккиз динор деб жавоб берди. Шунда Умар: ҳолинггавой бўлсин, мусулмонлар байтулмолига ноҳақлик қилибмиз деган... Росууллоҳ ﷺ шундай деганлар:

«رَبَّ مُتَحَوِّضٍ فِي مَالِ اللَّهِ وَمَا لِرَسُولِ اللَّهِ فِيمَا شَاءَتْ نَفْسُهُ لَهُ النَّارُ غَدَأً»

«Аллоҳ ва Росулининг молини ўз нафси йўлида тасаррүф қиласидиган бир қанча кишилар борки, эртага улар учун дўзах бўлади». (Ислом уламо ва ҳукмдорлар орасида китоби, Абдулазиз Бадрий 73-саҳифа).

Мана бу Изз ибн Абдуссалом, уни Дамашқ жоме масжидида хутба қилиб турган пайтида минбардан тушириб, ҳисбса олишди. У сulton Солиҳни машҳур сиёсий хиёнати учун муҳосаба қилган эди. Чунки сulton Солиҳ Миср ҳокими Нажмиддин Айюбга қарши насронийлар билан Сафд ва Сақиф қалъасини топшириш ҳамда Сайдо, Табария, Омил тоғи ва бошқа соҳилбўйи минтақаларини иккига бўлиб олиш бўйича иттифоқ тузган эди. Шунингдек, уларга Дамашққа кириши ва у ердан қурол сотиб олишига рухсат берган эди. Изз ибн Абдуссалом жим турмасдан, жоме минбаридан туриб гапирди ва сulton Солиҳнинг ушбу хиёнатини қоралади. Сўнг хутба орасида унга дуо қилиб, шундай деди: «Эй Аллоҳим, ушбу Умматга рушду ҳидоят бер, токи у билан дўстларинг азиз ва душманларинг хор бўлсин ҳамда унда сени итоатингга амал қилинсин ва сенга маъсият қилишдан қочсинлар».

Ибн Таймийя Ғозонни Дамашққа кирганида аҳдларни бузгани учун муҳосаба қилганида Изз ибн Абдуссалом йўлидан юрган эди. Чунки у Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмади. Ҳатто у ўзига келтирилган таомдан емади ва Ғозоннинг қалбига қўрқув ва муҳаббат солди.

Мусулмонларнинг халифаси мавжуд бўлган ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритилаётган пайтда уламоларнинг позицияси шундай бўлган эди. Бугун эса Ислом билан бошқаришига кўра байъат қилинганди халифа йўқ, улар устидан ғайримусулмонлар ҳукмрон бўлиб, уларга зулм қилинмоқда ва бойликлари талон-торож қилинмоқда, Ислом фикрлари ва ҳаётнинг барча ишларидаги ҳукмларини бузишга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, Ислом фикрлари ўрнига бошқарув, иқтисод, таълим, ташқи сиёsat каби ҳаётнинг барча соҳаларида куфр фикрлари ва ҳукмларини алмаштириш ҳаракати кетмоқда.

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло Қуръонни нозил қилиб, унда мусулмонлар учун Ислом билан ҳукм юритиладиган салтанат тикланишини вожиб қилди. Аллоҳнинг буйруғига биринчи бўлиб жавоб берган ва мусулмонлар учун салтанат қурган зот Мұхаммад ﷺ бўлади. У киши Мадинаи Мунавварада мусулмонлар учун давлат тикладилар. Уламолар бунинг вожиблигини билишди. Ҳасан Басрий «Дунё ва дин одоблари» номли китобида дунёни ислоҳ қиладиган олтита қоидани айтиб ўтади. Биринчи қоида: Итоат этиладиган дин. Чунки дин нафсларни истак хоҳишидан тўсиб, қалбларни үнга мубтало бўлишидан сақлайди. Ҳатто дин қалbdаги пинҳоний ёмон ўйлардан ҳам ғолиб келувчи бўлади. Инсон бир ўзи ёлғиз қолганида дин нафсни кузатувчи ва бало мусибат етганида үнга насиҳат қилгувчига айланади. Иккинчи қоида: Қаттиққўл султон бўлиши. Султоннинг қаҳридан қўрқиш оқибатида ҳавои нафслар ўз истагидан воз кечиб, бир-бирига яқинлашади ва унинг ҳайбати туфайли бир-биридан узоқлашган қалблар бирлашади. Қаҳр ва сиёsat остида низолар барҳам топиб шу қўрқув мавжуд экан, душманга айланган нафслар босилади. Чунки инсоний табиатда баҳс тортишув ва ўзига маъқул нарсанни деб рақобатни яхши кўриш ва ўзига қарши гапирганларга қаҳр қилиш бор. Шундай экан, инсонларни бу табиатларидан фақат кучли тўсувчи ва буйруғини ўтказувчи қайтара олади. У қўшимча қилар экан, шундай дейди: Султон динни асрайди, уни одамларнинг ҳавои-нафси ва бузғунчилигидан ҳимоя қилади, шунингдек, муртадлар, боғийлар ва динда бузғунчиллик қилишга ҳаракат қилувчиларни тийиб қўяди. Агар қудратли султон етарлича эътибор бериб бу ишларга барҳам бермаса, ўша жойда ҳой-ҳаваслар кўпайиб, фикрлар айний бошлайди. Қайси диннинг султони бўлмаса, ўша жойда дин аҳкомлари ўзгаришга учраб,

тартиб-қоидалари йўқолиб боради. Ҳар бир раҳбарнинг ўз хатолари ва ҳар бир даврнинг заиф томонлари бўлади». У қўшимча қилар экан, шундай дейди: «Мана шу икки жиҳатдан Уммат етакчиси ва замон султони бўладиган имомни тиклаш вожиб, шунда дин ўз султони туфайли сақланиб қолади, султон эса дин суннатлари ва аҳкомлари асосида юради...». (Дунё ва дин одоблари, Мовардий, 134, 136-саҳифалар).

Ҳасан Басрий ва бошқа уламолар Исломий Умматни Ислом билан бошқарадиган имомни қоим қилиш вожиб эканини билишган. Шундай экан, бугун ўша буюк уламоларнинг сўзини айтадиган уламолар борми? Мўминлар онаси Зайнаб бинти Жаҳш Росулуллоҳ ﷺ га: Орамизда солиҳ кишилар бўлса ҳам ҳалок бўламизми деганида, Росулуллоҳ ﷺ:

«نَعَمْ؛ إِذَا كَثُرَ الْخَبْتُ»

«Ҳа, албатта, агар бузғунчилик кўпайса шундай бўлади», дедилар. (Муттафақун алайҳ). Бугунги кунда Аллоҳ нозил қилган диндан бошқа низом билан бошқаришни жоиз деб айтишдан кўра каттароқ бузғунчилик борми?!

Биринчи жаҳон уруши тугаши билан иттифоқчилар Ислом Умматининг салтанатини тортиб олдилар. Сўнг Халифалик давлатини қулатиб, мусулмон юртларни элликдан ортиқ давлатчаларга бўлиб юбордилар. Уларни яна битта халифа буйруғи остига бирлашмасликлари учун ораларига чегара тортилар. Шунингдек, ҳатто бугунгача ҳаётнинг турли ишларида мусулмонларни исломсиз бошқаришлари учун ҳокимлар тикладилар. Шундай экан, бугунги мусулмон уламолар майдоннинг марказини эгаллашлари ва тортиб олинган Исломий Уммат салтанатини қайта тиклаш учун фаолият қилаётганлар сафида бўлишлари лозим. Улар Умматга Ислом билан ҳукм юритишни қайта тиклаш, халифани тайинлаш, Ислом билан ҳукм юритиш борасида у билан байъат қилиш вожиблигини тушунтиришлари лозим. Шунингдек, исломий юртларни илмоний ғарбдан келган фикр ва тушунчаларни ифодаловчи байроқлар ўрнига уқоб байроғи, яъни Росулуллоҳ ﷺ байроғи остида бирлаштириш лозимлиги ҳақида тушунтириш лозим. Ғарбдан келган ушбу фикр ва тушунчалар туфайли Франциядан ватанпарварлик кириб келди ҳамда шариат ҳукмронлиги олиб ташланиб, ўрнига ҳалқ ҳокимияти ўрнатилди.

Мусулмон уламолари Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо қилиш, капиталистик фарб мустамлакачилигининг барча, зоҳирий ва яширин кўринишдаги ҳарбий, иқтисодий ва сақофий таъсирини кетказиш, унинг мусулмонлар денгизлари устидан бўлган ҳукмронлигига чек қўйиш учун енг шимаришлари вожиб. Шунингдек, Ҳайриддин, Барбаросса ва Турғад кабиларнинг қаҳрамонликларини қайтариш ҳамда қазиб олиш бошлангандан бошлаб бир аср давомида мусулмонлар манфаати йўлида ишлатилмаган нефтнинг қолганидан фойдаланиш учун бел боғлашлари лозим.

Мусулмонларнинг уч кундан ортиқ халифасиз яшашлари мумкин эмас эди. Афсуски, бу муддат кунлар эмас, йилларга чўзилиб кетди. Шунга қарамай, сўнгги йилларда бир қанча олимлар томонидан Халифаликнинг яқин орада қайта барпо бўлиши ҳақида гапирилиши қалбни қувонтиради. Бироқ, бунинг ўзи етарли эмас. Чунки уни барпо этишнинг йўли очиқ ва равshan. Бу йўл юнонларнинг демократияси ҳам, давлат барпо этишга олиб бормайдиган бошқа йўллар ҳам эмас. Балки, бу йўл Расулуллоҳ ﷺ Мадинаи Мунавварада мусулмонлар давлатини барпо этишда тутган йўлдир. Демак, Халифаликнинг қайта барпо бўлиши ҳақида гапираётган уламолар шу йўлда фаолият олиб бораётган уламолар билан бирлашишлари керак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَمِنْهُمْ مَنْ قَضَىٰ نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَنْ يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَلُواْ تَبْدِيلًا﴾

«Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонарни) ўзгартирганлари йўқ» [Аҳзоб 23]

Шунда уларга хорлиқдан кейин дунёдаги азизликка ва охиратдаги ажрга эришиб, Аллоҳнинг «кўз ўнгингизда Аллоҳ нозил қилмаган қонунлар билан ҳукм юритилган замонда нима қилдингизлар», деган саволидан қутуладилар. □

АРАБ ТИЛИ ИСЛОМСИЗ ЙҮҚ БҮЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДА, УНИ КИМ САҚЛАБ ҚОЛАДИ?

Сайид Шанқитий

Бир араб юрти бошқа араб юртидан олхўри олиб келиб, унга ўрик экспорт қилгани каби, араб тили бугунги кунда деярли турли араб ўлкаларининг рангларига бўялди. Улардан баъзилари хорижий тиллар алифбоси тартибига кўра (ёки ўзлари айтганларидек чет эл алфавитига кўра) араб тилидаги луғат китобларини ёзишмоқда. Бу ягона лафз бирлигини сақлаш мақсадидаги илдизларга таянадиган араб лексик усулидан фарқ қиласди. Яна бир ҳодиса, сақофий жиҳатдан устун бўлган француз ва инглиз тилларидаги товушларни тартиблаштириш учун араб тилида янги ҳарфларни ихтиро қилиш бўлди. Байрутдаги (ясуйилар) асос солган «Дорул Машриқ» босмахонаси томонидан чиқарилган «Мунжид» луғатида келтирилган товуш ва ҳарфлар араб тилида бўлган эмас. Шундай экан, бу ҳодисаларнинг араб тилига қандай таъсири бор?

Араб тили мусулмонлар учун қадрлидир, чунки у Қуръони Карим, Пайғамбаримиз ҳадислари ва Исломгача бўлган шеърият тили бўлиб, бу шаръий нусуслар луғати ва бошқа исломий илмларни тушунишда катта аҳамиятга эга. У бой тилдир. Чунки у илмий, сақофий, маданий, яъни ҳазорий тушунчаларни атамалашга эҳтиёж бўлганда лозим бўладиган алоҳида сўзларни пайдо қилишда чексиз ишиқоқ (сўз ясаш) асосларига таянади. У яна араб кўрфазидан Атлантика океанингача чўзилган кенг минтақа аҳолиси гаплашадиган тилдир. Бундан ташқари, араб бўлмаган кўплаб исломий юртларда араб тилидан асосий таълим ва мулоқот тили сифатида фойдаланилади. Шунингдек, у БМТ ва бошқалар каби кўплаб ҳалқаро ташкилотларнинг расмий тилидир. Шунинг учун араб тили тарқалиш даражаси бўйича тиллар тартибида дунёда учинчи ўринда туради. Бугунги кўрсатгичлар бу тил келажакда дунёда биринчи рақамли тилга айланишини ваъда қилмоқда. Чунки у ноёб тил бўлиб, тузилиши мустаҳкам, асослари маҳкам ва вужуди ўзгармасдир. Табиийки, бу уни барча соҳаларда ажралиб турадиган мулоқот тили бўлишига тайёрлаган. Бироқ араб ўлкаларининг парчаланиб кетиши бир неча даражада ўзига хос лингвистик чалкашликларни келтириб чиқарди, бу эса мулоқот жараёнини лойқалатди.

Аммо унинг қитъа тили масаласига келсак, араб тили фасоҳатли тил бўлгани учун шарқшunoslar одамларни «арабча ҳарф», классик араб тили, замонавий араб тили, содда араб тили, кеча ва бугунги араб тили, умумий араб тили каби турли араб тиллари мавжуд деб алдашга ҳаракат қилишди. Бундан мақсад эса, араб тилида сўзлашувчиларни фақат ваҳий нозил бўлган тил билангина тиниқ тушуниш мүмкин бўлган шаръий нусуслардан узоқлаштириш эди. Кўпчилик араб тилида сўзлашувчи одамлар ҳатто унинг душманлари ва ошиқлари ҳам бу тузоққа тушиб қолиши. Натижада ушбу фасоҳатсиз «араб тиллари» бир неча араб ўлкаларида хитоб қилиш, мулоқот, таълим, ўқитиш, лекция ўқиш ва ёзиш учун қўлланиладиган тилга айланиб қолди. Камерунлик бир йигит менга шу муносабат билан ҳазиломуз ҳикояни айтиб берган эди. Унинг юртидан бир йигит Азҳар университетига кирмоқчи бўлибди. Сўнг шариат ва қонун факултетида ўқий бошлабди, бироқ тез орада ўз уйига қайтиб келибди. Шунда ундан «Нега бунчалик тез қайтдинг? – деб сўрашганда, у таассуф билан: «у ерда бизга араб тилида эмас, фиръавнлар тилида таълим бериши. Мен буни умуман тушунмадим», деб жавоб берибди. Қандай ажойиб! Қандай қилиб мұхтарам Азҳарда тафаккур ва тил бу даражада таназзулга юз тутди?!

Лекин шарқшunos va африкашunoслар ёқтирмасаларда, араб тили биз билганимиздек ягонадир. Исломгача шеърият ва араб мақолларидан бошқа ҳеч қандай сақофатга эга бўлмаган бу тилни Аллоҳ Таоло Қуръон ва Суннатни нозил қилиш орқали ўлмас тилга айлантириди.

﴿بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُّبِينٍ﴾

«Очиқ-равшан арабий тил»

[Шуаро 195]

Аллоҳ Таоло араб тилини сақлашга ўзи ваъда берди...

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الْذِكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَفِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9] Ислом илмлари бўйича турли хил китоблар ёзилдики араб кутубхонаси дунёдаги энг бой кутубхоналардан бирига айланди.

Араб тилини хорижий усуллар шаклида жойлаштиришга келсак, бу барча иштиқоқ қилинган (ясама) сўзларнинг моддаси сифатида илдизларга таянадиган араб тилига ётдир. Бу усул ягона лексик

туркумнинг парчаланиб кетишига олиб келади, бу эса, айниқса, араб тилини ўрганувчи учун сўз излаш жараёнини қийинлаштиради. Бундан ташқари, бу усул ҳисоблаш ва жамлаш қийин бўлган ясама сўзларни эътиборсиз қолдиришга олиб келади. Бу усул араб тили учун мос эмас. Чунки у иштиқоқ тили учун эмас, балки инглиз ва француз каби сўзлашув тиллари учун ишлаб чиқилган.

Шоир Ҳофиз Иброҳим: «Мен ғарбликларда куч-қувватни кўрятман. Лекин менинг тилим туфайли қанча ҳалқлар куч-қувватга эришди. Мен – тубида марварид яширган денгизман. Ғаввослардан марварид қобиғи ҳақида сўраяпсизми?» – деб ёзганида нақадар ҳақ эди.

Аммо фонетика жиҳатига келсак, маълумки, араб ҳарфлари йигирма саккизта бўлиб, уларнинг талаффузи ва шакли тавқифий (Аллоҳ томонидан кўнгилга солинган)дир. Араб тилида бегона товушларни чизишнинг ўзига хос усули бор. Араблар чет тиллардаги товушларни агар муқобили (эквивалент) бўлмаса, ўз тилларида энг яқин товушга бўйсундириб муюмала қилишган. Шунингдек, улар ажнабий сўзларни «Арабларнинг сўзлари билан ўлчанадиган нарса ундандир» деган қоидага кўра арабча вазнларга согланлар. Шундай қилиб улар ажнабий тилдаги (P) ҳарфини (پ)га (Evropa اوروپا), (G) ҳарфини (ځ)га (Portugal البرتغال), (V) ҳарфини эса (و)га (manoevre ماناوره) алмаштиришган. Ҳавфларни сўзидан сўзлари ясалган, арабчада гаплашадиган киши бу сўзларнинг асли ажнабий яъни французча бўлганини сезмайди ва ҳоказо.

Бироқ тилшунослар ҳар қандай тилда, агар ажнабий тил унинг вазнларига солинса, бойиш қобилияти борлиги ҳақида бир хил фикрдадирлар. Аммо ажнабий тил унга морфология, фонетика ва синтаксис жиҳатидан таъсир қилса, хавфли бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Шунга қарамай, шарқшуносларнинг шогирдлари ва уларнинг араб издошлари хорижий тилларнинг товушларини қандай бўлса, шундай талаффуз қилишда давом этишди. Улар ўзлари учун араб тилида янги «ҳарфлар» ихтиро қилишди, гёё бу товушлар улар учун муқаддас эди. Бу ҳаракат шарқшунослар ва уларнинг издошлари томонидан Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннати ҳамда барча турдаги илм китобларининг тилига путур етказишига ҳаракат қилиш учун атайлаб қилинган. Лекин бу масала уларга

тақлид қилувчи мусулмонларнинг кўпига, жумладан, арабларга ҳам маълум эмас.

Бу ҳодисалар ўзининг ранг-баранглиги билан араб тили тизимини бузганлиги учун мутлақо қабул қилинмаслиги ҳамда араб тилини ҳимоя қилиш ва сақлаш учун уларга қаршилик кўрсатиш лозим.

Араб тилида бошқа тилларда бўлмаган ҳусусиятлар мавжуд. Масалан унда таъсир қилиш, кенгайиш ва ёйилиш ҳусусияти бор. У чиройли, талаффузи осон ва янги илмий, техник, сақофий, маданий атамаларни ўзлаштириш учун сўз бойлигини кенгайтиришда чексиз иштиқоқقا асосланган. У кўплаб сўзларда мамлакат тилига айланди ва луғатларни тартибга солишда унинг сўзларини бузиш ҳамда исломий Умматга қилинганидек ҳарфлари билан ўйнашиш учун нишон бўлиб қолди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки араб тили Ислом томиридир, у Уммат сифатида уни бирлаштирадиган, асрраб авайлайдиган ҳамда унга ҳурмати ва мангу шон-шуҳратини қайтарадиган кишига муҳтож. Бу эса, Исломий салтанатни қайта тиклаш билангина амалга ошади. Араб тили қудратини ақида ва низомга эга бўлган Ислом қудрати билан бирлаштиришга ёлғиз Ислом салтанати қодирдир. □

МАҒЛУБЛИК САҚОФАТИ ВА ЧАЛҒИТУВЧИ ФИКРЛАР САВДОСИ

Үзининг динидан бошқа дин бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин, покиза ва соғ шариатни олиб келган Росууллоҳга, у кишининг саҳобалари ва оила аъзоларига салавот ва саломлар ёғилсин.

Инсон танасига етган энг хавфли касаллик иммунитет тизимиға зарба берадиган касалликдир. Агар иммунитет тизими заифлашса, инсон организми эшиклари очилади ва организмга зарарли микроблар ҳеч бир тўсиқсиз кириб боради. Умматнинг аҳволи ҳам маълум даражада шунга ўхшайди. Ушбу мақолада биз Халифалик давридаги мусулмонлар ҳаётининг иккита муҳим хусусияти ҳақида гапирамиз:

Биринчи хусусият: Мусулмонлардаги фикрий иммунитет мисоли темир совут бўлиб, Халифалик давлати у орқали жамиятни турли шубҳа ва ифлосликлардан сақлаган, шунингдек, исломий тушунчаларни соғ ва пок ҳолда тутган... Ислом тарихи буюк фақиҳларнинг турли фитналарига барҳам берган ва фитначилар овозини ўчирган кўплаб машҳур баҳс-мунозараларга гувоҳ бўлган.

Иккинчи хусусият: Мусулмонлардаги азизлик, фахр ва ғолиблик туйғулари. Мусулмон одам Халифалик қўчаларида юрар экан, мустаҳкам таянчи борлигини чуқур ҳис қиласр эди. Юсуф ибн Ташфиннинг Алфонсо қўшинини мағлуб этиб Толедони фатҳ қилганини, шунингдек, Онадўлини фатҳ қилган музaffer Алп Арслоннинг Малазигрт жангидан ғалаба билан қайтганини эшитган мусулмонлар қалби фахр ва шодликка тўлган эди.

Ушбу икки буюк хусусият, яъни ақлий иммунитет ва ифтихор туйғулари мусулмонлар онгини турли шубҳалардан тозалаб, ҳар куни янги-янги ғалабаларни қўлга киритишга йўл очар эди. Бу хусусиятлар Исломнинг барча даврларида мусулмонларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг иродасини кучайтирди.

Мустамлакачи коғир Халифалик давлатини қулатганидан кейин ушбу икки хусусиятга эътибор қаратиб, уларнинг мусулмонларни тезда ўйғотишга қодирлигини англаб етди ва уларга зарба беришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Мусулмонлардаги ушбу фикрий қувватни синдириш учун оммавий ахборот воситаларини, ҳақдан юз ўғирган уламоларни, бузғунчи ва иғвогар сиёsatчиларни ишга солди.

Мустамлакачи коғирларнинг булардан кўзлаган мақсади нима эди? Уларнинг мақсади ўзига бўлган ишончни йўқотган, Умматидан умидини узган ва динини нотўғри тушунган мусулмон

моделини яратиш эди. Чунки ўзлигини йўқотган мусулмонни йўлдан оздириш ва алдаш осон кечади. Бундай мусулмон Farb ҳазоратига тезда алданиб, ўз Умматининг қадриятлари поймол қилинишига бефарқ бўлиб қолади.

Мусулмонларга мағлублик сақофатини сингдиришда муҳим ўрин тутганлар Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра хатиб ва уламолардир. Султонлар саройида ҳурмат кўриб, уларнинг дастурхонидан еган олимлар мағлублик сақофатини сингдириш орқали Умматни ичкаридан қулатишда муҳим рол ўйнадилар.

Ёш мусулмон йигит таҳорат олиб, сўнг жума масжидига боради. Қалби эса Бирмадаги мусулмон қурбонлар ёки Хитойнинг уйғурларга нисбатан қилган қирғини учун қайғуга тўлади. У масжидга кирап экан, кўнгли қўтарилиши ёки руҳи юксалишини хоҳлайди. Лекин минбардаги имом қалин қамчини ушлаб олиб, намозхонларни шафқатсиз савалай бошлайди. Бошқача айтганда: Биз яхши Уммат эмасмиз, сизлар нұсратга лойиқ эмассизлар ва барча миллатлар сизлардан олдинда... деб ваъз ўқийди. Шундай қилиб, мусулмон масжиддан териси шайхнинг қамчисидан моматалоқ бўлган, умидсизланган ва орзуси пучга чиққан ҳолда чиқади. Гарчи умидидан озгина қолган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари уни ҳам ўчиради.

Оммавий ахборот воситалари... уламолар ва уларнинг ортидан тизимли таълим дастури... бузукликка тўлган ижтимоий тармоқлар... Farb ва унинг заҳарли тузоғига илинган зиёлилар карвони... буларнинг барчаси ичкаридан мағлублик сақофатини давом эттириш ва мусулмонни динидан васвасага солувчи гумонларни тарқатиш учун ҳаракат қилади.

Олти қитъада Халифалик давлатини барпо этиш даъвати кенгайиб бораётгани нега оммавий ахборот воситаларида ёритилмаяпти?! Мусулмон халқларнинг шариат асосида яашага бўлган иштиёқини тасдиқловчи Bio Global Center ва Princeton Center каби стратегик тадқиқотлар маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари нега тарқатилмаяпти?! Биз булар ҳақида эшитмаяпмиз, лекин бу оммавий ахборот воситаларида даъватчиларнинг ҳибсга олиниши ва судга тортилиши ҳақида мороқ билан хабарлар тарқатилаётганини эшитяпмиз. Чунки ҳибсга олингандар ҳақидаги хабарлар одамни заифлаштириб, руҳий мағлубиятни оширади.

Үзлари яшаётган нотүғри ҳаётдан воз кечишга қарор қилған, сүнгра Аллоҳдан бошқа илоҳ йүқлиги ва Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик беришга бел боғлаган ўн минглаб насроний, яхудий ва атеистлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида ёритишиятими? Британиянинг Гардиан газетаси Ислом энг тез ривожланаётган дин эканлиги ҳақида қайта-қайта огоҳлантиришларни чоп этди-ку. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бор йўғи қирқ йил ичида бизнинг динимиз дунёдаги етакчилик марказини эгаллаб, энг катта ва биринчи динга айланди-ку. Буларнинг барчаси Халифалик йўқлиги туфайли юз бермоқда. Бундан ташқари, биз Исломни бузиб кўрсатиш ва мусулмонларни террорчига чиқариш учун бўлган тизимли глобал урушга дуч келяпмиз.

Аллоҳ ҳақи сизлардан, бу кўр ахборот воситаларидан ва жаллод шайхлардан сўраймизки: Бугун Умматимиздаги ҳофизлар, фақиҳлар, мужоҳидлар, воизлар, ва қаҳрамонлар ҳақидаги хабарлар фосиқлар, пасткашлар ва Ғарбга сифинувчилар ҳақидаги ҳикояларингиздан кўра ўринлироқ эмасми?

Сиз учун ҳар куни экран ва минбарларда мотамсаро ролни ижро этишдан кўра, Умматимиздаги кучли томонларга эътибор қаратишингиз маъқул эмасми?

Албатта, Ғарб мусулмоннинг фикрини ларзага солувчи ва тушунчаларни хиралаштирувчи шубҳаларни тарқатмасдан мағлублик сақофатини мустаҳкамлашга эришолмайди. Биз баъзисига уйғоқ ва баъзисига мурдороқ бўлаётган шубҳалар, гумон ва ёлғонлар Исломни илмонийлаштириш, уни қувват ва мазмунидан айириш, уни руҳонийлик анъаналарига айлантиришга қаратилган бўлиб, Пайғамбарлик минҳожидан ва унинг буюк раҳбари сийратидан қанчалар узоқлаштириб юборди... Бу шубҳалар: Ўзгартириш ҳақидаги даъватни улоқтиринг, ўтириб Маҳдийни кутинг, сиёсий ишни тўхтатинг, биродарингиз билан ҳизбий уюшишни тўхтатинг ва ўтиринг... Исломда сиёсий низом йўқ, ўтиринг, тоғут ҳокимларингиз иш эгаларидир, уларга қарши чиқиш жоиз эмас... Мажбурият ҳукмдорларингизнинг эмас сизнинг устингиздадир, бу авлод нусрат авлоди эмас, ўтиринг ва Ислом ришталари тугуни ечилаётганини томоша қилинг дер экан, фикрий наркотикага ўхшаш ушбу шубҳалар асабларни фалаж қилиб, уларни амалдан тўхтатади.

Бу каби наркотиклар күчни сүсайтириб, ғурур ва ғайратни ўлдириди. Токи ёшлар саросимага тушиб, адашиб, энг яқин биродарларидан ҳам қўрқадиган бўлди. Улар ҳатто оқ қорани ажрата олмайдиган бўлиб қолди. Айниқса, бу аралаш мол соҳиблари учун каналлар очилиб, долларлар сарфланиб, улар Исломий муфаккир, аллома, етук билимдон номи остида машҳурлаштирилмоқда. Уларнинг барчаси бу бечора мусулмонни телевизор, мобил телефон, китоблар варақларида, университет ва масжид деворлари орасида кузатиб боради.

Эй ёшлар! Эй ака-ука ва опа-сингиллар:

Динимизни бундай бузиб кўрсатишларига сиздан бошқа ким қаршилик қиласди?! Исломга берилаётган бу зарарни билакларингиздан бошқа ким қайтаради?! Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«يَحْمِلُ هَذَا الْعِلْمُ مِنْ كُلِّ خَلْفٍ عُدُولُهُ يَنْفُونَ عَنْهُ تَحْرِيفَ الْغَالِينَ وَاتِّخَالَ الْمُبْطِلِينَ وَتَأْوِيلَ
الْجَاهِلِينَ»

«Бу илмни ҳар бир авлоднинг тақводорлари етказади. Улар ундаги бидъатчиларнинг нотўғри талқинларини, ёлғончиларнинг уйдирмаларини ва жоҳилларнинг таъвилларини рад этадилар».

Ўша тақводор авлоддан бўлишни истамайсизми? Сизлар динингизни ҳақиқий уламоларидан ўрганинг. Сизлар уларнинг аксариятини фазовий каналлар ва ҳокимлар дастурхонида топа олмайсиз. Сизнинг фақиҳ аждодларингиз ўз сиёҳлари билан ривоят қилган ва халифаларингиз қонлари билан ҳимоя қилган тамойилларни сусайтириш, умидсизлантириш ва ўчиришга чорловчи ҳар қандай даъватдан эҳтиёт бўлинг.

Росулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Одамларни кучсизлантирманг (яъни уларнинг қарорини заифлаштирманг)». Яна айтадилар:

«يَشِّرْ هَذِهِ الْأُمَّةُ بِالسَّنَاءِ وَالرِّفْعَةِ، وَالَّذِينَ وَالنَّصْرِ وَالْتَّمْكِينِ فِي الْأَرْضِ»

«Бу Умматга юксалиш, олий бўлиш, дин, нусрат ва ерда имкон берилиши ҳақида башорат беринг». Биз ва авлодимиз Аллоҳнинг изни ҳамда куч ва қудрати билан ўзгаришга гувоҳ бўламиз. Аллоҳдан қўрқинг, Ғарб ва унинг устунлари кечаю-кундуз унинг уйғонишидан қўрқаётган Умматингизга ишонинг. Албатта, Уммат жасоратли қаҳрамон ўғлонларга бой.

Сизлар сув бетидаги кўпик эмассизлар. Агар шундай бўлганида дунё етакчилари эртаю-кеч сизга қарши уришиб,

бирашишингиздан қўрқан бўлармиди?! Сизлар Американи Афғонистонда мағлуб қилиб, бир неча марта бурнини тупроққа ишқадингиз. Сизлар одамлар қуламайди деб ўйлаган тўрт режимни қўлатдингиз. Сизлар Фаластинда жонингизни қурбон қилмоқдасиз, сизнинг олти ўғлонингиз сионистлар ғурурини оддий ош қошиқ билан тўқди. Сиз ва Умматингиз нақадар улуғ, у ўзининг кенг қамровли, ишонарли ва жозибали ақидаси билан нақадар улуғ... Умматимиз ёшлари нақадар буюк, ёши қариган Ғарб сиздаги ёшлик чўққисини, жўшқинликни ва янгиликни қанчалик хоҳлайди... Бу Умматнинг стратегик жойлашуви ҳамда қуруқлик ва сув бойликлари нақадар буюк, Аллоҳ бизга уларни тортиқ қилиб, ердаги баҳтсиз ва ҳаддидан ошганларни ундан маҳрум қилди... Ўтмишда инсониятни етаклаган Роббимиз шариати нақадар буюқдир, у бугун бизни ҳамда Америка, Европа ва Россияни ҳатто уларнинг халқлари ҳам азият чекаётган капитализм юкидан озод қилишга қодир...

Аллоҳга қасамки, сизга фақат ҳақиқий Раббоний раҳбар етишмаяпти. Уммат Аллоҳнинг китоби Пайғамбарининг суннатига биноан унга байъат беради. Ушбу байъат туфайли зулм ва зўравонликка тўлган ер юзи нур ва адолат билан чарақлади... Эй Аллоҳим бу замонни бизга яқин қил, бизни унинг гувоҳларидан қил. Охирги дуойимиз оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд айтмоқлиkdir. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Америкалик эксперт: (Исроил) Сисийни ағдаришга бўлган уринишларини олдини олган		
<p>АҚШ мудофаа вазирининг собиқ бош таҳлилчиси, собиқ президент катта Жорж Буш маъмуриятидан бошлаб, то Барак Обама маъмурияти давригача Пентагон ишида иштирок этган доктор Мұхаммад Камол Савий Арабий-21га берган эксклюзив интервьюсида (Исроил)нинг ўтган йиллар давомида бир неча давлат тўнтаришларига уринишини ёки Миср режими раҳбари Абдулфаттоҳ Сисийга қарши исённи тўхтатишга ҳисса қўшганини фош қилди. Унинг ишора қилишича: «Исроилликлар Сисийга қарши тузилган ҳар қандай фитналардан уни ҳимоя қилиш учун кўплаб маслаҳатлар, кўрсатмалар ва разведка маълумотларини тақдим этганлар. Чунки улар Сисийни ҳокимиятдан четлатилган президент Ҳусни Муборакдан ҳам мухимроқ стратегик хазина деб биладилар». Савийнинг таъкидлашича, «Исроил ташқи разведка хизмати (Моссад) Сисийга давлат тўнтаришига уриниш ёки қўзғолонга оид нозик маълумотларни тақдим этган. Айниқса, Моссаднинг Миср миллий хавфсизлигига кўп кириб боргани ва Миср армиясига баъзи зобитларни йўллагани ҳамда унинг тинглаш, кузатиш, таҳлил қилиш ва назорат қилишнинг энг янги воситаларига эга эканини маълум қилган. Унинг таъкидлашича, «Тель-Авив учун унга содиқ ва уни дўст деб билган режимларнинг сақланиб қолиши жуда мухим. Бу режимлар ўзини ҳимоя қилишга интилишидан кўра кўпроқ, Тель-Авив уларнинг хавфсизлигини сақлашга ҳаракат қиласди».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу каби хабарлар анави ҳукмдорлар (Исроил)га, у эса уларга қанчалик имконият яратиб берәётганини ҳамда уларнинг умумий душмани Ислом ва мусулмонлар эканини янада кўпроқ очиб беради... Лекин хотималардан сабоқ олинади. Бугун Ҳусни Муборак қулатилган президент деб таърифланади. Шундай экан, эртага Сисий нима деб таърифланади ва унинг охиратдаги қисмати қандай бўлади?!</p>		
<p>Саудия билан муносабатлар нормаллашуви яқинлашаётгани ҳақида (Исроил)да гап-сўзлар кўпаймоқда</p>		
<p>Сўнгги икки кун ичida (Исроил)да Саудия Арабистони билан муносабатларни нормалластириш бўйича келишувга эришиш яқинлиги ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Шу муносабат билан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирордадир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>транспорт вазири Мераф Михаэли расмий «Reshet Bet» радиостанциясида берган интервьюсида Саудия Арабистони билан муносабатларни нормаллаштириш, хусусан, қироллик ҳаво ҳудудини босқинчининг самолётлари учун очиқ қилиш бўйича иш олиб борилаётганини айтди. Унинг қўшимча қилишича, бу борада олиб борилаётган ишлар «яхши янгилик»дир, бироқ икки томон ўртасида нормаллаштириш бўйича келишув муддати борасида ноаниқлик мавжуд. Айни шу контекстда Гаарец газетаси берган хабарда билдирилишича, босқинчи вужуд бош вазири Нафтали Беннет АҚШ ҳомийлигига муносабатларни нормаллаштириш келишувида гавдаланадиган «бош совринни қўлга киритишга жуда яқин» қолганини айтди. Газета нашрига кўра, келишувга оид Америка ташаббуси «исроилликлар орасида кўплаб саволларини туғдиради. Чунки бу иш Тель-Авивни катта чекинишлар қилишга мажбур қиласи ва бунинг учун келажакда катта рамзий тўлов тўлаши керак бўлади. Гаарецнинг таъкидлашича, «Президент Жо Байден маъмурияти Саудия Арабистони журналисти Жамол Қошиқчининг ўлдирилиши муносабати билан кескинликка учраган АҚШ ва Саудия Арабистони муносабатларини қайта тиклашни жуда хоҳлайди». Газетанинг изоҳлашича, «Саудияликлар Истроилдан Шарқий Осиёга парвозларни ўз ерлари узра учеб ўтишига рози бўлишди. Шу тариқа рейсларни бир неча соатга қисқартиришди ва чипталар нархини сезиларли даражада камайтиришди». Гаарецга кўра, «Энди мақсад (Истроил)нинг Эль Аль Айрлинес авиакомпаниясида бир хил имтиёзларни беришдир».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Саудлар оиласининг фитнаси ва Исломга хиёнати Салмон ва унинг ўғли билан якунланётганга ўхшайди. Дин ниқобига ўралиб олган бу оиласининг шармандаликлари бугун фош бўлмоқда.</p>		
<p style="text-align: center;">﴿لَا تَحْسَبُهُ شَرًّا لَّكُمْ بَلْ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾</p>		
<p>«Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар» [Нур 11]</p>		
<p>Уммат ваъда қилинган «Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик»ка яқинлашди.</p>		
<p>Марокашда ҳамжиҳатлик ва динлароро мулоқотга доир «Танжер диалоги» ўtkазилди</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Марокашда 2022 йил 10 июн куни динлараро «Танжер диалоги» ўтказилди. Бу мұлоқот тұла икки күн давом этиб, динлараро мұлоқот бўйича Танжер декларацияси эълон қилиниши билан якунланди. Йиғилишда Африка, Европа, Араб кўрфази, Яқин Шарқ, жумладан (Исройл)дан юқори мартабали бир гурӯҳ расмийлар иштирок этди. Мұлоқотда сиёсий, иқтисодий, сақоғий ва ҳатто технологик соҳалардаги ҳамжиҳатлик ва динлараро мұлоқот масаласига оид бир қатор долзарб масалалар мұхокама қилинди. Марокаш ташқи ишлар вазири Носир Баурита очилиш сессиясида сўзлаган нутқида Марокаш сақофатлар ўртасида мұлоқот ва ҳамжиҳатлик майдони эканлигини таъкидлади. Шунингдек, ушбу мұлоқотни анъанага ва мунтазам учрашувга айлантириш зарурлигига чақирди. Марокашлик вазир ўз мамлакатининг зўравонлик ва терроризмга қарши курашдаги ролини таъкидлади. АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен ҳам ўзининг кириш нутқида мұлоқот «Нафратга қарши биргаликда ҳаракат қилиш имкониятидир», деди. Марокаш қироллари Мұхаммад олтинчининг ва ундан олдинги қирол Ҳасан иккинчининг маслаҳатчиси ҳамда Марокашдаги яҳудий жамиятининг ёрқин юлдузи саналган марокашлик яҳудий Андре Азулай шундай деди: «Марокаш ҳамма учун очиқдир ҳамда у дин ва эътиқод эркинлигига ишонади... Марокаш сақофати ҳозирги кўринишида 3000 йиллик ҳазоратнинг йиғиндисидир». У яна «Исломий ҳазорат Марокаш яҳудийларининг сақоғий таркибий қисмларининг бир қисмидир... Қироллик ҳар хил динга мансуб ҳар бир кишига ўз диний маросимларини сақлаб қолишга рухсат берди», деди. У шунингдек, «Марокашда ўн минглаб яҳудийлар эркинлик ва бағри кенглиқда тўпланганини ҳамда Марокашнинг динлар эркинлиги ва ҳурматига ишонишини» таъкидлади. Қирол маслаҳатчиси бўлган ушбу яҳудий қирол номидан кўра кўпроқ (Исройл) номидан гапиради.</p> <p>Ал-Ваъй: Ғарб ва унинг фикрлари дунё бўйлаб ҳукмронлик қилаётган ҳамда ўзининг илмонийлик тушунчаларини зўрлаб сингдираётган бир пайтда, дин номидан ўтказилаётган ҳамда Исломни жиловлаш учун юқори даражада кучайиб, бир-бiri билан рақобатлашаётган шубҳали конференциялар ўтказилмоқда. Зеро, Ислом Ғарб ҳазорати учун келажакдаги таҳдиддир. Ғарбнинг</p>		

<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>
бундан мақсади Исломдан мабдаийлик, оламшумууллик ва ҳокимият сифатини тортиб олмоқчи.		
Тунис... Янги конституция лойиҳасида Ислом давлат дини сифатида белгиланмайди		
<p>Тунисдаги «Янги республика» конституциясини тайёрлаш бўйича миллий маслаҳат органи раҳбари, бригада генерали Садик Белаид ҳаяжонли баёнотларда президент Қайс Саидга конституция лойиҳасини тақдим этишини айтди. Унинг таъкидлашича, бу лойиҳа Исломни давлат дини сифатида ўз ичига олмаслиги ва бу Наҳза каби исломий манбага эга ҳаракатларга қарши туриш мақсадида ишлаб чиқилган. Белаид Франс пресс агентлигига берган интервьюсида «Тунисликларнинг 80 фоизи экстремизм ва диндан сиёсий мақсадда фойдаланишга қаршидир. Биз айнан шундай қиласиз ва биринчи бобнинг ҳозирги формуласига ўзгартириш киритамиз». Демак янги конституцияда Ислом тилга олинмас эканда деган саволга у: «Бу ҳеч қачон бўлмайди» деб жавоб берди. Президент Саиднинг ўзи 2014 йилги конституциянинг «Тунис эркин мустақил ва суверен давлат, унинг дини Ислом, давлат тили араб тили ва бошқарув низоми республика низоми» деган биринчи бандини Ислом Тунис давлатининг динидир деган матни учун узоқ вақтдан бери танқид қилиб келади ва шу бобни ҳужжат қилиб келтирганларга қарши ҳужум қиласиди. Саид Қайс президентлик саҳифасидаги аввалги видеода, яъни ўтган рамазон ойида бўлиб ўтган диний маросимда: «Ислом давлатнинг дини эмас, Умматнинг динидир. Биз конституциянинг биринчи бобига кўра эмас, балки Аллоҳнинг бўйруғига биноан намоз ўқиймиз ва рўза тутамиз», деди. У яна қўшимча қилар экан «Давлат ширкатлар каби маънавий вужуддир, шунинг учун унинг динга эга бўлиши ҳеч нарсани англатмайди», «Алоқа Аллоҳ билан бўлади, лекин Аллоҳга сифинишга ваколатли ягона шахс деб даъво қилинганлар билан эмас», деб айтди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Биринчидан собиқ конституцияда тилга олинган давлат дини Исломдир деган ибора қофоздаги хабар холос, унинг ҳеч қандай қиймати йўқ ва воқеликда ҳеч қандай эътиборга эга эмас. Лекин Ғарб араб қўзғолонларидан кейин Исломнинг сиёсий ўзлигини (гарчи у сўзда бўлса ҳам) олиб ташлашга эътибор қаратди. Бу Сурия, Ливия, Тунис, Яман, Ироқ ва минтақанинг</p>		

бошқа давлатларида бўладими фарқи йўқ. Биз эса Қайс Сайд, Белаид ва унга ўхшаганларга айтамиз: Исломнинг давлатчилик хусусияти очиқ кўриниб турган ҳақиқатдир. Исломий давлат тарихи асрлаб давом этган. Farb буни билади ва шунинг учун унга қарши курашади. Сизлар эса бу курашда Farbни қўллаб-қувватламоқдасизлар... □

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الْرَّسُولُ كُلُّا مِنَ الظَّبَابِ وَأَعْمَلُوا صَلِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلَيْمٌ وَإِنَّ هَذِهِ دُّنْيَا أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَإِنَّ رَبَّكُمْ فَاتَّقُوهُمْ فَتَقَطَّعُوا أَمْرُهُمْ بَيْنَهُمْ رُبُّرًا كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ فَدَرَّهُمْ فِي عَمَرَتِهِمْ حَتَّىٰ حِينٍ أَيْخَسَبُوْنَ أَنَّهَا نُمْدُهُمْ بِهِ مِنْ مَالٍ وَبَيْنَ أَنْسَارِ لَهُمْ فِي الْخَيْرَاتِ بَلَّ لَا يَشْعُرُونَ﴾

«Эй пайғамбарлар, ҳалол пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган амалларингизни Билгувчи дирман. Шак шубҳасиз, (барчангизнинг) миллатингиз (яъни, динингиз) бир миллат (яъни, Исломдир). Мен эса сизларнинг Парвардигорингиздирман, бас, Мендангина қўрқингиз! Сўнг (одамлар) ишларини (яъни, динларини) бўлакларга бўлиб юбордилар. Ҳар бир гуруҳ ўз олдиларидағи нарса (дин) билан хурсандирлар. Бас (эй Мұҳаммад), сиз (маълум) вақтгача уларни (яъни, Макка мушрикларини) ўз ғафлатларида қолдиринг. Улар биз уларга бераётган мол давлат ва болаларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимииз деб ўйладиларми. Йўқ улар (буни ғафлатлари янади зиёда бўлиши учун қилинаётганини) сезмайдилар» [Мўминун 51-56]

Аллоҳ Таоло ўз бандалари бўлмиш Пайғамбарларининг барчасига ҳалолдан еб, солиҳ амаллар қилишга буюради. Бу ҳалолнинг солиҳ амаллар учун ёрдамчи эканлигидан далолат беради. Шунинг учун Пайғамбарлар алайҳиссалом бу ишни тўла тўкис амалга оширганлар. Улар сўзда, амалда, кўрсатма ва насиҳатда барча яхшиликларни бирлаштирганлар. Аллоҳ уларни бандалари номидан мукофотлаган. Ҳасан Басрий

﴿يَا أَيُّهَا الْرَّسُولُ كُلُّا مِنَ الظَّبَابِ﴾

(Эй Пайғамбарлар ҳалол пок таомлардан енглар) ояти ҳақида шундай дейди: Аллоҳга қасамки, у сизни на сариқ, на қизил, на ширин, на нордон нарсани ейишга буюрди, балки ҳалолга чекланинглар деди. Саид ибн Жубайр ҳалолини енглар маъносида деган. Исо ибн Марям онаси тайёрлаган ширинликлардан ер эди.

Саҳих ҳадисда: «Ҳар бир Пайғамбар пода боққан», дейилади. Пайғамбар ﷺдан сиз ҳам шундайми деб сүрашганида, У киши: «Ҳа шундай, мен ҳам бир неча қирот әвазига Макка ахли қўйларини боққанман», деб жавоб берганлар. Саҳих ҳадисда шундай келади: «Албатта Довуд алайҳиссалом ўз қўли меҳнати әвазига яшар эди». Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ:

«إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى طَيْبٌ لَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيْبًا وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ إِمَّا أَمْرًا بِهِ الْمُرْسَلِينَ»

«Эй одамлар Аллоҳ Таоло тойибидир ва тойиб нарсани қабул қиласи. Албатта Аллоҳ мўминларга Пайғамбарларга буюрган нарсани буюрди» деб, сўнгра

﴿يَأَيُّهَا الرَّسُولُ كُلُّوْ مِنَ الظَّيْبَتِ وَأَعْمَلُوا صَلِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

(Эй пайғамбарлар, ҳалол пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган амалларингизни билгувчи дирман), оятини ўқидилар. Сўнг

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا كُلُّوْ مِنْ طَيْبَتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ﴾

«Эй иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар» [Бақара 57]

оятини ўқидилар. Сўнгра узоқ сафарга чиққан бир киши ҳақида айтиб бердилар. Унинг соchlари тўзиган, қўли эса самога қаратилган: Эй роббим, эй роббим деб сўрайди. Унинг егани, ичгани, кийими ҳаром. Унинг дуоси қандай ижобат бўлсин? – дедилар. Муслим, Термизий, Аҳмад ривоят қилишган.

﴿وَإِنَّ هَذِهِ أَمْثُلَةُ أُمَّةٍ وَاحِدَةٍ﴾

(Шак шубҳасиз миллатингиз бир миллат (яъни Исломдир)) қавлиниң маъноси яъни эй Пайғамбарлар жамоаси динингиз битта, миллатингиз битта деганидир. Бу ҳеч қандай шериксиз ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга бўлган чақириқдир. Шунинг учун ҳам

﴿وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاتَّقُونَ﴾

(Мен эса сизларниң Парвардигорингиздирман, бас, мендангина қўрқингиз) демоқда.

﴿فَتَمَطَّعُوا أَمْرَهُمْ بَيْنَهُمْ زُبُرٌ﴾

(Сўнг одамлар ишларини, яъни динларини бўлакларга бўлиб юбордилар) қавлиниң маъноси яъни элчи юборилган миллатлар деганидир.

﴿كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ﴾

(Хар бир гурух ўз олдиларидағи нарса (дин) билан хурсанддирлар) қавлиниң маңында ўз залолатлари билан хурсанд бўлишади, чунки улар ўзларини түғри йўлда деб ҳисоблайдилар, деганидир. Шунинг учун таҳдид оҳангидаги

﴿فَذَرُهُمْ فِي عَمَرَتِهِمْ حَتَّىٰ حِينٍ﴾

(Бас сиз (маълум) вақтгача уларни (яъни Макка мушрикларини) ўз ғафлатларида қолдиринг) демоқда. Бошқача айтганда, улар ҳалок бўлгунларича залолатларида юришаверсинглар. Аллоҳ Таоло қўйидаги оятларда ҳам шу ҳақда айтади:

﴿فَمَهِلْ أَلْكَفِيرِينَ أَمْهَلْهُمْ رُؤْيَاً﴾

«Бас, (эй Мұхаммад), сиз уларга озгина вақт-муҳлат беринг (яъни сиз бир оз шошмай туринг, майли улар бугун дину иймонга қарши қўлларидан келганини қилсинглар, эртага Қиёмат қоим бўлганида, албатта, қилмишларига яраша жазоларини олурлар)!» [Ториқ 17]

﴿ذَرُهُمْ يَا كُلُّوَادِيَّمَتَّعُوا وَلِيُهُمُ الْأَمْلُ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад) уларни қўяверинг, еб-ишиб, фойдаланиб қолсинглар, орзу-ҳавасларига машғул бўлаверсинглар. Бас, яқинда (бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар» [Хижр 3]

﴿أَيَّخْسَبُونَ أَنَّمَا نُمِدُّهُمْ بِهِ مِنْ مَالٍ وَبَنِينَ﴾

(Улар биз уларга берәётган мол давлат ва болаларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимииз деб ўйладиларми) қавлиниң маңында анави ғурурга кетган кимсалар биз уларга берәётган мол давлат ва болаларни бизга ҳурматли бўлгани учун беряпти деб ўйляяптиларми. Йўқ асло, иш улар

﴿نَحْنُ أَكْثُرُ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ﴾

(Бизнинг мол давлат ва болаларимиз кўп ва биз азобланмаймиз) деб айтганларидек эмас. Улар бу борада адашдилар ва умидлари пучга чиқди, биз буни секин аста амалга оширамиз ва муҳлат берамиз. Шунинг учун Аллоҳ:

﴿بَلْ لَا يَشْعُرُونَ﴾

(Йўқ улар сезмайдилар) демоқда. Аллоҳ Таоло бу ҳақда қуйидаги оятларда айтади:

﴿فَلَا تُعِجِّنَكَ أَمْوَالُهُمْ وَلَا أَوْلَادُهُمْ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَعْذِبَهُمْ بِهَا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

«Бас, сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! Чунки Аллоҳ ўша нарсалар сабабли ҳаёти дунёда уларни азоб-үқубатга солишини истайди, холос» [Тавба 55]

﴿إِنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ لِيَرِدَادُوا إِنَّمَا﴾

«Балки биз уларга фақат гуноҳларини зиёда қилишлари учунгина муҳлат берамиз» [Оли Имрон 178]

﴿وَمَا أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ بِإِلَّا تُقْرِبُكُمْ عِنْدَنَا زُلْقَنِي إِلَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَلِحًا﴾

«На молу дунёларингиз ва на болаларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилгувчи эмасдир. Фақат иймон келтирган ва яхши амал қилган зотлар (ана ўшалар учунгина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бўлур)» [Сабаъ 37]

Бу ҳақда оятлар жуда кўп. Қатода айтади: Аллоҳ Таоло одамларга мол давлат ва болалари борасида макр қилди. Эй одам боласи одамларни мол давлат ва болаларига эмас, аксинча, иймони ва солиҳ амалларига эътибор бер. Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ, ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ قَسْمَ بَيْتَنَكُمْ أَخْلَاقَكُمْ كَمَا قَسْمَ بَيْنَكُمْ أَرْزَاقَكُمْ، وَإِنَّ اللَّهَ يُعْطِي الدُّنْيَا مَنْ يُحِبُّ وَمَنْ لا يُحِبُّ، وَلَا يُعْطِي الدِّينَ إِلَّا لِمَنْ أَحَبَّ، فَمَنْ أَعْطَاهُ اللَّهُ الدِّينَ فَقَدْ أَحَبَّهُ، وَالَّذِي نَفْسٍ مُّحَمَّدٍ بِيَدِهِ، لَا يُسْلِمُ عَبْدٌ حَتَّى يَسْلِمَ قَلْبُهُ وَلِسَانُهُ، وَلَا يُؤْمِنُ حَتَّى يَأْمُنَ جَارُهُ بَوَائِقَهُ، قَالُوا: وَمَا بَوَائِقُهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: غَشْهُ وَظَلْمُهُ. وَلَا يَكْسِبُ عَبْدٌ مَالًا حَرَامًا، فَيُنِفِّقَ عَبْدٌ مَالًا حَرَامًا فَيُنِفِّقُ مِنْهُ فَيُبَارَكَ لَهُ فِيهِ، وَلَا يَصَدِّقُ بِهِ فَيُقْبَلَ مِنْهُ، وَلَا يَتَرُكُ خَلْفَ ظَهِيرَهِ إِلَّا كَانَ زَادَهُ إِلَى النَّارِ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَحِّوِ السَّيِّئَةَ بِالسَّيِّئَةِ، وَلَكِنْ يَحِّوِ السَّيِّئَةَ بِالْحَسَنِ، وَإِنَّ الْحَسَنَ لَا يَنْحِيُ الْحَسِيبَ»

«Аллоҳ Таоло худди ризқингизни тақсимилаб берганидек, орангизда ахлоқингизни ҳам тақсимилаб берди. Аллоҳ ўзи яхши кўрган ва яхши кўрмайдиган кишиларнинг барчасига дунёни бераверади. Лекин динни фақат яхши кўрган бандасига беради. Аллоҳ кимга динни берган бўлса, демак уни яхши кўради. Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, киши қалби ва тили мусулмон бўлмагунича ўзи ҳам мусулмон бўлмайди. Шунингдек, қўшниси унинг зараридан тинч бўлмагунича мўмин

бүлмайди. Саҳобалар ፲ қалимаси ҳақида сұрашганида Росууллох ﷺ зулмидан деб жавоб берганлар. Росууллох ﷺ айтадилар: **Бир бандың мол касб қылса, уни сарфласа, ундан барака топса, ундан садақа қылса, бұлар асло қабул қилинмайди.** Агар уни үзининг ортидан (үлганидан кейин) қолдирса, бу унинг дўзахдаги захираси бўлади. Аллоҳ Таоло ёмонликни ёмонлик билан ўчирмайди, балки ёмонликни яхшилик билан ўчиради. Чунки ифлос нарса яна бир ифлосликни ўчирамайди». Имом Аҳмад үзининг мұснадида Ибн Аббосдан марғуъ ҳолатда ривоят қилган.

Ушбу оятларнинг Зилолдаги тафсирида шундай келади:

«Сурадаги бу учинчи сабоқ элчи юборилган миллатлардан кейинги одамларнинг ахволини тасвирлаш билан бошланади. Бу ҳолат охирги Пайғамбар келиб уларни топган ҳолатдир. Улар олдинги Пайғамбарлар олиб келган ҳақиқат борасида турли гурухларга бўлиниб кетган эдилар. Бу сабоқ улар охирги Пайғамбар олиб келган ҳақиқатга бепарвониларини ҳамда улар қилаётган ишларнинг оқибати ҳайрон қолдирадиган даражада қоронғи бўлишини тасвирлайди. Мўминлар Аллоҳга ибодат қилиб, солиҳ амалларни бажарадилар. Уларнинг қалби ўз Роббиларига қайтишдан қўрқиб титрайди. Мўминнинг қалбида ҳушёрлик ва огоҳлик бўлса, кофирнинг қалбида жаҳолат ва ғафлат бор. Сўнгра сурада кофирларнинг позициялари қораланади, шубҳалари кўндаланг қилинади. Кейин қалбларидаги иймонларининг нотўғрилиги айтилиб, ҳис-туйғулари қўзғатилади. Ундан кейин уларнинг ҳужжатлари ўзларига қарши ҳужжат қилиб келтирилади. Уларни ўз қоидалари билан ушланиб, ўзларига қарши ҳужжат қилинади. Сўнг, ҳақиқатни қабул қилишни истамаганларни ўз ҳолларига ташлаб қўйиш буюрилади. Бу сурада Аллоҳ Таоло Росууллох ﷺга ўз йўлини давом эттиришни, уларнинг қайсаарликларига эътибор бермасликни, ёмонликни яхшилик билан ўчиришни ҳамда уларни очиқ залолатга етаклаётган шайтондан Аллоҳдан паноҳ сұрашни буюради.

﴿فَتَقْطَعُوا أَمْرَهُمْ بَيْنَهُمْ رُبْرَا كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدِيهِمْ فَرَحُونَ ﴿٦﴾ فَذَرُهُمْ فِي عَمَرَتِهِمْ حَتَّىٰ جِنِّيْنَ ﴾۶﴾ أَيْخَسِبُوْنَ أَنَّهَا نُمْدُهُمْ بِهِ مِنْ مَالٍ وَبَنِينَ ﴾۷﴾ نُسَارَعُ لَهُمْ فِي الْحَيَّرَةِ بَلَّا يَشْعُرُوْنَ﴾
 (Сўнг одамлар ишларини, яъни динларини бўлакларга бўлиб юбордилар. Ҳар бир гуруҳ ўз олдиларидағи нарса (дин) билан

хурсанддирлар. Бас эй *Мұхаммад сиз маълум вақтгача уларни, яғни Макка мушрикларини ўз ғафлатларида қолдириңг.* Улар биз уларга берәётган мол давлат ва болаларни ўzlари учун яхшиликларни тезлатишимиz деб ўйлайдиларми. Йүқ улар буни сезмайдилар). Дархақиқат, Пайғамбарлар битта миллат, битта калима, битта ибодат ва битта дүнекарашда давом этдилар. Лекин улардан кейинги одамлар бирор манжаж ва йўлда бирлашмайдиган тарқоқ гуруҳларга бўлиниб кетишли. Қуръоннинг ижодий таъбири бу келишмовчиликни қўпол ҳиссий шаклда келтиради. Чунки улар динни бўлакларга бўлиши ва парчалашди. Сўнг ҳар бир гуруҳ ўз қўлидаги бўлак билан юришда давом этиб, на фикрлашди ва на бир нарсага эътибор беришли. Сўнг у ўзига ҳар қандай эркин шабада ёки бирор ёруғлик нури кириб келиши мумкин бўлган барча тешикларни ўзига ёпди. Барчаси қоронғиликда яшар, ўzlарида бўлган нарса билан овра ва ҳайратда эдилар. Унда на ҳаёт нафаси ва на нур мавжуд эди.

Бу сабоқ ушбу суратни тасвиirlар экан, хитобни Росулуллоҳ ﷺ га йўналтиради:

﴿فَذَرْهُمْ فِي غَمَرَتِهِمْ حَتَّىٰ حِينٍ﴾

(Бас сиз (маълум) вақтгача уларни (яғни Макка мушрикларини) ўз ғафлатларида қолдириңг). Яғни уларни қоронғилик ичра, ўzlари билан машғул ва ғафлатда қолдириңг. Токи муқаррар ваъда келганида фожиали тақдирларига йўлиқсинлар. Бунда уларнинг бепарволиклари борасида масхара қилинади. Улар вақтинча муҳлат берилиши ва синов пайтида мол давлат ва болалар билан таъминланишини бизга яхшилик берилмоқда ҳамда неъмат ва совғалар билан сийлашмоқда деб ҳисоблашган эди

﴿أَيَّا يَحْسِبُونَ أَنَّمَا نُمِدِّهُمْ بِهِ مِنْ مَالٍ وَبَنِينَ ﴿٦٣﴾ نُسَارِعُ لَهُمْ فِي الْخَيْرِٓ إِنَّمَا يَنْهَا عَنِ الْمُحَمَّدِ الْمُنْذَرِ بَلَّا يَشْعُرُونَ﴾

(Улар биз уларга берәётган мол давлат ва болаларни ўzlари учун яхшиликларни тезлатишимиz деб ўйлайдиларми. Йўқ улар сезмайдилар). Йўқ асло ундей эмас, балки бу фитна ва имтиҳондир

﴿بَلَّا يَشْعُرُونَ﴾

(Йўқ улар сезмайдилар). Улар мол давлат ва болалар ортида аянчли тақдир ва аччиқ ёмонлик борлигини сезмайдилар! □

ЖАННАТ БОГЛАРИ

قالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : «إِذَا مَرَرْتُمْ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعِسُوا»
Расулуллоҳ Ҳадидилар: «Агар жаннат боғларидан ўтсангизлар, (мўл-кўл мевалардан) тотинглар»

ЖАННАТ БОГЛАРИ

ЗУЛҲИЖЖАНИНГ ЎН КУНИ... БУ КУНЛАРДА ҚИЛИНГАН СОЛИХ АМАЛ АЛЛОҲГА БОШҚА КУНЛАРДАГИДАН КЎРА СУЮКЛИРОҚДИР

Аллоҳнинг бизга берган инъомлари ичидаги энг буюги бизни яратиб, ҳидоятлашидир. Аллоҳ бизни ҳидоятлаганинг маъноси шуки, у зот бизни яхшиликка етаклади ва ўша яхшиликда давом этишимизни хоҳлади. Бизнинг давримиз бекатларида тухфа ва мавсумларни белгилади. Ўша мавсумларда солиҳ амалларни қилишимизни ва уларда бизни Аллоҳга яқинлаштириши учун мусобақалашишимиизни хоҳлади. Мана шу бекат ва мавсумлардан бири зулҳижжанинг ўн кунидир. Бу ойнинг зулҳижжа деб аталишига сабаб унда ҳаж ибодати амалга оширилади. У катта ҳаж ойи бўлиб, унинг хусусиятларидан бири у ҳаром ойларидан биридир ва унда муборак ўн кун бор. Суютий ўзининг (Дуррул мансур) китобида шундай келтиради: Ибн Мунзир, Ибн Абу Хотим ва Абу Шайхлар ибн Аббосдан ривоят қилишларича, Ибн Аббос Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَرَأَعْدَنَا مُوسَى شَكِينَ لَيْلَةً وَأَتَمَّنَاهَا بِعَشْرِ﴾

(Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн кеча билан тўлдирдик) қавли ҳақида у тўлиқ зулқаъда ва зулҳижжанинг ўн куни деган. Имом Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий (Шаъб)да Жобир Ҳадисдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ

﴿وَالْفَجْرُ ﴿١٦﴾ وَلَيَالٍ عَشَرٍ ﴿١٧﴾ وَالشَّفْعُ وَالْوَتْرُ﴾

(Тонгга қасам. Ўн кечага қасам жуфт ва тоққа қасам) оятларидаги ўн кеча ийдул азҳонининг ўн куни, тоқ куни арафа, жуфт куни наҳр (жонлиқ сўйиладиган) кунидир деганлар. Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَيَدْكُرُوا أَسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَعْلُومٍ﴾

«Маълум кунларда Аллоҳ номини зикр қилишлари» [Ҳаж 28]

қавли түғрисида ибн Аббос ва ибн Касирлар «Зулхижжанинг ўн куни», дейишган. Имом Суютий (Дуррул мансур)да келтиришича, Мұхаммад ибн Наср Намоз китобида Абу Усмон Наҳдийдан шундай чиқарған: Учта ўн кунликни улуғлар әдилар: Мұхаррамнинг ўн куни, Зулхижжанинг ўн куни ва Рамазоннинг охирги ўн куни...

Суннатда зулхижжа ойининг ўн куни бошқа кунлардан афзаллиги ва унда қилинадиган амалларга икки баробар ажр ва савоб ёзилиши ҳақида келган. Абу Довуд, Бухорий, Термизий ва бошқалар ибн Аббосдан келтиришича, Росууллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«مَا مِنْ أَيَّامِ الْعَمَلِ الصَّالِحِ فِيهِنَّ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ»

«Аллоҳ учун ушбу ўн кундан ҳам кўра солиҳ амал яхшироқ бўладиган бошқа кунлар йўқ». Шунда саҳобалар – эй Аллоҳнинг росули Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳамми дейишган эди, Росууллоҳ ﷺ:

«وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ بِنَفْسِهِ وَمَا لِهِ فَلَمْ يَرْجِعْ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ»

«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам, лекин бир киши жони ва моли билан чиқиб, (лекин жиҳоддан) қайтмаса бундан мустасно», дедилар. Табароний Кабир китобида шундай ривоят қиласди:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ يُتَقَرَّبُ إِلَى اللَّهِ فِيهَا بِعْمَلٍ أَفْضَلَ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ»

«Ушбу ўн кундагидан ҳам кўра Аллоҳга афзал амал билан яқин бўладиган бошқа кунлар йўқ». Доримиининг ривоятида эса шундай келади:

«مَا مِنْ عَمَلٍ أَرْكَى عِنْدَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَلَا أَعْظَمُ أَجْرًا مِنْ خَيْرٍ تَعْمَلُهُ فِي عَشْرِ الْأَضْحَى»
«Ушбу ўн кунда қилган амалингдан кўра Аллоҳ ҳузурида улуғроқ ва афзалроқ амал йўқ». Таёлисий Абдуллоҳ ибн Амрдан чиқарған ҳадисда у киши айтади: Росууллоҳ ﷺ ҳузурида эдим, у кишига ўн кун ҳақида айтишди, шунда Росууллоҳ ﷺ:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ الْعَمَلُ فِيهِ مِنْ عَشْرِ ذِي الْحِجَّةِ»

«Аллоҳ үчун зулҳижжанинг ўн кунидан ҳам қўра яхшироқ амал бўладиган кун йўқ». Росууллоҳ ﷺ ушбу ҳадисларда ушбу кунларда қилинган солиҳ амалдан ҳатто жиҳод ҳам ўта олмаслиги, фақат жони-ю моли билан жиҳодга кетиб, қайтиб келмаган, яъни шаҳид бўлиб, молини ҳам йўқотган кишининг амалигина савобда шунга тенг бўлиши ҳақида айтмоқдалар. Шавконий айтади: Ҳадисда ушбу ўн кун йил ойларининг бошқа кунларидан афзалиги ҳақидадир. Ибн Ражаб Фатҳул борийда шундай дейди: «Ушбу ҳадисда аслида афзал бўлмаган амал афзал вақтда содир бўлса, замони афзал бўлгани сабабли бошқа фазли амаллардан афзал бўлиб қолиши ҳамда зулҳижжанинг ўн кунида қилинган амал ундан бошқасида қилинган барча фазлли амаллардан афзал бўлиши ҳақида далил бор».

Лекин ўз жони ва моли билан жиҳодга кетиб, шаҳид бўлган ва қайтмаган кишининг амали бундан мустаснодир. Аммо бу ўн куннинг ушбу ўзгача хусусиятларининг ҳикматига келсак, Ибн Ҳажар Фатҳ китобида шундай дейди: «Кўриниб турибдики, зулҳижжа ўн кунлиги ўзгачалигининг сабаби унда намоз, рўза садақа ва ҳаж каби улуғ ибодатларнинг жамланганидир. Бу каби жамланиш ундан бошқасида мавжуд эмас». Ҳасан Басрий рамазон рўзасини адо этганидан кейин фақат мана шу ўн кундагина нафл рўза тутар эди, шунингдек, у айтар эдики: «Ушбу ўн куннинг бир кунида тутилган рўза бошқа кунларда тутилган рўзаларнинг икки куни билан тенгдир». Ибн Аббоснинг шогирди, муҳаддис ва фақиҳ Жобир ибн Зайд зулҳижжанинг ушбу ўн кунида умра қилар эди.

Зулҳижжа ойининг ўн кунлигининг хусусиятларидан яна бири қурбонлик қилишни истаган киши шу кунларда соч ва тирноқларини қурбонлик қилгунича олдирмаслиги мустаҳабдир. Муслимнинг саҳиҳида Умму Салама онамиз Росууллоҳ ﷺдан шундай ривоят қилади:

«إِذَا دَخَلْتُ الْعَشْرَ وَأَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يُضَحِّيَ فَلَا يَمْسَ مِنْ شَعْرِهِ وَيَشْرِهِ شَيْئًا»

«Зулҳижжанинг ўн кунлиги кирса ва қурбонлик қилишни истаса, сочи ва тукларини олдирмасин». Имом Нававий

Мұслимнинг шарҳида «**Сочини олдирмасин, тирноғини қисқартирмасин**» деди. Бу ҳадисда инсоннинг бутун танаси тұлиғиға жағаннам азобидан құтулиши учун соч ва тирноқларни олишдан қайтарилған.

Зұлхижжа ойининг ўн күнининг хусусиятларидан яна бири унда рўза тутиш сұннатлигидир. Ҳанида ибн Холид аёлидан, у Росууллоҳнинг баъзи аёлларидан шундай ривоят қиласы: «Росууллоҳ ﷺ зұлхижжаның ўн куни, Ошуро күнлари ва ҳар ойда уч күн рўза тутар эдилар». Аҳмад, Абу Довуд, Нисоий ва бошқалар ривоят қиласы. Имом Нававий ушбу ўн кунда рўза тутиш кучли мустаҳаб амаллардан дир – деган. Ибн Ҳиббоннинг саҳиҳида Ҳафса رضي الله عنه шундай дейди: «Росууллоҳ ﷺ тўрт амални ҳеч қолдирмаганлар; Ошуро рўзасини, зұлхижжа ойининг ўн күнининг рўзасини, ҳар ойда уч күн рўза тутишни ва бомдоддан олдинги икки ракат». Улуғ тобеин Сайд ибн Жубайр зұлхижжаның ўн куни кирса, солиҳ амалларга қаттиқ киришар ва бу борада үнга ҳеч ким teng кела олмас эди. У айтар эдикі, арафа күнининг рўзасини тутиш учун хизматкорларингизни саҳарликка үйғотинг. Ушбу ўн күннинг кечаларида чироғингиз ўчмасин. Ушбу муборак күнларда солиҳ амалларни кўп қилиш ва узоқ қиёмда туришдан киноядир.

Зұлхижжа ойининг ўн күнлигининг хусусиятларидан яна бири Ибн Умар Росууллоҳ رسول الله дан шундай ривоят қиласы:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ أَعْظُمُ عِنْدَ اللَّهِ سُبْحَانَهُ وَلَا أَحَبُّ إِلَيْهِ الْعَمَلُ فِيهِنَّ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ، فَأَكْثِرُوا فِيهِنَّ مِنَ التَّهْلِيلِ وَالْتَّكْبِيرِ وَالْتَّحْمِيدِ»

«Ушбу күнларда қилинган амаллардан кўра Аллоҳ учун улуғроқ ва яхшироқ күнлар йўқ. Шундай экан, бу күнларда таҳлил, такбир ва тамҳидни кўп айтинг», Табароний Мўжкамул кабирда ривоят қиласы. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ибн Умар ва Абу Ҳурайра иккиси шу ўн кунда бозорга чиқиб, такбир айтишар ва одамлар ҳам улар билан такбир айтишар эди». У яна айтадики: «Умар Минодаги чодирида туриб, такбир айтса, масжиддагилар эшитиб улар ҳам такбир айтишар, кейин бозордагилар ҳам

такбир айтишар ва Мино такбир садолари остида ларзага келар эди». Ибн Умар ушбу кунларда намоздан кейин, ётган жойида, чодирида, мажлисида такбир айтар эди, унда такбирни ошкор айтиш мустаҳабдир, чунки Умар, унинг ўғли ва Абу Ҳурайралар шундай қилишган. Саҳоба ва тобеинлардан ворид бўлган такбир айтиш сийғаси қўйидагичадир: Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар кабийро. Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ва лиллаҳил ҳамд. Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ва лиллаҳил ҳамд.

Зулхижжа ойининг хусусиятларидан яна бири Арафа кунида рўза тутишдир: Арафа кунининг рўзасини тутиш ҳожи бўлмаганлар учун таъкидланган. Чунки Арафа кунининг рўзаси ҳақида Росулуллоҳ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَاٰلِهٖ وَسَلَّمَ дандан қўйидаги ҳадис ворид бўлган:

«صِيَامُ يَوْمٍ عَرَفَةَ، إِنِّي أَحْتَسِبُ عَلَى اللَّهِ أَنْ يُكَفَّرَ السَّيْئَةُ الَّتِي قَبْلَهُ، وَالسَّيْئَةُ الَّتِي بَعْدَهُ»
«Арафа кунининг рўзаси ҳақида Аллоҳ Таолодан умид қиласманки, у ундан олдинги бир йил ва ундан кейин бир йилга каффорат бўлади». Муслим ривояти.

Ушбу ўн кунда мусулмон киши солиҳ амалларни қанча кўп қилса, савоби икки баробар ёзилади. Рўза, қиём, Қуръон тиловати, дуо, садақа, Аллоҳни эслаш, чиройли хулқ, силаи раҳм, қурбонлик сўйиш, истиғфор, тавбатун нусух, одамларнинг манфаатини рўёбга чиқариш, эҳтиёжмандларга ёрдамлашиш, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқаришга чақириш (бу Аллоҳга яқинлаштирадиган энг улуғ амалдир. Чунки унда динни тиклаш бор) шулар жумласидандир... Бу кунларда ҳар қандай яхшиликларга эшик очиқ. Маълумки, соҳибидан бошқага ҳам ўтадиган яхши амал Аллоҳ ҳузурида соҳибидан бошқасига ўтмайдиган яхши амалдан афзалдир. Энди яхшилиги бутун Умматга, ҳатто бутун оламга ўтадиган яхши амал ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Чунки ундаги яхшилик барча яхшиликдир. □

СУМОМА ИБН ОСОЛ ҚУРАЙШГА ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ

Хижратнинг олтинчи йилида Росуулллоҳ  Аллоҳга бўлган даъватини кенгайтиришни истаб, араб ва ажамлардан иборат саккизта подшоҳга мактуб ёздилар. Сўнг уларни Исломга даъват қилиб, элчи юбордилар. Росуулллоҳ  мактуб йўллаганлар орасида Сумома ибн Осол Ҳанафий ҳам бор эди. Сумома жоҳилият даврида араб раҳбарларидан бири, Бану Ҳанифа саййиди ва чексиз салоҳият эгаси бўлган Яман подшоҳларидан бири эди.

Сумома Пайғамбар  мактубини нафрат ва манманлик билан қабул қилди ва кибр уни гуноҳга ботирди. Шунингдек, ҳақ ва эзгулик даъватини эшишишдан қулоғини беркитди. Кейин уни шайтон миниб, Росуулллоҳ  ва у кишининг даъватига барҳам беришга ундади. Сўнг Пайғамбар  ғафлат етди дегунча у кишини ўлдириш учун фурсат кута бошлади. Агар Сумоманинг амакиларидан бири сўнгги лаҳзада уни ниятидан қайтартмаганида, бу даҳшатли жиноятни амалга оширган бўлар эди. Аллоҳ Таоло ўз Пайғамбарини унинг ёмонлигидан сақлади. Сумома гарчи Пайғамбаримизни ўлдириш ниятидан қайтган бўлса-да, лекин у кишининг саҳобаларини ўлдириш ниятидан қайтмади. У саҳобаларни пистирмада пойлаб, уларнинг бир нечтасини ўлдиришга муваффақ бўлди. Шунда Росуулллоҳ  унинг қонини ҳалол қилиб, буни саҳобаларига етказдилар.

Ушбу воқеаага ҳеч қанча вақт ўтмасдан Сумома ибн Осол умра қилишни истаб, Ямомадан Маккага қараб юрди. У Маккага борар экан, Каъбани тавоф қилиш ва бутларига жонлиқ сўйишни хоҳлади... У Мадинага яқинлашиб қолганида, ҳаёлига келмаган бир воқеа бўлди. Бу шундай бўлган эди, Росуулллоҳ  бир сарияси Мадинага душман киришидан хавфсираб айланиб юрган эди. Улар Сумомани ушлаб (лекин уни танишмас эди) Мадинага олиб келишди. Сўнг Росуулллоҳ  асирни кўриб, нима қилиш ҳақида буйруқ бериши учун, уни масжиднинг устунига боғлаб қўйишиди.

Росуулллоҳ  чиқиб, масjidга кираверишда Сумомани устунга бойланган ҳолда кўрдилар. Сўнг саҳобаларига: «Кимни ушлаганингизни биласизми деган эдилар, саҳобалар йўқ эй Аллоҳнинг Росули дейишиди. Шунда Росуулллоҳ : Бу Сумома ибн Осол Ҳанафий бўлади унга яхши муомала қилинглар», дедилар.

Кейин уйига бориб: «Нима егулигингиз бўлса, йиғиб Сумома ибн Асадга юборинглар», дедилар ва түясини ўтлатишлари ва унинг сутидан олиб келишларига буюрдилар. Шу ишлар бажариб бўлингач, Росууллоҳ у билан учрашиб, гаплашдилар.

Росууллоҳ Сумомани Исломга киришини хоҳлаб, унга: «Нимани хоҳлайсан эй Сумома дедилар. Шунда у: Эй Мұхаммад, мен фақат яхшиликни хоҳлайман, агар ўлдирсанг бир тирик жонни ўлдирасан, агар раҳм қилсанг шукр қилгувчига раҳм қилган бўласан. Агар мол давлатни хоҳласанг хоҳлаганингча мол давлат оласан, деди.

Росууллоҳ уни шу ҳолда икки кун тарк этиб, егулик ва ичгууликларини бердилар ва түя сутидан юбориб турдилар. Сўнг унинг олдига келиб: «Эй Сумома нимани хоҳлайсан деган эдилар, у мен сенга олдинги айтганларимни айтаман. Агар ўлдирсанг бир тирик жонни ўлдирасан, агар раҳм қилсанг, шукр қилгувчига раҳм қилган бўласан. Агар мол давлат хоҳласанг айтганинг берилади, деди. Шунда Росууллоҳ яна уни тарк этдилар. Кейинги кун келиб яна: Эй Сумома нимани хоҳлайсан деган эди, агар раҳм қилсанг шукр қилгувчига раҳм қиласан, агар ўлдирсанг бир тирик жонни ўлдирасан, агар мол давлат хоҳласанг сўраганинг бўлади, деди. Шунда Росууллоҳ саҳобаларига қараб: «Уни қўйиб юборинглар», дедилар. Саҳобалар унинг арқонларини ечиб қўйиб юборишиди.

Сумома Росууллоҳ нинг масжидини тарк этиб, Мадинанинг чеккасидаги остида суви бор хурмозорга етди. Сумома түясини унга бойлаб, сувида яхшилаб чўмилди ва масжид томонга қайтди. У масжидга етмасдан бир тўп одамлар олдида: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұхаммад унинг элчиси ва қули деб гувоҳлик берди. Сўнг Росууллоҳ га юзланиб, Аллоҳга қасамки эй Мұхаммад, ер юзида мен учун сенинг юзингдан кўра нафратлироқ юз йўқ эди... Бугун мен учун сенинг юзинг дунёдаги энг суюкли юз бўлиб қолди. Аллоҳга қасамки, дунёда мен учун сенинг динингдан кўра нафратлироқ дин йўқ эди, бугун сенинг дининг мен учун энг суюкли динга айланди. Аллоҳга қасамки, сенинг шаҳринг мен учун энг нафратли шаҳарлардан эди, энди мен учун энг севимли шаҳарга айланди, деди. Сўнг давом этиб, мен асҳобларинг орасида қон тўкиб юрар эдим, нима учун менга ҳам ўша нарсани буюрмаяпсан деди. Шунда Росууллоҳ : Эй Сумома васвасага

тушма, чунки Ислом ўзидан олдинги нарсани кечиради, дедилар. Сўнг унинг Исломи туфайли Аллоҳ ёзган яхшилик ҳақида хушхабар бердилар. Шунда Сумоманинг юзига табассум юриб, «Аллоҳга қасамки, мушрикларга ҳамроҳларингиздан кўпроқ зарба берилади. Албатта мен, қиличим ва ортимдагилар сиз ва динимиз учун ишлайди», деди. Сўнг: Эй Аллоҳнинг Росули сизнинг отлиқларингиз мени ушлаб олганда мен умра қилишни ният қилган эдим, нима деб ўйлайсиз умра қилсам бўладими деган эди, Росулуллоҳ : Бориб умрангни қилавер. Лекин Аллоҳ ва Росулининг шариати асосида бажар, дедилар. Сўнг қилиши вожиб бўлган ибодатларни ўргатдилар. Сумома кетди ва Макканинг ўртасида туриб, баланд овозда: (Лаббайкаллоҳумма лаббайк... Лаббайка ла шарика лака лаббайк... Инналҳамда ваннеъматла лака валмулк... Ла шарика лак) деб қичқирди. Сумома Маккага лаббайкани айтиб кирган биринчи мусулмон бўлди.

Қурайш талбияни эшитиб, ваҳима ва ғазаб билан ўрнидан турди ва қиличларини қинидан суғурди. Бостириб келганни бўғиши учун товуш томон ўгирилди. Қавм Сумомага яқинлашгач, талбияни янада қаттиқроқ айта бошлади. Сумома уларга гердайиб қарар эди. Қурайш йигитларидан бири уни камон ўқи билан ўлдирмоқчи бўлган эди, уни қўлидан ушлашиб: Ҳолинггавой бўлсин, бу ким биласанми ахир у Ямома подшоҳи Сумома ибн Осолку. Аллоҳга қасамки, агар унга бирор мусибат етказсангиз унинг қавми бизга ёрдамни тўхтатиб қўяди ва бизни очликдан ўлдиришади, дейишди. Қиличларни қинларига солишгач, Сумомага Эй Сумома сенга нима бўлди, ўз дининг ва аждодларинг динини тарк этиб, юлдузпарастликни қабул қилдингми дейишди. Шунда у йўқ мен юлдузпарастликни қабул қилмадим, аксинча, динлар ичида энг яхиси бўлган Мұҳаммаднинг динига эргашдим деди. Сўнг яна қўшимча қилар экан, ушбу уй роббисига қасамки, мен Ямомага қайтгач, барчангиз Мұҳаммаднинг динига кирмагунингизча Ямоманинг бирор дона буғдойи ва яхшилиги сизга бериilmайди, деди. Сумома Қурайшнинг кўз ўнгига Росулуллоҳ  ўргатганидек умра қилди. Сўнг бут ва санамлар учун эмас, аксинча, Аллоҳ учун жонлиқ сўйди ва юритига қайтиб кетди. Кейин қавмига Қурайшга юбориладиган ёрдамни тўхтатишни буюрди, қавми эса унинг буйруғини бажариб, Макка аҳлига ёрдам беришни тўхтатишиди.

Сумома Қурайшга эълон қилган қамал секин аста таъсир кўрсатиб, нархлар кўтарилиди. Одамларда очарчилик бошланиб,

мусибат оғирлаша бошлади. Ҳатто ўзлари ва болалари очликдан ўлишидан қўрқиб қолишиди. Сўнг улар Росууллоҳ  мактуб йўллаб: Биз сен билан қариндошлиқ ришталарини мустаҳкамлаш ва бунга үндашга аҳд қилган эдик. Сен эса қариндошлиқ ришталарини уздинг, ота-боболаримизни қилич билан ва болаларимизни эса очликдан ўлдирдинг. Сумома ибн Осол эса ёрдамни тўхтатиб, бизга зарар берди. Агар сен унга биз муҳтоҷ бўлаётган нарсани юборишни айтиб мактуб ёзсанг яхши бўлар эди, дейишиди. Шунда Росууллоҳ  Сумомага уларга керакли нарсаларни юборишини айтиб мактуб ёзган эдилар, Сумома уларга сўраган нарсаларини жўнатди.

Сумома тирик экан, динига амал ва Пайғамбарига берган ваъдасига вафо қилди. Росууллоҳ  вафот этгач, араблар Аллоҳнинг динидан тўда тўда ва якка ҳолда чиқиб кета бошлади. Бану Ҳанифадан бўлган Мусайлама одамларни ўзига иймон келтиришга чақирди. Шунда Сумома унга қарши туриб, ўз қавмига: Эй Бану Ҳанифа ҳеч қандай нури бўлмаган бу ишдан эҳтиёт бўлинг. Бу ишни қабул қилганларга Аллоҳ баҳтсизликни ёзади... Эй Бану Ҳанифа бир замонда икки Пайғамбар бўлмайди, албатта Муҳаммад Аллоҳнинг Пайғамбари ва у кишидан кейин на Пайғамбар ва на унга шерик бўлади деб, қуйидаги оятни ўқиди.

﴿غَافِرُ الذَّئْبِ وَقَابِلُ التَّوْبِ شَدِيدُ الْعَقَابِ ذِي الْطَّوْلِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ إِلَيْهِ الْمَصِيرُ﴾

«(Ушбу Қуръон) гуноҳни мағфират қилгувчи, таёба-тазарруъни қабул қилгувчи, азоби қаттиқ ва инъом-эҳсон эгаси (бўлмиш Аллоҳ томонидан нозил қилинган Китобдир). Ҳеч қандай илоҳ ўйқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Фақат Унинг Ўзига қайтилур»

[Фоғир 3]

Сўнгра айтдики, Мусайламанинг «эй қурбақа нимани поклайсан, на сувни поклайсан ва на уни лойқалатасан деган аҳмоқона» сўзлари қаёқдаю Аллоҳнинг каломи қаёқда, деди. Сўнг Исломда қолганлар билан бирга муртадларга қарши Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва у зотнинг калимасини ер юзида олий қилишга шўнғиди.

Аллоҳ Таоло Сумома ибн Осолни Ислом ва мусулмонлар томонидан яхшиликлар билан мукофотласин ва тақводорларга тайёрланган жаннати билан сийласин. □

МАДАВИЙ РОШИД: (ИСРОИЛ) БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ НОРМАЛЛАШУВИ БАЙДЕННИНГ ИБН САЛМОН БИЛАН УЧРАШУВИ БАҲОСИДИР

Британиянинг «Middle East Eye» веб-сайти нашр қилган, «Арабий 21» томонидан таржима қилинган мақолада Саудиялик академик ва мухолифатчи Мадавий Рошид босқинчи (Исройл) билан муносабатларни нормаллаштириш АҚШ президенти Жо Байденнинг Саудия Арабистони валиаҳди шаҳзода Мұхаммад ибн Салмон билан учрашувининг баҳоси бўлади, деди. Унинг таъкидлашича, сўнгги пайтларда (Исройл) расмийлари билан юқори даражада жиддий олиб борилаётган махфий музокаралар ҳақидаги хабарлар Саудия Арабистони ушбу музокаралар муваффақиятли ўтганини расман эълон қилмоқчи эканидан далолат беради. Бу ҳақда АҚШ президенти Жо Байден яқин ҳафталарда Риёзга кутилаётган ташрифи чоғида эълон қилиши мумкин. Унинг таъкидлашича, ибн Салмон «маҳаллий ва ҳалқаро аудиторияга нормаллашувга қарши эмаслигини эслатиш имкониятини қўлдан бой бермайди».

Унинг айтишича, яқинда Вашингтонга ташрифи чоғида шаҳзоданинг укаси Холид баъзи шахсий учрашувлари чоғида сўров ўтказилганини таъкидлади. Ишончизшубҳали ушбу сўровда ўттиз ёшгача бўлган саудияликлар нормаллашувни қўллаб-қувватлашган эмиш. Саудия Арабистони қироллиги (Исройл) билан муносабатларни нормаллаштиришдан Вашингтондаги имтиёзли мавқенини тиклаш учун савдо воситаси сифатида фойдаланмоқда... Унинг таъкидлашича, (Исройл) валиаҳд шаҳзоданинг мавқенини кўтариш ва обрўсини яхшилашга ёрдам бераётганига шубҳа йўқ. Чунки Вашингтондаги таҳлил марказлари ва уларнинг босим гурӯхлари ибн Салмоннинг обрўсини яхшилашга қаратилган ташвиқотини кучайтирмоқда. Ажабланарлиси шундаки, (Исройл) бугун Вашингтонда Саудия Арабистони қироллиги фойдасига ишлайдиган энг йирик ташвиқот агентлигига айланган... Шунингдек, ибн Салмон Байдендан отаси вафотидан кейин қироллик таҳтини эгаллашга қаратилган съй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ваъда беришини истайди. Чунки унинг келажаги ҳақидаги ноаниқлик фақат Қўшма Штатлар унинг қиролликни бошқаришини расман қўллаб-қувватлаган тақдирдагина бартараф этилиши мумкин. Унинг қўшимча қилишича, Саудия Арабистони валиаҳди шаҳзодаси Америка президентига босим ўтказиш, унинг обрўсини тиклаш ва Вашингтоннинг унга қарши сиёсатидан воз кечиши учун иқтисодий қуролдан фойдаланмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам нефть Риёз ва Вашингтон ўртасидаги муносабатларга путур етказаётган қийинчилкларни енгид ўтганга ўхшайди... Байден Саудия Арабистони Россияга қарши урушда ғалаба қозонишнинг мұхим элементи эканини билади. Валиаҳд шаҳзода кўпроқ нефть қўйиш эвазига АҚШ президентининг қиролликка ташрифи билан мукофотланади. Бироқ Байден ўз обрўсини бутунлай йўқотмоқчи эмас. Афтидан у ноҳақ золим олдида мағлуб бўлганга ўхшайди. Шундай бўлса-да, у Вашингтонга тарихий декларация, яъни Саудия Арабистони ва (Исройл) ўртасида нормаллаштириш келишувига эришиш билан қайтиши керак. Шу сабабли Вашингтон билан бўлган хавфсизлик келишуви ноилож қолган Америка президентидан кутилган мукофот бўлади... Валиаҳд шаҳзода эса (Исройл) билан тўла нормаллашишни таклиф қиласди.

Ал-Ваъй: Ибн Салмоннинг қирол сифатида таҳтга ўтириши унинг учун (Исройл) билан нормаллашишдан кўра мұхимроқдир... Ушбу нормаллашув бугун содир бўлса, ёки кечикирилса фарқсиз, Саудия Арабистони унга қонуний муносабатлар сифатида қарайди... Саудия Арабистони ҳукмдорлари хиёнат, ҳийла-найранг, Уммат ва унинг динига иккюзламачилик қилиш ҳамда ғарбга қуллик қилишда минтақа ҳукмдорларидан фарқ қилмайди... Бугун улар (Исройл) билан муносабатларни нормаллаштираётган экан, уларнинг ёмонлиги янада зиёдалашмоқда. □

ЎЗ ДИНЛАРИНИН ХЎЖАЙИНЛАРИНИНГ ДУНЁСИ ЭВАЗИГА СОТГАН ЮЗЛАБ УЛАМОЛАР ИШТИРОКИДА ҚАТАРДА ЎТГАН «ДИНЛАР МУЛОҚОТИ» КОНФЕРЕНЦИЯСИ

2022 йил 24 май куни Қатар пойтахтида 70та давлатдан 300 нафар уламо, диний етакчи, академик ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида 14-Динлараро мuloқot бўйича Давҳа конференцияси фаолияти бошланди. У «динлар ва нафрат хитоби нусус ва амалиёт ўртасида» шиори остида ўтказилади. Конференция икки кун давом этиб, учта асосий мавзуни мұхокама қиласди: «Нафрат хитоби ҳамда у ҳақида тушунча, унинг сабаб ва мотивлари», «Нафрат хитобининг намуналари ва шакллари», «Нафрат хитобига қарши туриш усуллари». Конференция очилишида Қатар ташки ишлар вазири Султон ибн Саъд Мурайхийнинг айтишича, унинг мамлакати «Шахслар, гурӯҳлар ва давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик бўлиши учун бошқаларни эътироф этиш ҳамда унинг сақофати, эътиқоди ва қадриятларини ҳурмат қилишдан келиб чиқадиган конструктив мuloқot бўлиши лозимлигига ишонади. Давҳа ҳалқаро динлараро мuloқot маркази директорлар кенгаши раиси Иброҳим ибн Солиҳ Нуаймий матбуот баёнотида конференция диний уламолар, академиклар ва дунёning турли жойларидан келган динлараро марказлар раҳбарларидан иборат сара гурӯҳ ўртасида фикрий маслаҳат форуми эканинини айтди. Шунингдек, мазкур конференциядан ҳар бир диннинг ақидавий масалаларини мұхокама қилишдан йироқ бўлган ҳолда, инсоният манфаати йўлида ҳамжиҳатликда яшашга замин топиш учун самовий динлар ўртасида «умумий сўз»га чақириш кўзланганини таъкидлади. Конференциянинг биринчи мажлисида Ҳалқаро мусулмон имомлари иттифоқи бош котиби Али Қора Доғий «Мувозанат фиқҳига кўра, ҳалқлар ўртасидаги муносабатлар танишув ва яқинлашувга асосланади», деди.

Ал-Ваъй: Бу диний конференция эмас, диний характердаги сиёсий конференциядир... Бу сиёсий мақсадларга эришишга қаратилган конференциядир. Яъни Исломни ҳаётнинг барча масалалари учун қонунчилиги бор сиёсий дин эмас, аксинча, ахлоқий коҳинлик дини сифатида кўрсатиш учун ўтказилаётган конференциядир... Ундан мана шу доирадан ташқаридаги ҳар қандай таклиф қарши туриш лозим бўлган нафрат даъвати сифатида кўрилиши мўлжалланган. Ундан кўзланган мақсад янги оламшумул динга яширин чақириқдир. Яъни Давҳа ҳалқаро динлараро мuloқot маркази раиси Иброҳим ибн Солиҳ Нуаймий баёнот берганидек ҳар бир диннинг ўзига хос эътиқодий масалаларидан узоқда, инсоният манфаати йўлида ҳамжиҳатликда яшашга замин топиш учун самовий динлар ўртасида умумийлик ва «умумий сўз»га даъват қилишдир. Ундан кўзланган мақсад, конференцияда қабул қилинган нарса (дунёning турли бурҷакларидан келган диний уламолар, академиклар ва динлараро мuloқot марказлари раҳбарларидан иборат гурӯҳнинг) шаръий позициясидир деб кўрсатишдир... Бу конференция Аллоҳ томонидан ҳужжати бўлмаган нарсаларни тарғиб қилаётган, дунёда ҳокимларнинг малайи ва охиратда уларнинг гуноҳдаги шериги бўлган ёмон уламоларнинг позициясини фош қиласди. Буни ҳалқаро мусулмон имомлар иттифоқи бош котиби Али Қора Доғийнинг «Мувозанат фиқҳига кўра, ҳалқлар ўртасидаги муносабатлар танишув ва яқинлашувга асосланади», деган баёноти ҳам тасдиқлаб турибди. □